


ТДИУ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ

TOSHKENT DAVLAT
IQTISODIYOT UNIVERSITETI



TASHKENT STATE
UNIVERSITY OF ECONOMICS



ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
МАЖМУА

ТОШКЕНТ-2021



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ
ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ
МАРКАЗИ

“БАНК ИШИ ВА АУДИТИ”

йўналиши

«ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РИСКЛАРНИ
БОШҚАРИШ»

МОДУЛИ БЎЙИЧА

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент 2021

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: Тоймухамедов И.- ТДИУ “Банк иши ва инвестициялар” кафедраси доценти, и.ф.н.

Такризчилар: Бобокулов Т.И. - ТМИ профессори, и.ф.д.
Тожиев Р.Р. - ТДИУ “Банк иши ва инвестициялар” кафедраси доценти, и.ф.н.

Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2020 йил 29 декабрдаги 5-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур.....	4
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....	12
III. Назарий материаллар.....	20
IV. Амалий машғулот материаллари.....	89
V. Кейслар банки.....	96
VI. Мустақил таълим мавзулари.....	98
VII. Глоссарий.....	100
VIII. Адабиётлар рўйхати.....	103

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мазкур ишчи дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4022-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модуль тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, махсус мақсадларга

йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муасасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

- “Банк иши ва аудити” йўналишида педагог кадрларнинг замонавий касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- банк тизими ва алоҳида олинган банклар фаолиятида юзага келадиган рискларнинг турлари ва сабаблари;
- банк рискларини баҳолаш усуллари;
- банкларда рискларни бошқариш тизими ва усуллари, қарорлар қабул қилиш жараёнлари;
- тижорат банклари рискларини бошқариш фанини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- тижорат банклари рискларини бошқариш соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;
- “Банк иши ва аудити” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш” ҳамда “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Мутахассислик фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- банк рисклари тушунчаси ва унинг таснифланишини;
- банк рискларини бошқариш жараёнларида тизимли таҳлил хусусиятларини;
- банк рискларини бошқариш тизими ва унинг элементларини;
- банкларнинг молиявий рискларини таҳлил қилиш усулларини;
- банк рискларининг сабаб ва оқибатларини ўрганиш ва уларни гуруҳлашни;
- фоиз рискни бошқаришда қарор қабул қилиш бўйича жаҳон тажрибасини;
- кредит рискни суғурта қилиш, рискни ўтказиш, рискни тақсимлаш масалалари ва бу борада жаҳон тажрибасини;
- Базель қўмитасининг вужудга келишини;
- фоиз rischi бўйича БАЗЕЛ талабларини;
- операцион рискни баҳолаш ва бошқариш усулларини ***билиши керак.***

Тингловчи:

- банклар фаолиятида рискларнинг юзага келиш эҳтимоли ва унинг банк фаолиятига таъсирини аниқлаш;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рискларни бошқариш бўлимига белгиланган талабларни таҳлил қилиш;
- операцион рискни баҳолаш ва бошқариш усуллари бўйича қарорлар қабул қилиш каби;
- ГЭП - таҳлил орқали фоиз рискни бошқариш;
- банк ликвидилиги ва капитали билан боғлиқ рискларни бошқариш бўйича қарор қабул қилиш ва стратегия ишлаб чиқиш ***кўникмаларига эга бўлиши лозим.***

Тингловчи:

- ривожланган давлатлар ва маҳаллий банклар амалиётида кредит рискларни қоплаш бўйича захиралар шакллантириш;
- Ўзбекистон банклари амалиётида кредит риск бўйича талабларни таҳлил қилиш;

- тижорат банкларида фоиз рискени бошқариш бўйича қарор қабул қилиш тизимини ташкил қилиш;
- тижорат банклари фаолиятида фоиз риски ва уни бошқариш усулларини амалда қўллаш *малакаларига эга бўлиши зарур.*

Тингловчи:

- тижорат банкларида фоиз рискени бошқариш бўйича қарор қабул қилиш тизимини ташкил қилиш;
- операцион рискни баҳолаш ва бошқариш усуллари бўйича қарорлар қабул қилиш;
- олтин-валюта захираларига тенглаштирилган фондлар;
- замонавий пул-кредит сиёсатнинг тактик мақсадларини амалиётда қўллаш;
- тижорат банкларининг фаолиятида Базель талабларининг муҳимлигини англаш каби *компетенцияларга эга бўлиши зарур.*

Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўқув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган ҳолда мустақил малака ошириш усуллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-илоvasи билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг масофавий таълим тизимидаги тегишли ўқув-методик ресурсларини мустақил равишда ўзлаштириш шаклида амалга оширилади.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

Модул бўйича соатлар тақсимооти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			
		Аудитория ўқув юкламаси			
		жами	жумладан		
			Назарий машғулот	Амалий машғулот	Кўчма машғулот
1	Банк рисклари, моҳияти, турлари ва таснифи.	4	2	2	
2	Банк рискларини юзага келтирувчи ва уларнинг даражасига таъсир этувчи омиллар таснифи	4	2	2	
3	Банкларда рискларни бошқариш жараёни босқичлари ва моделлари	6	2	2	2
	Жами:	14	6	6	2

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Банк рисклари, моҳияти, турлари ва таснифи.

Банк рисклари тушунчаси ва унинг моҳияти. Банк рискларининг турлари ва унинг таснифи. Банк рискларини бошқаришнинг назарий асослари. Банк рискларининг турлари ва бошқариш усуллари. Банклар фаолиятида рискларнинг юзага келиш эҳтимоли ва унинг банк фаолиятига тасири. Банк рискларини бошқариш тизими ва унинг элементлари. Банкларда риск-менежмент тизими: таркиби ва жорий қилиш механизми.

2-мавзу. Банк рискларини юзага келтирувчи ва уларнинг даражасига таъсир этувчи омиллар таснифи.

Рискларни юзага келтирувчи ва уларнинг даражасига таъсир этувчи омиллар таснифи. Банкларнинг молиявий рискларини таҳлил қилиш усуллари. Рискларни бошқариш усуллари. Банклар фаолиятида рискларни бошқариш бўлимининг вазифалари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рискларни бошқариш бўлимига белгиланган талаблар. Банк рискларининг таснифи ва қиёсий тавсифини шакллантириш ва баҳолаш. Банк рискларининг характерли хусусиятлари. Банк рискларини аниқлашга ёндашувларни шакллантириш. Банк рискларининг сабаб ва оқибатларини ўрганиш ва уларни гуруҳлаш.

3-мавзу. Банкларда рискларни бошқариш жараёни босқичлари ва моделлари.

Молиявий хавфларни бошқариш жараёнининг босқичлари. Банкларда кредит рискинни бошқариш усуллари. Кредит рискинни қарорлар қабул қилиш орқали бошқариш усуллари. Жаҳон амалиётида кредит рискинни бошқариш тажрибаси. Кредит рискига тасир қилувчи омиллар. Ривожланган давлатлар ва маҳаллий банклар амалиётида кредит рискларни қоплаш бўйича захиралар шакллантириш бўйича қарор қабул қилиш ва чоралар ишлаб чиқиш масалалари. Кредит рискинни суғурта қилиш, рискинни ўтказиш, рискинни тақсимлаш масалалари ва бу борада жаҳон тажрибаси. Кредит рискинни бўйича Базел қўмитаси талаблари. Риск қиймати VAR (value at risk). Ўзбекистон банклари амалиётида кредит риск бўйича талаблар ва уларга амал қилиш масалалари.

Фоиз рискинни моҳияти ва юзага келиш сабаблари, унга тасир қилувчи омиллар. Тижорат банкларида фоиз рискинни бошқариш бўйича қарор қабул қилиш тизимини ташкил қилиш. Банкларда фоиз рискинни баҳолаш ва уни бошқариш усуллари. Тижорат банклари пассивлари ва активлари билан боғлиқ рискларни бошқариш. ГЭП - таҳлил орқали фоиз рискинни бошқариш. Фоиз рискинни бошқаришда қарор қабул қилиш бўйича жаҳон тажрибаси. Фоиз рискинни бўйича БАЗЕЛ талаблари. Банкларда фоиз рискинни самарали бошқариш йўллари. Операцион риск юзага келишининг ички ва ташқи сабаблари. Операцион риск бўйича БАЗЕЛ қўмитасининг тавсиялари ва талаблари. Операцион рискинни баҳолаш ва бошқариш усуллари бўйича қарорлар қабул қилиш. Тижорат банкларининг фонд бозоридаги операциялари рискинни ва портфел рискинни баҳолаш ва бошқариш бўйича қарорлар қабул қилиш. Тижорат банкларида ликвидлик ва валюта рискларининг сабаблари ва турлари, банк ликвидлиги ва капитали билан боғлиқ рискларни бошқариш бўйича қарор қабул қилиш ва стратегия ишлаб чиқиш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1–амалий машғулот:

Банк рисклари, моҳияти, турлари ва таснифи.

Банк рисклари тушунчаси ва унинг моҳияти. Банк рискларининг турлари ва унинг таснифи. Банк рискларини бошқаришнинг назарий асослари. Банк

рискларининг функциялари ва бошқариш усуллари. Банклар фаолиятида рискларнинг юзага келиш эҳтимоли ва унинг банк фаолиятига тасири. Банк рискларини бошқариш тизими ва унинг элементлари. Банкларда риск-менежмент тизими: таркиби ва жорий қилиш механизми.

2-амалий машғулот:

Банк рискларини юзага келтирувчи ва уларнинг даражасига таъсир этувчи омиллар таснифи

Рискларни юзага келтирувчи ва уларнинг даражасига таъсир этувчи омиллар таснифи. Банкларнинг молиявий рискларини таҳлил қилиш усуллари. Рискларни бошқариш усуллари. Банклар фаолиятида рискларни бошқариш бўлимининг вазифалари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рискларни бошқариш бўлимига белгиланган талаблар. Банк рискларининг таснифи ва қиёсий тавсифини шакллантириш ва баҳолаш. Банк рискларининг характерли хусусиятлари. Банк рискларини аниқлашга ёндашувларни шакллантириш. Банк рискларининг сабаб ва оқибатларини ўрганиш ва уларни гуруҳлаш.

3-амалий машғулот:

Банкларда рискларни бошқариш жараёни босқичлари ва моделлари

Молиявий хавфларни бошқариш жараёнининг босқичлари. Жаҳон амалиётида кредит рискинни бошқариш тажрибаси. Кредит рискига таъсир қилувчи омиллар. Ривожланган давлатлар ва маҳаллий банклар амалиётида кредит рискларни қоплаш бўйича захиралар шакллантириш бўйича қарор қабул қилиш ва чоралар ишлаб чиқиш масалалари. Кредит рискинни суғурта қилиш, рискни ўтказиш, рискни тақсимлаш масалалари ва бу борада жаҳон тажрибаси. Кредит рискинни бўйича Базел қўмитаси талаблари. Риск қиймати VAR (value at risk). Ўзбекистон банклари амалиётида кредит риск бўйича талаблар ва уларга амал қилиш масалалари.

Фоиз рискинни моҳияти ва юзага келиш сабаблари, унга таъсир қилувчи омиллар. Банкларда фоиз рискинни баҳолаш ва уни бошқариш усуллари. Тижорат банклари пасивлари ва активлари билан боғлиқ рискларни бошқариш. ГЭП - таҳлил орқали фоиз рискинни бошқариш. Фоиз рискинни бўйича БАЗЕЛ талаблари. Банкларда фоиз рискинни самарали бошқариш йўллари. Операцион риск юзага келишининг ички ва ташқи сабаблари. Операцион риск бўйича БАЗЕЛ қўмитасининг тавсиялари ва талаблари. Операцион рискни баҳолаш ва бошқариш усуллари бўйича қарорлар қабул қилиш. Тижорат банкларининг фонд бозоридаги операциялари рискинни ва портфел рискинни баҳолаш ва бошқариш бўйича қарорлар қабул қилиш.

Тижорат банкларида ликвидлилик ва валюта рискларининг сабаблари ва турлари, банк ликвидлиги ва капитали билан боғлиқ рискларни бошқариш бўйича қарор қабул қилиш ва стратегия ишлаб чиқиш.

КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Модулнинг ўқув дастурида “Банкларда рискларни бошқариш жараёни босқичлари ва моделлари” мавзусида 2-соат кўчма машғулот режалаштирилган.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Муаммони жамоали тарзда ҳал этишнинг усуллари ва воситалари Музокаралар

Музокаралар – аниқ ташкил этилган икки томон фикрларининг алмашинуви.

Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши



Баҳс

Баҳс – ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри қарорни қабул қилиш.

Анжуман-баҳсининг роли

Олиб борувчи – ўргатувчи барча ваколатларига эга – баҳс боришини бошқаради, исботлар ва рад этишларнинг далилигини, тушунча ва

атамаларнинг аниқлигига эътибор қаратади, мулоқотнинг барча қоидаларга муносиб тарзда ўтишини кузатади.

Оппонент – тадқиқотчилар муҳитида қабул қилинган оппонентлик жараёнини амалга оширади. У нафақат нутқ сўзловчининг асосий нуктаи назарини ифодалаши, балки уни тушиниши орқали унинг хатоларини топиши ва ҳал этишнинг ўз вариантини тақдим этиши зарур.

Мантиқчи – нутқ сўзловчи ва оппонент фикларидаги қарама-қаршиликларни ва мантиқий хатоларни аниқлайди, тушунчалар тавсифини аниқлайди, далиллар ва рад этишларни ва фаразни олдинга суриш ҳаққонийлигини таҳлил қилади.

Психолог – маҳсулли мулоқотни ташкил этиш учун жавоб беради, биргаликда ҳаракатларни амалга ошириб, келишувга эришади, баҳснинг можарога айланишига йўл қўймайди.

Эксперт – баҳс усулининг натижавийлигини баҳолайди, олдинга сурилган фаразлар ва таклифлар, хулосалар ҳаққонийлигини баҳолайди, аниқ бир иштирокчининг қўшган ҳиссаси тўғрисида фикрларни билдиради ва бошқалар.

«Ақлий ҳужум»

Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.


Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгил.


• **Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум** – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

• **Оммавий ақлий ҳужум** – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

• Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

Кўргазмали тақдим этиш: график ташкил этувчилар






Тоифали жадвал Тоифа – мавжуд ҳолат ва муносабатларни акс эттирадиган белги (умумий).
 - ажратилган белгиларга кўра олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди.
 - тизимли мушоҳада қилишни, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш кўникмасини ривожлантиради.

Тоифали шарҳни тузиш коидалари билан танишилади. Ақлий ҳужумдан сўнг (кластерга ажратиш) мини гуруҳларда янги ўқув материали билан танишилади ва олинган маълумотлар фрагментларини бирлаштиришга имкон берадиган тоифаларни излаш ишлари олиб борилади.

Тоифалар жадвал кўринишида расмийлаштирилади. Ҳама маълумотлар жадвалида тегишли тоифалар бўйича тақсимланади. Иш жараёнида маълум бир тоифалар номлари ўзгартирилиши мумкин. Янгилари пайдо бўлиши мумкин

Ишнинг натижавий тақдими

Венн диаграммаси



SWOT-таҳлил жадвали

SWOT – таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:

Strengths – кучли томони, корхонада ички ресурслар мавжудлиги назарда тутилади;


Weakness – кучсиз томони ёки ички муаммолар мавжудлиги;

Opportunities – имкониятлар; корхона ривожланиши учун мавжуд имкониятлар;

Threats – хавфлар; ташқи муҳитдаги мавжуд хавф-хатарлар

Қоидага кўра, SWOT – таҳлилининг муваффақияти ташкилотга боғлиқ бўлмай, балки келгусидаги стратегик мақсад ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда унинг натижаси ҳисобга олиншига боғлиқ бўлади. Уни қўллашда элементларини қуйидагича талқин қилиш мумкин:

“Кучлар таҳлили” графиги



«Кучлар таҳлили» графигини тузиш қондаси

Координат ўқи чизилади, чапга стрелка (кучлар) билан корхона ривожланиши ёки муайян бизнес лойиҳасини амалга оширишга халақит берувчи тўсиқлар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жиҳатдан у ёки бу муаммога таъсири ҳамда жиддийлигига мос келиши лозим бўлади.

Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгиб ўтиш воситалари стрелка кўринишида экс эттирилади. Уларнинг сони графикнинг ўнг томонидан натижа чиқара оладиган даражада бўлиши лозим.

Умуман олганда, бу келгусида аниқлаштиришни ва бўлақларга ажратишни талаб этадиган кучларни нисбий баҳолаш усули ҳисобланади.

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий

вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс.

Амалий вазият. Инновацион тадқиқотлар бўйича эълон қилинган танловда Сизнинг грантингиз ғолиб бўлди. Грант ижрочилари белгиланган бўлсада, ташкилот раҳбари ижрочи сифатида Сиз танимайдиган бир ёш мутахассисни грантга қўшишга кўрсатма берди. Сиз андиша қилиб уни грантга ижрочи сифатида киритдингиз ва у бажариши лозим бўлган вазифаларни белгилаб бердингиз. 6 ой ўтди. Ижрочи ҳеч бир вазифани бажармади, лекин иш ҳақи олиб юрди. Гранд иштирокчилари ўртасида эътирозлар юзага келди.

Бундай ҳолатда Сиз гранд раҳбари ёки ижрочи сифатида қандай йўл тутасиз?

1. Раҳбарингизга арз қилиб, вазиятни тўғрилаш учун ёрдам сўрайсиз.

2. Ёш мутахассис вазифаларини ўзингиз бажариб боришингиз бошқа ижрочиларга айтиб, вазиятни тўғрилайсиз.
3. Ёш мутахассис вазифаларини бошқа ижрочилар бажариши учун тақсимлаб берасиз.
4. Маслаҳатиз уни гранддан чиқариб ташлайсиз.
5. Ёки бошқача йўллари топасиз.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.

1-мавзу. Банк рисклари, моҳияти, турлари ва таснифи.

Режа:

1.1. Банк рисклари тушунчаси ва унинг моҳияти. Банк рискларининг турлари ва унинг таснифи.

1.2. Банклар фаолиятида рискларнинг юзага келиш эҳтимоли ва унинг банк фаолиятига тасири.

1.3. Банк рискларини бошқаришнинг назарий асослари ва бошқариш усуллари.

1.4. Банкларда риск-менежмент тизими: таркиби ва жорий қилиш механизми.

Калит сўзлар: Риск, молиявий рисклар, рискларни баҳолаш, рискларни баҳолаш моделлари, корхона, тартибга солувчи орган, баҳолаш амалиёти, инвестор, назорат, тижорат банклари.

Келтирилган қисқартмалар рўйхати

ЯИМ	Ялпи ички маҳсулот
МБ	Марказий банк
АЖ	Акциядорлик жамияти
VaR	Риск остидаги қиймат
CvaR	Рискнинг шартли қиймати
LVaR	созланган ликвидлик ва риск остидаги қиймат
SaR	қисқа риск, ўртача йўқотиш
NPV	соф дисконтланган даромад
IRR	ички даромадлилик даражаси
COSO	-Тредвей Комиссиясининг хомий ташкилотлари қўмитаси(АҚШ)
АҚШ	Америка Қўшма Штатлари
FERMA	Риск-менежерлар Европа ассоцияция федерацияси стандарти
ISO	Халқаро стандартлаштириш ташкилоти
IRM	Риск-менежмент институти
AIRMIC	Риск-менежмент ва суғурта ассоцияцияси
ALARM	Риск-менежмент бўйича миллий форум
AS	Австралия
NZS	Янги Зеландия
IEC	Рискларни баҳолаш усуллари(кўрсатмалар)
МЭК	Рискни баҳолаш бўйича қўлланма
ИНТЕК	Россияда илмий техник марказ
ГОСТ Р ИСО	Рискларни бошқариш. Тамойиллар ва кўрсатмалар
ЯДТМ	Ягона дастурий-техник мажмуа.

1.1. Банк рисклари тушунчаси ва унинг моҳияти. Банк рискларининг турлари ва унинг таснифи.

Иқтисодийни модернизациялашнинг жорий босқичида корхоналарда замонавий корпоратив бошқарув амалиётларини самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, сўнги йилларда жаҳонда ва асосий савдо ҳамкор давлатларда содир бўлган иқтисодий жараёнларни инобатга олиб, уларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсирининг олдини олишга, ички талаб ва реал сектордаги инвестицион фаолликни рағбатлантириш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда барча соҳаларда ишлаб чиқариш ҳажмларининг кенгайтирилиши таъминлаш орқали мувозанатли иқтисодий ўсиш суръатларига эришишга қаратилган давомли макроиқтисодий сиёсат юритилиб келинмоёда.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналарда замонавий бошқарув усул ва услубларини жорий этишда муҳим бурилиш ясади.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Ҳар томонлама мукамал ва самарали бошқарув тизимини яратиш – олдимизда турган улкан вазифаларни бажаришнинг асосий шартидир.”¹

Корхоналарда замонавий корпоратив бошқарув амалиётларини жорий этишда ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларидан самарали фойдаланиб келинмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, мамлакатимизда фаолият юритаётган жами корхоналарда бошқарувининг таркибий тузилишида ҳам ўзига хос ўзгаришларни кўришимиз мумкин.

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида ўтган йили 93 мингта ёки 2018 йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди.

Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтингига 7 поғона кўтарилиб, бизнесни рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича дунёнинг 190 та давлати орасида 8-ўринни эгалладик ва энг яхши ислохотчи давлатлар қаторидан жой олдик.²

Шу билан бирга бозор муносабатлари шароитида иқтисодий таваккалчиликни ҳисобга олиш ва баҳолаш, бошқарув назарияси ва амалиётининг муҳим таркибий қисми сифатида мустақил назарий, амалий аҳамият касб этади. Аксарият бошқарув қарорларини таваккалчилик шароитида қабул қилиниши бир катор тўлиқ ахборотларни мавжуд эмаслиги, ўзаро қарама-қарши ғоялар, эҳтимоллик элементлари ва бошқа кўпгина омиллар билан боғлиқ.

Мамлакатимиз илк бор халқаро кредит рейтингини олди ва жаҳон молия бозорида 1 миллиард долларлик облигацияларини муваффақиятли

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//Халқ сўзи. 2020 йил. 25 декабр.

² Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//Халқ сўзи. 2020 йил. 25 декабр.

жойлаштирди. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг кредитга доир таваккалчилик рейтинги охириги 10 йилда биринчи марта яхшиланди.³

Маълумки, ҳар қандай тадбиркорлик оламидаги ютуқлар, кўп ҳолларда тадбиркорлик фаолиятининг танланган стратегиясини қанчалик тўғри ва асосли эканлигига боғлиқ. Бунда жиддий вазиятлар ҳисобига олиниши лозим. Тадбиркорлик фаолиятини эса таваккалчилик ва рисксиз тасаввур этиш, иқтисодий саводсизлик ҳисобланади.

Рисклар ҳар қандай ташкилотнинг молиявий ҳолатига зарар келтириши ва корхонанинг бутунлай банкрот бўлишига олиб келиши мумкин. Ушбу ҳолатларни инобатга олиб корхоналар фаолият давомида рискларни бошқариш орқали унинг хавф даражасини пасайтиришга ҳаракат қилади.

Корхоналарда молиявий таваккалчиликларни бошқариш замонавий корпоратив бошқарув механизмини ташкил этишнинг асосий босқичларидан бири ҳисобланади. Чунки тадбиркорлик фаолиятида молиявий таваккалчиликларнинг пайдо бўлиши табиий ҳисобланиб, корхона молиявий менежерлари томонидан бошқарув қарорларини қабул қилишда алоҳида эътибор қаратилиши ва бошқарилиши лозим бўлган объект сифатида намоён бўлади.

Таваккалчиликни кучайиши-бу, мохиятан тадбиркорлик эркинлигининг акси бўлиб, бу тадбиркор учун ўзига хос тўлов ҳамдир. Бозор муносабатлари шароитида яшаб қолиш учун, техникавий янгиланиш ва дадиллик, жўшқин ҳаракатга таянилади, бу эса ўз навбатида таваккалчилик(риск)ни кучайтиради. Демак, бунда тадбиркорликнинг бош ҳислати таваккалчилик(риск)дан қочмаслик, балки, уни олдиндан кўра билишда ва унинг энг паст даражагача пасайтира олишда намоён бўлади.

Шунинг учун замонавий иқтисодиётга хос бўлган омиллардан бири-бу таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолда иқтисодий жараёнларни сифат ва миқдорий хусусиятлари тўғрисидаги билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш ҳисобланади. Қарорларни қабул қилиш жараёнида молиявий таваккалчилик(риск)ни ҳисобга олувчи ва моделлаштирувчи бир қатор намунавий услубларни ўрганиб муаммолар ечимини топишда, амалда қўллаш мақсадида тегишли усулларни ўзлатириш ҳам давр талабидан келиб чиқади.

Юқоридаги кўриб ўтилган муаммоларнинг мавжудлиги ва уларни ҳал этилиш зарурияти тўрисида мамлакат Президенти Ш.М.Мирзиёев куйидагиларга тўхталиб: “Банкротлик борасидаги ҳозирги тартиб-тамоийиллар корхоналарни тугатиш ва мол-мулкдан тушган маблағлар ҳисобидан қарзларни қоплашни назарда тутди. Шунинг учун сўнгги 3 йилда атиги 3 та корхонада санация қўлланган, холос. Энди бундай қоидадан бутунлай воз кечиб, тўловга қобилиятсиз корхоналарни энг илғор хорижий

³ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//Халқ сўзи. 2020 йил. 25 декабр.

тажриба асосида соғломлаштириш бўйича янги тизим жорий этамиз.”⁴ дея таъкидладилар.

Бугунги кунда рискларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш, хусусан, молиявий рискларни бошқаришни чуқур омилли таҳлил қилиш механизминини жорий этиш, захираларни шакллантириш, инвестиция портфелини диверсификациялаш, муаммоли кредитларнинг юзага келишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриш, кутилаётган йўқотишлар моделлари асосида эҳтимолий йўқотишларга захираларни шакллантиришга талабларни такомиллаштириш бўйича халқаро стандартларни жорий этиш кўзда тутилган.

Демак, хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини оширишнинг энг самарали усулини танлаш мақсадида стратегик менежмент воситаларини ўрганар эканмиз, шунини таъкидлаймизки, рақобатдош устунликларни ривожлантириш бўйича стратегик режалаштириш мақсадларига корхона томонидан таваккалчиликларни бошқаришнинг самарали усуллари қўллаган ҳолдагина эришиш мумкин.

Кейинги йилларда рисклар тадқиқ этилган қатор илмий ишларда уларни минималлаштиришни амалга ошириш борасида маълум натижаларга эришиш таъкидлансада, мазкур жабҳада ҳамон ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжудлигини алоҳида қайд этиш лозим. Хусусан, бу жараёнда рискларнинг моҳияти, уларнинг юзага келиш сабаблари ва ўзаро боқлиқлиги, шунингдек, оқибатларини камайтиришга қаратилган фаолият, яъни риск-менежмент имкониятларини тадқиқ этиш долзарб мавзуларидан бири ҳисобланишини қайд этиш ўринлидир.

Ҳар қандай иқтисодий фаолият доимо риск элементларини ўз ичига олади. Бироқ, адабиётда ушбу тушунчани аниқлашда ягона ёндашув йўқ.

Мавжуд адабиётларда рискнинг хислат, хусусият ва элементлари объектив ва субъектив жиҳатлари ўзаро муносабатлари, уни мазмунини англаш турлича тавсифланган.

Рискнинг моҳияти тўғрисидаги хилма-хил фикрлар, кўп ҳолларда бу ходисанинг серқирралиги амалда мавжуд хўжалик фаолияти қонуниятларида уни тўлиқ тан олинмаслиги, реал иқтисодий амалиётида ва бошқарув фаолиятида етарлича қўлланилмаслиги билан шарҳланади. Ундан ташқари рик бу-бир бирига мос келмайдиган, баъзида хатто қарама-қарши реал ҳолатлар йиғиндисидан иборат мураккаб жараёндир.

Хўжалик субъектлари фаолиятидаги рисклар ва уларга хос хусусиятларни тадқиқ қилишдан аввал «риск» сўзининг луғавий маъноси ва риск категориясига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ саналади.

Рискнинг ягона таърифининг йўқлиги ушбу ходисанинг кўп қиррали, мураккаблиги ва номувофиқлигидан келиб чиқади. Николай Луманнинг таъкидлашича, сўз тарихи ва "риск" тушунчаси ҳақида батафсил изланишлар олиб борилмаган, чунки у нисбатан камдан-кам ҳолларда ҳар хил фанларда

⁴ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//Халқ сўзи. 2020 йил. 25 декабр.

пайдо бўлган, ammo, энг аввал риск тушунчасини қўлланилишидаги муҳим соҳалардан кемачилик ва денгиз савдоси соҳаси ҳисобланган.⁵

Шунинг учун, балким, "риск" сўзининг этимологияси лотин тилидаги "рессум" – "денгиздаги риск", "хавф" сўзига бориб тақалади. "Риск- бу шундай нарсаки, ундан қочиш лозим".⁶

ХИХ аср охири - ХХ аср бошларида "риск" талқини бошқа соҳаларга, шу жумладан иқтисодий фанларда таваккалчилик талқини "риск" тушунчасини "ноаниқлик" тушунчасидан ажратиш билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган эди.

Агар риск оммавий ҳодисалар бўлган ишлаб чиқариш ва иқтисодий тизимлар учун хос бўлса, олдинги даврлар учун статистик маълумотларнинг йўқлиги сабабли субъектив равишда унда ноаниқлик, қоида тариқасида, аниқланиши керак бўлган ҳолатларда мавжуд бўлади. Риск ва ноаниқлик тоифаларини талқин қилишга бундай ёндашув неокейнсчилар мактаби тарафдори бўлган Франк Найт томонидан қабул қилинди, у риск билан ноаниқлик тушунчалари ўртасидаги амалий фарқни кўрсатиб берди. Унинг фикрича "биринчи ҳолда, гуруҳдаги натижаларнинг тақсимланиши маълум (риск) чунки унга олдинги статистикани ўрганиш орқали эришилган, лекин иккинчисида бунинг имкон мавжуд эмас."⁷

1930-йилларда иқтисодчилар А.Маршалл ва А.Пигу тадбиркорлик рисклари неоклассик назарияси асосларини ишлаб чиқдилар. Ушбу неоклассик мактабнинг кейинги вакиллари А. Маршалл, А. Пигу, Т. Бачкай, Д. Мессен ва бошқалар томонидан келтирилган "риск" ва "ноаниқлик" тушунчалари тўғрисидаги қарашлар ҳам бир-бирига ўхшашдир.

Мазкур назариянинг асоси қуйидаги кўрсатмаларга таянади⁸: 10 мавҳумлик шароитида фаолият юритувчи ва олинажак фойдаси тасодифий ўзгарувчи бўлмиш тадбиркор ҳар қандай битим тузишда икки мезонга асосланади: кутилаётган фойда миқдори ва унинг мумкин бўлган ўзгаришлари (тебранишлари) кўлами. Иқтисодий фанга "ноаниқлик" ва "риск" тушунчалари орасидаги ўхшашлик ва фарқни келтириб чиқаришга ҳаракат қилган биринчи тадқиқотчи Ф. Найт бўлиб, у барча ҳақиқий фойда ноаниқлик билан боғлиқ деган фикрни илгари сурган. П. Самуэлсон эса буни: "Ноаниқлик одамлар кутган нарсалар ва чинакам содир бўладиган нарсалар ўртасидаги тафовутни келтириб чиқаради. Ушбу номутаносибликнинг миқдорий ифодаси фойда (ёки зарар) бўлади деб тушунтиради."⁹

Рискни иқтисодий фаолиятда ноаниқлик сифатида қабул қилиш, уни амалга ошириш учун танланган лойиҳани асосланади ("ҳаражат-фойда" мезонига мувофиқ) агар у асосли бўлса. Иқтисодий субъектнинг хатти-ҳаракатлари, кутилаётган ва ҳақиқий натижалар орасидаги бўшлиқни қисқартиришга қаратилган хеджер(суғурталовчи) нинг хатти-ҳаракатларига

⁵ Луман, Н. Понятие риска / Н. Луман // Thesis. - 1994. - вып.5. - с. 141

⁶ Синки Дж. Управление финансами в коммерческих банках. - М.: Catallaxy, 1994. - с. 428.

⁷ Найт, Ф. Понятия риска и неопределенности / Ф. Найт // Thesis. - 1994. - вып.5. - с. 10

⁸ Иқтисодий таълимотлар тарихи. – Тошкент, "Fan va texnologiya", 2007. 137-б.

⁹ Самуэльсон, П. Экономика / П. Самуэльсон. - М.: МГП «Алгон» ВНИИСИ, 1993. - 120с.

ўхшайди. Ушбу концепция доирасида, кўплаб номаълум омиллар туфайли юзага келадиган ҳақиқий ва тахмин қилинган натижа ўртасида оғиш пайдо бўлгандагина риск дейилади.

Замонавий шароитда ноаниқлик, энг мақбул қарорни қабул қилишда етарли маълумот йўқлиги ёки унинг ҳаддан ташқари кўплиги билан боғлиқ бўлиб, бу тўғри ечимни танлашда қийинчиликларга олиб келади. Ноаниқлик ташқи муҳитнинг тўлиқ маълумотлар оқимини қамраб олишнинг иложи бўлмаганда, мақсадларни аниқ белгилаш ёки ҳаракатларни белгилаш мумкин бўлмаганда юзага келиши мумкин.

Молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларнинг мавҳумлиги, яъни операциянинг давомийлиги, ахборотларни қабул қилиш вақти, масалан, активни сотиб олиш ёки сотиш вақти, тўловлар оқимининг хусусиятларини ўзгартириш ва ҳоказолар вақтинчалик ноаниқликка олиб келади

Риск иқтисодий фаолиятнинг энг асосий элементларидан бири ҳисобланиб, у кенг маънога эга бўлган кўп тармоқли тушунча: шунинг учун банк фаолиятининг самарадорлигини ошириш, унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун иқтисодиётдаги мавжуд рисклар, уларнинг банк фаолиятига таъсир қилиш томонларини чуқур ўрганиб чиқиш зарур.

Риск инсоният фаолиятининг барча босқичларида мавжуд бўлган тарихий ва иқтисодий категория бўлиб, у кишилар фаолиятида ёки табиий ҳодисаларда мумкин бўлган йўқотишлар салмоғини билдирган. Товар пул муносабатларининг ривожланиши рискнинг иқтисодий категория сифатида юзага келишига ва субъектлар фаолиятида мустаҳкам ўрнашиб олишига имконият яратади. Бундай натижа салбий ва ижобий бўлиши мумкин. Рискнинг синоними сифатида биз ишончсизликни, имкониятсизликни, бир воқеа бўлиш булмаслигини олдиндан айтиб бера олмаслик кабиларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.

Рискнинг туб моҳиятини кўриб чиқадиган бўлсак «риск» сўзи испанча-португалча сўздан олинган бўлиб, «сув остидаги қоя» деган маънони билдиради. Шунинг учун ҳам риск хавф туғдириш эҳтимоли мавжудлигини билдиради.

"Риск" сўзи Европанинг кўп тилларида мавжуд. Мисол учун грекларда *risikon* сўзи мавжуд бўлиб, у қоя, чўққи маъносини билдиради. Италияликлар тилида "risiko" сўзи хатар, таҳдид маъносини, *risicare* сўзи қоядан моҳирона ўтиш маъносини билдиради¹⁰. Вебстер луғатида риск - хавф- хатар, зарар ва йўқотиш эҳтимоли деб таърифланган¹¹.

Французча «risque»-тахлика, хавф-хатар, кўрқинч, (тик қоядан айланиб ўтишда гуёки таваккал қилиш) мазмунини англатади.

Молиячилар рискни-хатар "йўқотиш хавфи" орқали аниқлашга мойил, чунки ҳар қандай молиявий операция, биринчи навбатда, фойда олиш мақсадида амалга оширилса, ушбу мақсадга ҳар доим ҳам эришмаслик ва

¹⁰ Роуз П.С.Банковский менеджмент. Пер.с.анг.со 2-го изд.-М:Дело,1997. 768с..

¹¹ Вальваран К.Д. Управление рисками коммерческом банке.-Вашингтон Д.С.,Мировой банк,1997. 303 с.

хатто ундан ҳам ёмони - йўқотишларга олиб келиши мумкин.

Рискни хавф деб талқин қилиш одатга айланди. Биринчидан, Н. Луман "риск" ва "хавф" тушунчаларини ажратиб, қуйидагича изоҳлади: "Фарқ келажакда зарар ҳақида ноаниқлик мавжудлигини англатади. Ёки мумкин бўлган зарар қарорнинг натижаси сифатида кўриб чиқилади. Унда биз қарор rischi тўғрисида гапирамиз. Ёки бундай зарарнинг сабаблари ташқаридан таъсир қилган бўлса, биз ноаниқлик ҳақида гаплашамиз."¹²

Бу ерда тадбиркорлик рискнинг классик назариясида риск учун тўлов танланган бошқарув қарори натижасида рўй бериши мумкин бўлган йўқотишларнинг математик кутилиши сифатида талқин этилган. Риск бу ерда тегишли қарорни амалга оширишдан кўрилажак зарарни ифодалаган.

Кейинроқ риск тушунчаси хавф концепцияси сифатида урф-одатларга асосланган хатти-харакатларнинг ифодаси сифатида табиат, техносоҳа, жамият, иқтисодиёт тармоқларига ёйилди.

Рус олими В.А.Акимов хавфнинг манбаи - бу субъект томонидан амалга ошириладиган ва ноаниқликни рискга айлантирадиган ҳаракатдир. Буни "... ташкилот учун маълум бир фаолият соҳасида чекланган, уни бирон бир шаклдан бошқа шаклга ўтишига олиб келадиган, атроф-муҳитдаги ноқулай шароитларнинг шаклланиши билан боғлиқ ҳолда олиб борадиган маълум бир фаолияти ва салбий таъсирлар, йўқотишлар натижасидаги ҳолати"¹³ деб таърифлайди. Рискнинг пасайиши салбий ҳодисалар эҳтимолини камайтириш учун ресурсларни тақсимлашни ўз ичига олади. Риск кўпинча хавфли бўлган салбий ҳолатлар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, ушбу концепция доирасидаги риск кўрсаткичи салбий воқеа эҳтимоли ва у билан етказилган зарарнинг маҳсули бўлиб ҳисобланади. Ушбу таркибий қисмларни камайтириш мақсадида рискларни бошқариш унинг муҳим вазифаларидан бири изоҳланади.

Худди шундай изоҳлар махсус иқтисодий ва бошқа луғатларда ҳам келтирилган. Жумладан, машҳур Вебстера луғатида «риск»-зарар ёки зиён кўриш имконияти, хавф-хатари дейилса, таниқли луғатшунос С.Ожеговнинг рус тили луғатида «риск» сўзига «хавф-хатар ҳолати имконияти» ёки муваффақиятли ҳаракат» деб тариф берилади.

Шуниси диққатга сазоворки, айрим махсус луғатларда (фалсафа, ҳарбий, иқтисодий ва х.з) «риск» тушунчаси умуман учрамайди. У хатто Катта совет энциклопедияси ва Совет энциклопедик луғатнинг охириги нашрларида, беш томли фалсафий энциклопедия ва фалсафий энциклопедик луғатида, ҳамда «Илмий-техник тараққиёт» луғати ва бошқаларда ҳам учрамайди. Таҳлиллар адабиётларда «риск» тўғрисидаги тушунчага омадсизлик ёки хавф-хатарга (хавф-хатар ҳолати) имконият деган тариф кенг тарқалганини кўрсатади.

Қадимги замонлардан риск фойдани шакллантириш омили ҳисобланади. Ж.Б.Сей ва Курсель Сенейлар фикрича риск фойданинг фақат

¹² Луман, Н. Понятие риска / П. Луман // Thesis. - 1994. - вып.5. - с.150

¹³ Акимов, В.А. Риски в природе, техносфере, обществе и экономике / В.А. Акимов, В.В. Лесных, Н.Н. Радаев. - М.: Деловой экспресс, 2004. - с. 150

бир қисмини шакллантириш омили ҳисобланади.¹⁴ XIX- асрларда одамларнинг риск қилишга тайёрлиги улар фойдасининг шаклланиши ва ўзлаштирилишига олиб келиши билан изоҳланар эди.

Ҳозирги кунда шаклланаётган фойданинг асосий қисми рискни самарали бошқаришдан вужудга келади. Риск ва фойда ўртасидаги боғлиқлик имконият сифатида рискни идрок этиш учун асос бўлиб хизмат қилди. Фойда олиш учун риск, инвестиция қилиш истаги ва тажовузкор хатти-ҳаракатга олиб келади, унинг мақсади тезда ижобий натижаларга эришишдир.

Риск назариясини ўрганишда классик мактаб намоёндалари муҳим ҳисса қўшишган. А.Смит риск ва фойда ўртасидаги ўзаро пропорционаллик тушунчасини ойдинлаштиришга ҳаракат қилган. А. Смитнинг таъкидлашича “рискли ҳолатлар юқори бўлган майдонда қонун бўйича даромад кичик бўлади, бу эса ўз навбатида кутилаётган даромад даражасини кўпайтириш учун усуллар салмоғи янада ортиб боради”. Шунга кўра одатдаги даромадлилик даражасига эришиш ҳар доим катта ёки кичик миқдордаги риск билан боғлиқ¹⁵.

Бошқа бир хорижлик иқтисодчи олим П. Хайн бунди: "... фойда ноаниқлик туфайли юзага келади. Агар у йўқ бўлса, фойда олиш билан боғлиқ ҳамма ҳаракат барчага маълум бўлади, уни амалга оширишнинг ҳамма имкониятларидан тўлиқ фойдаланилади, шунинг учун фойда ҳамма жойда нолга тенг бўлади." Дея талқин қилади.¹⁶ Демак, йўқотиш rischi билан бирга қўшимча даромад олиш имконияти мавжудлиги сабабли, хўжалик субъекти ноаниқлик шароитида таваккал қилишга тайёр. И. Шумпетер таъкидлаганидек, агар иқтисодий режада рисклар ҳисобга олинмаса, у ҳолда улар бир томондан йўқотишлар ва бошқа томондан фойда манбаига айланади.¹⁷

Иқтисодчи Э.С.Стоянованинг "Молиявий менежмент" китобида "Риск - бу зарарнинг пайдо бўлиши ёки прогнозлаштирилганидек даромад ололмаслик хавфи эҳтимоли"¹⁸ деб таъриф беради. Ш.З.Абдуллаеванинг фикрича: риск ва хавф-хатар алоҳида нарса, яъни риск бу иқтисод субъектининг фаолиятидир ва у танлов билан боғлиқ. Бу фаолият субъектнинг хавф-хатар шароитидаги танловига асосан амалга оширилади¹⁹

Профессор В.Усоскин “риск доимо ноаниқлик билан бирга келиб, охирги, ўз навбатида олдиндан кўра билиш қийин ёки мумкин бўлмаган воқеалар билан боғлиқ бўлади”, дея изоҳлайди. Е.Стоянова фикрича: “риск - бу режалаштирилган вариантга нисбатан даромад ола билмаслик ёки зарар

¹⁴ Найт Ф.Х. Риск,неопределённость и прибыль. Пер.с англ. - М.: Дело, 2003. – С. 35.

¹⁵Смит, А. Исследования о природе и причинах богатства народов (книги I-III) / А. Смит. - М: Наука, 1992. - с.234.

¹⁶Найт Ф.Х. Риск,неопределённость и прибыль. Пер.с англ. - М.: Дело, 2003. – С. 36.

¹⁷ Шумпетер, И. Теория экономического развития (Исследование предпринимательской прибыли, капитала, процента и цикла конъюнктуры) / И. Шумпетер. — М.: Прогресс, 1982. — с.21

¹⁸ Стоянов Е.С."Финансовый менеджмент" (2-е изд).- М.: «БДЦ-пресс», 2004.- 143 с.

¹⁹ Abdullaeva Sh.Z. Bank risklari va kreditlash. -Т: Moliya, 2002. -304 b.

кўриш эҳтимолидир»²⁰. (2006)

Риск тўғрисидаги фикрларни умумлаштирилган ҳолда проф В.В. Ковалёв қуйидагича таъриф бериб ўтади:

Риск бу молиявий йўқотиш даражасини белгилаб:

А) қўйилган мақсадга етиб бормаслик;

Б) ноаниқлик ҳолатда натижани белгилаш;

В) субъектив ҳолатда белгиланган натижани баҳолаш.

Проф. Ш.Абдуллаева ўз тадқиқотларида яна бошқа бир фикрни билдиради. Унинг фикрича “риск - хато, иккиланиш, ноаниқлик, мавҳумлик ва ҳоқозалар деб талқин қилиш халқаро амалиётга мос келмаслиги ва шу ҳолатга яқинлашган ҳолда “риск” “банк rischi”, “кредит rischi” деб юритилишни мақсадга мувофиқ²¹.

А.Ўлмасов, А.Ваҳобовларнинг “Иқтисодиёт назарияси” дарслигида “тадбиркорлик rischi - бу фирманинг кўзлаган мақсадига эришиш йўлида у дуч келадиган иқтисодий хавф-хатардир”²², дея талқин этилган. Кичик бизнес фаолиятининг ҳар қандай тури билан шуғулланиш риск билан боғлиқдирки, шу боисдан рискнинг бу кўриниши тадбиркорлик rischi деб ҳам аталади.

Иқтисодчи-олимлардан Т.Маликов, О.Олимжоновларнинг риск тўғрисидаги қарашлари диққатга сазоводир. “Риск” атамаси ўзбек тилидаги айрим манбаларда “таваккалчилик”, “хавф-хатар”, “тахлика” ва “ғов” маъноларида таржима қилинаётган бўлсада, уларнинг ҳеч бири, муаллифлар фикрича, “риск” атамасининг асл маъносини билдирмайди. “Зарарларни вужудга келиши ёки даромадларнинг кўзда тутилган даражадан камроқ олиниши эҳтимолига риск дейилади”²³.

Кичик бизнес рисклари ҳамда унинг иқтисодий жиҳатлари бўйича классик ва неоклассик назариясининг қиёсий таҳлили муҳим аҳамият касб этади. Тадбиркорлик фойдаси тадқиқида классик назария вакиллари Дж.Милль, И.У.Сениорлар тадбиркорлик даромади таркибида фоиз (қўйилган капиталга улуш)ни, тадбиркорнинг иш ҳақини ва риск учун тўлов (тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ рискни қоплаш)ни ажратиб кўрсатишган²⁴.

«Банк иши» китоби муаллифи И.Р.Тоймухамедов эса «Риск - бу маълум мақсадни кўзлаган ҳолда олиб борилаётган фаолият натижасида бўлган ишончсизлик, баъзан қониқарсиз тугаши натижасидаги йўқотишлардан иборатдир. Рисклар банк фаолиятида ўлчаш мумкин бўлган кўрсаткичдир ва улар доим банкнинг бажараётган операцияларидан олган зарарига, йўқотган даромадига тенг бўлади»²⁵ дея таъриф келтиради.

²⁰ Мирзаев Ф.И. Молиявий рискларнинг турлари, таснифи, бошқариш ва баҳолаш усуллари. – Тошкент: Молия, 2006 –Б. 12-13.

²¹ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш. И.ф.д. илм. дар. уч. так. эт. дисс. - Т.: 2000. – Б. 63-70.

²² Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Тошкент: Шарк, 2006. – Б.192.

²³ Маликов Т., Олимжонов О. Молиявий менежмент. - Т.: Академия, 1999.6-б., 26-б.

²⁴ Иқтисодий таълимотлар тарихи. – Тошкент, “Fan va texnologiya”, 2007. 103-б.

²⁵ «Банк иши» И.Р.Тоймухамедов, 2005 йил, 105-бет.

Америкача таърифга кўра, риск — бу бирон иш билан шуғулланиш оқибатида зарар кўриб қолишдан қутулиб қолиш имконияти. Албатта, баъзи хавфларни суғурта компаниялари билан шартнома тузиш орқали олдини олиш мумкин. Бироқ хавфнинг асосий оғирлиги, яъни:

- менежернинг хатоси;
- нарх ўзгариши;
- талабнинг сусайиши;
- нотўғри танланган лойиҳа;
- ишчиларнинг норозиликлари ва бошқа бир ишбилармоннинг елкасига тушади.

Мамлакатдаги молиявий институтларнинг ривожланиш жараёни иқтисодиётдаги бошқа турли тузилмаларнинг пайдо бўлиши билан параллел равишда амалга оширилади. Улардан бирининг маълум бир даврда устунлиги институционал муносабатларга, молиявий муносабатларнинг тузилишига ва иқтисодий ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлади. Ноаниқлик ҳолатида қабул қилинадиган усулларни излаш молиявий жараёнларнинг беқарорлигига олиб келади, бунда асосан вақт омили муҳим рол ўйнайди.

Вақт ва ноаниқлик омилига урғу бериш молиявий беқарорлик гипотезасида акс эттирилади Х. Мински ушбу гипотезага кўра, "молиявий капитализм туб камчиликларга эга: инқироз ривожланишини чеклашдаги ҳар қандай муваффақият рискларнинг янада ошишига олиб келади. Ўз навбатида, бу камчилик иқтисодиётнинг молиявий тузилмасидаги мураккабликнинг натижасидир, унда капитал активларнинг барқарор равишда кенгайиш тенденцияси билан тавсифланади."²⁶ деган ғояни илгари суради. Унинг фикрича, молиявий фаолият соҳасидаги рискларни қоплаш бозор муносабатларининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Молиявий операцияларни амалга оширишда, қоида тариқасида, қарор қарама-қарши томонлардан бирининг фойдасига қабул қилинади. Шу билан бир қаторда, кўптанловлик ечим, йўналиш, ҳаракатни танлашни имкониятини англатади. Танловнинг йўқлиги риск масаласини йўқ қилади. Танлов бўлмаган жойда рискли вазият ҳам ва шунинг учун ҳеч қандай риск ҳам бўлмайди. Рискли вазиятнинг ўзига хос таркибига қараб, танлов ҳар хил мураккаблик даражасига эга ва уни турли йўллар билан ҳал қилиш мумкин. Агар оддий вазиятларда танлов, қоида тариқасида, ўтган тажриба ва сезги асосида амалга оширилса, қийин вазиятларда қўшимча усул ва услублардан фойдаланиш керак бўлади.

Молия бозорида субъектнинг рискга салбий муносабати, зарар етказадиган ҳодиса сифатида, молиявий қониқишни олиш имкониятини камайтиради. Ҳар қандай молиявий операцияларни амалга оширадиган "риск қилишга тайёр бўлган" киши, биринчи навбатда, бойиб кетиш истаги билан бошқарилади ва шундан кейингина салбий оқибатлар эҳтимолини кўриб

²⁶ Несветаилова, А. Экономическое наследие Хаймана Мински / Л. Несветаилова // Вопросы экономики. - 2005. - №3. - с. 101

чиқади.

Шуни таъкидлаш лозимки, жамиятнинг янги иқтисодий формацияга ўтиши молиявий муносабатлар механизмларини мураккаблаштирмоқда. Ахборотлаштириш ва техник қўллаб-қувватлаш даражаси юқори бўлган тобора ривожланаётган жамият рискларни англаш ва уларга муносабатда бўлишга янгича ёндашувларни талаб қилади.

Замонавий жамиятда субъектнинг "риск" сўзига нисбатан ҳиссий муносабати салбий маънога эга. Кўпчилик инсонлар "риск" ни, биринчи навбатда, ҳар қандай зарар етказадиган ҳолатларнинг бошланиши сифатида, бошқа томондан эса маблағларнинг қўшимча манбасини олиш имконияти деб изоҳлайдилар.

Молиявий муносабатларни ислоҳ қилиш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг рискка бўлган муносабатини ўзгартиришлари керак, уларни тадбиркорлик фаолиятида қўшимча қийинчиликлар сифатида эмас, балки қарор қабул қилиш ва молиявий бошқарувнинг янги усулларини ишлаб чиқиш жараёнида иқтисодий фаолиятнинг нормал ҳолати натижаси сифатида қабул қилишлари керак. Рискни имконият сифатида қабул қилиш концепциясининг натижаси ижтимоий тараққиётдир, инновацион соҳада эса илмий-техник тараққиёт, чунки риск сезиларли натижаларга эришиш учун янги усулларни излашга йўналтирилгандир.

Шундай қилиб, риск янги, истиқболли фаолият турларининг ижтимоий тараққиётига тўсқинлик қиладиган ва муваффақиятга эришишга қаратилган ижодий ташаббуслар, инновацион ғоялар, ижтимоий тажрибаларни амалга оширишни таъминлашда тормоз сифатида туриб қоладиган консерватизм, догматизм, психологик тўсиқларни енгиб ўтишга ёрдам беради. Бошқа томондан эса, риск авантуризм, ихтиёрийлик, субъективлик, ижтимоий тараққиётни тўхтаб қолишига ва натижада маълум бир ижтимоий-иқтисодий ва маънавий харажатларни келиб чиқишига олиб келади.

Умуман олганда, дастлабки маълумот тўлиқ бўлмаган шароитида қарор қабул қилишда рискли вазият танлов сифатида ҳодисалар ривожининг объектив қонуниятларини ҳисобга олмасдан танланади. Имкониятлар сифатида рискни идрок этишнинг юқоридаги кўп қиррали оқибатлари унинг қўшимча хусусиятини – қарама-қаршиликларини очиб беради.

1.2 Банклар фаолиятида рискларнинг юзага келиш эҳтимоли ва унинг банк фаолиятига тасири.

Рискнинг моҳиятига берилган кўплаб таърифларнинг таҳлили риск вазиятини келтириб чиқарувчи асосий жиҳатларни ажратиб кўрсатиш имконини беради: юзага келган ҳолатнинг тасодифий хусусияти; муқобил қарорларнинг мавжудлиги; кутилажак натижанинг маълумлиги ёки аниқлаш эҳтимолининг мумкинлиги; зарарлар юзага келиш эҳтимоли; қўшимча даромад олиш эҳтимоллари ва бошқалар.

Юқоридаги рискка берилган таъриф-тавсифларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, риск - бу кутилиши мумкин бўлган омад ёки хатар, яъни кўзланган фойдани олиш жараёнига хос бўлган маблағлар ёки

имкониятнинг йўқотилиши ва шу билан бирга ортиб кетиши эҳтимолликлари бўлиб, у қандайдир ҳолатлар, омиллар таъсирида кутиладиган фойданинг камайишига ёки йўқотилиш ҳолатида намоён бўлади. Риск хўжалик субъекти фаолиятининг барча босқичларида мавжуддир.

Жадал ўзгариш суръатларига эга бўлган замонавий иқтисодиёт иқтисодий институтларнинг ишлашига сезиларли таъсир кўрсатадиган жуда кўп мураккаб рискларни келтириб чиқаради. Э.Н. Николаева таъкидлаганидек: "..... иқтисодиётининг ҳозирги ривожланиш даври ноаниқлик омилларининг яъни ишлаб чиқариш муносабатларининг бекарорлиги, инфляция, кредитлар бўйича юқори фоиз ставкалари, нархларнинг номутаносиблиги ва бошқаларнинг кўпайиши билан тавсифланади"²⁷.

Инсоният табиатан рискдан қочишга интилади. Агар биз рискни назорат қила олмасак одатда ундан қочишга ҳаракат қиламиз. Чунки ҳар қандай ишончсизлик ўзига хос тарзда маълум даражадаги йўқотишларни олиб келади. Хавф субъектив туйғу сифатида қарор қабул қилиш ёки қарор қабул қилмаслик жараёнида ёки юзага келган ҳолатлар субъектнинг молиявий аҳволини ёмонлаштириши мумкин бўлган ҳолларда юзага келади. Риск ечимни танлаш босқичида ҳам, уни амалга ошириш босқичида ҳам мавжуд. Н. Луман "рисксиз хатти-ҳаракатлар мавжуд эмас"(1994)²⁸ деб таъкидлайди.

Шундай қилиб, риск ҳар қандай ишлаб чиқарувчи ёки ҳар қандай банк фаолиятининг вазиятга боғлиқ бўлган томони бўлиб, шу фаолиятнинг охири нима билан тугаши ноаниқлигини ва омад юришмаса, оқибатда зарар кўриши мумкинлигини акс эттиради.

Риск фойдадан маҳрум бўлиш ва бошқа сабабаларга кўра зарар кўриш сингари ёмон оқибатлар руй бериш эҳтимоли билан ифодаланади. Шу маънода:

Риск - бу оқибатнинг яхши бўлишига умид боғлаб, хавф эҳтимоллигини зиммасига олинган холда қилинадиган ҳаракат.

Риск — бу ресурс ёки даромаддан тўла ёки қисман йўқотиш хавфи.

Риск — бу ноаниқлик шароитида ҳар қандай довжорак менежер учун табиий ҳолат, вазият.

Риск — бу омадсиз оқибатнинг миқдорий бағоланиши.


Риск — бу келгусидаги вазият ноаниқ бўлган шароитда пировард натижа яхши бўлишига умид боғлаб, мол-мулк ёки фойдадан маҳрум бўлиш (тўлиқ ёки қисман) хавфини ўз бўйнига олиб амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятидир.

Аммо, умуман, хориж тажрибаси ишбилармонлик рисксиз мумкин эмаслигидан гувоҳлик беради. Кимки ҳеч бир риск қилмаса, охир-оқибатда хонавайрон бўлади.

²⁷ Николаева, Н.Ю. О проблемах анализа риска и; неопределенности в экономических и социальных системах // Н.КХ Николаева // Математические методы и информационные технологии в экономике, социологии и образовании: сб.статей. — Пенза: Пензенская гос. технолог, академия, 2007. — с.262

²⁸ Луман, Н. Понятие риска / П. Луман // Thesis. - 1994. - вып.5. - с.150

Риск иқтисодий категория сифатида маълум функцияларини бажаради ва бу унинг мазмун-моҳиятини янада ойдинлаштиради.(1-расм)




1-расм. Рискнинг функциялари ва уларни келтириб чиқарувчи омиллари.

Риск функциялари кўриб чиқиладиган пайтда шуни эсда сақлаш лозимки, риск ўз моҳиятига кўра, нафақат зарар келтириши мумкин, балки иқтисодий рағбатлантирувчи хусусиятга ҳам эгадир. Лекин, асосиз юқори рискка бориш, худди рискдан бутанлай воз кечилиши каби зарардир.

Юқоридагиларни мужассамлаштирадиган бўлсак, риск қилишдан олдин уни иложи борица ўрганиб, баҳолаш ва бошқаришга интилиш лозим. Уни бошқаришда эса албатта риск тамойилларини (ўз капитали имкониятларидан ортиқ рискка бормаслик, риск оқибатларини ҳар доим ҳисобга олиш зарур, кам миқдордаги фойда учун кўп миқдордаги маблағлар билан риск қилиш керак эмас) ҳисобга олиш керак.

Рискларни банклар фойдасига таъсирини баҳолаш ва камайтириш мақсадида уларни турли белгилари бўйича таснифлаш муҳим аҳамият касб этади. Барча тузилмалар жорий ва узоқ муддатли вазифаларни амалга оширишларида яъни ўзининг фаолият жараёнида юзага келиш жойи ва вақти бўйича, фаолиятига таъсир кўрсатиш даражасига кўра ташқи ва ички омиллар ҳамда уларни таҳлил қилиш, тавсифлаш усуллари жиҳатидан фарқ қиладиган риск турларига дуч келадилар. Ҳар бир рискнинг ўз тўпламидаги ўрнини аниқ аниқлаш рискларни илмий асосланган ҳолда таснифлашга имкон беради. Шунинг учун рискларнинг табиатини ва турларини ёритиш учун уларни таснифлаш мақсадга мувофиқдир.

Рискларни таснифлашнинг мақсади – уларни тадқиқ этиш ва таҳлил қилиш жараёнларини соддалаштириш, шунингдек самарали бошқариш механизмларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Рискларни таснифлаш процедураси рискни келтириб чиқарувчи омилларни таснифлашнинг мураккаб муаммосига дуч келиши мумкин, чунки уларнинг ўзи муайян фаолият турининг хусусиятларини ва ушбу фаолият олиб бориладиган ноаниқликнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.



2-расм. Корхоналарда рисклар таснифи.

2-расмдан кўриниб турибдики, алоҳида ҳолда рискларни турли омилларига қараб туркмлаш уларни ташқи муҳит билан боғлиқ ҳолда, хўжалик фаолияти асосида, тижорат ва молиявий рисклар каби гуруҳларига ажратиш имконини беради. Бунда ушбу рисклар ташқи муҳит омилларига кўра, сиёсий, ҳарбий ҳаракатлар билан боғлиқ каби турларга бўлинади.

Табиий хатарлар сабаби табиий офатлар, урушлар, бахтсиз ҳодисалар, жиноий ҳаракатлар, ташкилотнинг қобилиятсизлиги ва бошқалар бўлиши мумкин. Сўнги учта рисклар иқтисодий рискларнинг асосий қисми ҳисобланган субъектнинг молиявий-иқтисодий фаолияти жараёнида йўқотиш хавфини англатадиган тижорат ва тадбиркорлик рискларни ташкил этади.

Умуман олганда рискларни белгилари ва мезонлари асосида тизимлаштириш, уларни кичик гуруҳларини умумий тушунчаларга бирлаштириш бу фаолиятни олиб бораётган субъектнинг мотивациясига боғлиқдир. (1-жадвал).

Таъкидлаш жоизки, оқибатлар моҳияти бўйича хатарлар соф ва чайқовчиликка бўлинган. Соф хатарлар иқтисодий фаолиятда фақат салбий оғишлар бўлиши мумкинлигини англатади. Шунинг учун соф рисклар остида биз зарар кўриш ёки ҳеч қандай натижага эришмаслик хавфини тушунамиз.

Чайқовчилик (молиявий) рисклари эса бу, бир томондан ресурсларни йўқотиш эҳтимоллиги ёки фаолиятининг мазкур соҳасида ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган вариант бўйича даромадларни охиригача ололмаслик хавфидир. Натижадан кўриниб турибдики хўжалик субъекти риск таъсирида яхшиликка (фойда олишга) ва ёмон томонга (зарар этказишга) оғиши мумкин.

Чайқовчилик рискларининг келиб чиқиш сабаблари бозор шароитидаги ўзгаришлар, валюта курсларининг ўзгариши, солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Рискларнинг турланиши ва уларнинг таснифи

№	Рискларнинг таснифий белгилари	Рискларнинг турлари	Рискларнинг таснифи
1	Пайдо бўлиш хусусиятига кўра	Субъектив	Малака, иш тажрибаси ва билимнинг етишмаслиги, бозор қондаларига риоя этмаслиги, битим мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуниб етмаслиги ва бошқ.
		Объектив	Маълумотларнинг етишмаслиги: бозор конъюнктурасининг, қонунчилик, кредитлаш шарт-шароитлари, солиққа тортиш, инвестициялаш ва бошқаларнинг қўрилмаган ҳолда ўзгариши
2	Қарорни қабул қилиш босқичига боғлиқ ҳолда	Қарорлар қабул қилиш босқичида	Маълумотларни етишмаслиги натижасида риск даражасини аниқлашга имкон берувчи усулларни қўллашдаги хатоликлар
		Қарорларни татбиқ этиш босқичида	Тўғри қарорлар қабул қилишдаги хатоликлар
3	Кўлами бўйича	Микроиктисодий	Алоҳида фирмалар rischi
		Тармоқлар	Тармоқ хусусияти билан боғлиқ бўлган рисклар
		Худудий	Мамлакат иқтисодий туманлари даражасидаги тадбиркорликни қамраб олиши
		Макроиктисодий	Макроиктисодиёт даражасида (қонунчилик, кредитлаш, солиққа тортишдаги қўрилмаган ўзгаришлар кўринишида)
		Халқаро (глобал)	Жаҳон бозори конъюнктурасининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган рисклар
4	Пайдо бўлиш соҳасига кўра	Ташқи	Макроиктисодий ишлаб чиқаришдаги иқтисодий-сиёсий қўрилмаган ўзгаришлар натижасида пайдо бўладиган рисклар, масалан валюта rischi
		Ички	Қорхона ихтисослашуви билан боғлиқ рисклар: ишлаб чиқариш, молиявий, сўғурта
5	Сўғурталаш имкониятларига қараб	Сўғурталанидан	Вазиятларнинг вужудга келиш эҳтимолигини сўғурталаш
		Сўғурталанимайдиган	Форс-мажор рисклар ва молиявий рискларнинг шундай гуруҳлари мавжудки, уларни сўғурта компаниялари сўғурталашдан бош тортади. Аммо айнан сўғурталанимайдиган рисклар қорхона кўшимча даромадининг потенциал манбалари бўлиб ҳисобланади.
6	Тадбиркорлик фаолияти турлари бўйича	Молиявий	Фонд бозоридаги рисклар: ликвидлик, ахборот, валюта ва бошқ.; банк рисклари – кредит, фойз, портфель; инфляция, банк миқдорларининг хусусиятига боғлиқ бўлган лизинг ва факторинг рисклари
		Юридик	Қонунчилик ҳужжатлари сифатининг пастлиги ва қонунчиликдаги қўрилмаган ўзгаришлар
		Ишлаб чиқариш	Ишлаб чиқариш фондларининг ишдан чиқиши, ишлаб чиқаришдаги зулиқлар, айланма маблағларнинг йўқотилиши, хом ашё ва ускуналарни ўз муддатида етказиб берилмаслиги
		Тижорат	Бозор конъюктурасидаги қўрилмаган ўзгаришлар ва тижорат фаолияти билан боғлиқ бошқа шарт-шароитлар
		Инвестиция	Инвестицион муҳитда, инновация фаолиятида қўрилмаган ҳолатлар ва ноаниқликлар
		Сўғурта	Сўғурт фондлари шакллантириш ва бошқ.
7	Диверсификациялаш имкониятлари бўйича	Тизимли	Тадбиркорлик фаолиятининг у ёки бу кўринишларига хос бўлган
		Ўзига хос хусусиятга эга бўлган	Аниқ шароитда тадбиркорлик фаолиятдан даромад олиш билан боғлиқ бўлган
8	Қўрилиши мумкин бўлган оқибатлар	Фойда	Рискка боргани учун олинмайдиган муқофот
		Зарарлар	Зарарлар фақат номақбул вазиятлардагина йўл қўйилган ҳатолар ва камчиликлар оқибатида келиб чиқади
		Йўқотишлар	Йўқотишлар, одатда, олдиндан режалаштирилмайди, лекин рўй бериши мумкинлиги кўзда тутилиши мумкин.
		Банкрот бўлиш	Қорхона барча мүлкнинг йўқотилиши ва фаолиятини тўхтатиши
9	Келиб чиқиши мумкин бўлган натижасига боғлиқ ҳолда	Соф рисклар	Салбий натижа олиш имконини англатади. Унга экологик, сиёсий, табиий, транспорт ва тижорат рисклари (мулкый, ишлаб чиқариш, савдо рисклари) тегишлидир
		Чайқовчилик рисклари	Ижобий натижалар билан бирга салбий натижаларни олиш имкониятида намоён бўлади. улар молиявий рисклардан иборат
10	Таъсир вақтига кўра	Ретроспектив	Кичик бизнес қорхоналарининг ўтган даврдаги турли рискларга боғлиқлигини ифодалайди ва жорий ҳамда истикболдаги рискларни баҳолашга ёрдам беради
		Жорий	Кичик бизнес қорхоналарининг амалдаги фаолияти барқарорлигига таъсир этувчи рисклар
		Истикболдаги	Келажакда кичик бизнес қорхонаси дуч келиши мумкин бўлган риск
11	Таъсир этиш вақт узоклиги билан белгиланиши бўйича	Узоқ муддатли	Бу риск тури асосан қорхона кенгайтирилиш, ривожланиш ва такомиллаштириш учун амалга ошириладиган тадбирлар билан боғлиқ бўлади. Унинг натижалари истикболда намоён бўлади.
		Қиска муддатли	кўпинча тармоқли бўлиб, қундалик ҳаётда қабул қилинаётган қарорлар билан боғлиқ бўлади. Унинг натижалари қиска вақт ичида намоён бўлади.
12	Вужудга келиш омили бўйича	Сиёсий риск	Сиёсий риск бу тадбиркорлик фаолиятига таъсир этувчи сиёсий вазиятни ўзгаришига асосланган таваккалчилик..
		Иқтисодий риск	Иқтисодий риск- бу мамлакат ёки ташкилот иқтисодиётидаги ноҳуш салбий ўзгаришлар оқибатида юзага келувчи таваккалчилик.

Тижорат банклари ҳам иқтисодиёт тузулмасининг молиявий-хўжалик фаолиятининг ажралмаси қисми бўлганлиги сабабли рисклар улар фаолиятига ҳам у ёки бу даражада таъсир кўрсатади.

Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти унинг фаолиятининг натижаларига жиддий таъсир этувчи кўплаб рисклар билан бирга келганлиги сабабли, молиявий рискларни ўрганишга биринчи навбатда эътибор бериш керак, чунки барқарор молиявий ҳолатни таъминлаш ҳар қандай иқтисодий тузилманинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Риск назарияси соҳасидаги тадқиқотчилар "молиявий риск" ни унинг пайдо бўлиш соҳасига қараб белгилайдилар:

- молиявий ресурсларни йўқотиш эҳтимоли сифатида (яъни пул маблағлари);²⁹ (1998)

- компания фаолиятини молиялаштириш учун қарзлардан фойдаланиши натижасида инвесторлар олдидаги молиявий мажбуриятларини бажара олмаслик қобилияти сифатида;

- нотижорат ташкилотлари ва жисмоний шахслар томонидан ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш ёки алоҳида битимлар тузиш жараёнида мунтазам равишда фойда олишга йўналтирилмаган харажатларнинг юзага келиши;

- жорий кунда молиявий секторда амалга оширилган ҳар қандай операциялар натижасида келажакда пайдо бўладиган йўқотиш эҳтимоли сифатида;³⁰ (2005)

- молиявий операциялар табиатига киритилган инвестиция ёки савдо фаолияти натижасида келажакдаги кутилаётган фойда ва зарарларнинг ноаниқлиги сифатида;

- молия-кредит ва биржа соҳасидаги ҳар қандай операциялар, акциялар қийматлари билан боғлиқ операциялар натижасида зарар кўриш эҳтимоли, яъни ушбу операцияларнинг табиатидан келиб чиқадиган риск;

- молиявий оқимларнинг ҳаракатланишидаги ноаниқликлар, ноқулай молиявий оқибатлар (йўқотиш, зарар) ёки кўшимча фойда (даромад, фойда) олиш натижасида келажакда катта молиявий йўқотишларга олиб келиши мумкин бўлган эҳтимоли (тахдиди) сифатида.³¹ (2005)

Кўп ҳолларда, "молиявий риск"-“эҳтимоллик” яъни фикримизча рискнинг миқдорий ўлчови ёки рискнинг оқибатида пайдо бўлган "йўқотишлар" сифатида тушунилади. Бизнинг фикримизча, ҳар қандай фаолият турига нисбатан молиявий риск, биринчи навбатда, юзага келадиган вазиятдир: а) иқтисодий субъектни қарор қабул қилиши орқали мақсадли ҳаракатларни амалга оширганда; б) маълум миқдордаги пулни олиш ёки йўқотишлар натижаси сифатида; в) иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий

²⁹ Финансовый менеджмент: теория и практика: учебник / Е.С. Стоянова, Т.Б. Крылова, И.Т. Балабанова и др.; под ред. Е.С. Стояновой. - М.: шд-во «Перспектива», 1998. - с.442

³⁰ Бардаева, П. Финансовые риски на российском рынке акций / П. Бардаева. - Интернет-ресурс: по состоянию на 15.07.2005 г.

³¹ Парамонов, Я.В. Финансовые риски корпораций: дне. ... канд. экон. наук: 08.00.10 / Парамонов Ярослав Викторович. - Москва, 2005. - с.45

муаммоларни ҳал қилиш учун маблағларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёнида ташкил этилган пул муносабатларининг бузилиши натижасидаги таҳдидлар ва бошқалар.

2-жадвал

Молиявий хавфларнинг турлари ва уларнинг таснифланиши

№	Таснифлаш мезони	Молиявий хатар турлари
1	Пул оқимларини маҳаллийлаштириш соҳалари бўйича:	1. Ишлаб чиқариш соҳасидаги молиявий риск; 2. Молиявий секторда молиявий риск; 3. Инвеститсион соҳадаги молиявий риск; 4. Фавқулодда фаолиятдаги молиявий риск.
2	Иш жойлари ва жавобгарлик марказлари бўйича:	1. Битта операцияларнинг молиявий хавфи; 2. Мажбурият марказларининг молиявий рисклари. Корхона бўйича умумий молия rischi
3	Риск даражаси бўйича:	1.Юқори молиявий риск; 2.Ўртача молиявий риск; 3.Паст молиявий риск.
4	Инвестицион қарорлар бўйича:	1.Алоҳида молиявий риск; 2. Портфел молиявий rischi.
5	Пайдо бўлиш омили бўйича:	1.Ташқи (тизимли молиявий риск); 2.Ички (тизимсиз молиявий риск).
6	Молиявий оқибатлари бўйича:	1. Тўғридан-тўғри иқтисодий йўқотишлар ёки даромадларни келтириб чиқарадиган молиявий хавф; 2.Билвосита иқтисодий йўқотишлар (йўқотилган фойда) ёки иқтисодий нафнинг молиявий rischi.
7	Корхона активлари турлари бўйича:	1.Ликвидликни йўқотиш rischi; 2.Самарадорликни пасайтириш rischi; 3. Депозит rischi; 4. Кредит rischi; 5.Шартнома мажбуриятларини бажармаслик rischi.
8	Шакллантириш манбалари бўйича:	1.Ўз капиталининг молиявий rischi; 2.Қарз капиталининг молиявий rischi; 3.Вақтинчалик жалб қилинган маблағлар молиявий rischi; 4.Капитал тузулмаси rischi.
9	Намоён бўлиш вақти бўйича:	1.Доимий молиявий риск; 2.Вақтинчалик молиявий риск.
10	Бошқариш даражаси бўйича:	1.Тўлиқ чиқариб ташланадиган молиявий риск; 2.Пасаядиган молиявий риск; 3.Пасаймайдиган молиявий риск.
11	Молиявий йўқотишлар даражаси бўйича:	1.Қабул қилинадиган молиявий риск; 2.Қалтис молиявий риск; 3.Максимал(юқори даражадаги)молиявий риск.
12	Тадқиқотнинг мураккаблиши бўйича:	1.Оддий молиявий риск; 2.Мураккаб молиявий риск.
13	Молиявий бошқарув функциялари бўйича:	1.Молиявий режалаштириш rischi; 2.Молиявий башоратлаш rischi; 3.Молиявий тартибга солиш rischi; 4.Молиявий таҳлил rischi; 5.Бухгалтерия ҳисобининг молия rischi.
14	Корхонанинг фаолияти (цикли)нинг босқичларига кўра:	1. Тайёргарлик босқичининг молиявий rischi; 2. Инвестициялаш босқичининг молиявий rischi; 3. Бозорни эгаллаш босқичидаги молиявий риск; 4. Ўсиш босқичининг молиявий rischi; 5. Этилиш босқичидаги молиявий риск; 6. Таназзул босқичининг молиявий риск.
15	Корхонани ривожлантириш тури бўйича:	1.Эволюцион ривожлантириш молиявий rischi; 2.Революцион ривожлантириш молиявий rischi.

Молиявий рискларни турлари бўйича таснифлаш мезони уларни бошқариш жараёнида уларни фарқлашнинг асосий параметридир. Бизнинг

фикримизча, бошқарув қарорларини қабул қилиш учун 2-жадвалда келтирилган молиявий рискларни турларга қараб таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Молиявий рисклар соҳасидаги кўплаб тадқиқотчилар халқаро амалиётда тан олинган рискларнинг асосий турларига: кредит, фоизлар, бозор, операцион ва ликвидлилик таваккалларига эътибор беришади.³² Иқтисодий адабиётларда молиявий рискларнинг ягона таснифи мавжуд эмас, бу эса уларни оптималлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишни қийинлаштиради.(2-жадвал) Бу рискларнинг таркибини чуқур таҳлил қилишни талаб қилади, шунга қарамай, молиявий рискларни тизимли ва тизимсизларга бўлиш тўғрисида умумий фикр мавжуд. Молиявий рискларни тизимли ва тизимсиз бўлиниш дифференциацияси нуқтаи назаридан чуқур ўрганилиши "рискларни бошқариш назариясининг муҳим бошланғич қисмларидан бири" эканлигидан келиб чиқади.

Бизнинг фикримизча, молиявий рисклар хусусиятидан келиб чиқиб, уларнинг юзага келиши ҳар доим бир вақтнинг ўзида тизимсиз равишда юзага келадиган ва тизимли молиявий рискни ўз зиммасига оладиган хўжалик юритувчи субъектларнинг мақсадли ҳаракатлари билан боғлиқ деб таъкидлаш мумкин. Эслатиб ўтамиз, молиявий рискнинг таърифи, илгари берилган ҳолат сифатида, бозорда маълум бир хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган тизимсиз рискка мос келади. Тизимли рискларга келсак, иқтисодий адабиётларда улар молиявий рискларни таснифлаш тузилмасида бозор объекти ёки тизимга, умуман бозорга тааллуқли таърифларни кўрсатмасдан фақат "юзага келиш манбаи бўйича" кўриб чиқилади. Тизимсиз ва тизимли хатарларни учта хусусият бўйича таққослаш мумкин. Тизимли риск-бу ҳолат, а) иқтисодий субъектларнинг бозордаги биргаликдаги фаолиятини амалга ошириш натижасида вужудга келадиган; б) тизимсиз рисклар билан алмашинуви жараёнида; в) макроиқтисодий даражада ўзгаришларга олиб келадиган; д) йўқотиш ёки сотиб олиш эҳтимолининг миқдорий жиҳатдан тавсифланишидан вужудга келади.

Шуни ёдда тутингки, тизим хавфлари маълум бир субъектнинг фаолияти доирасида локализация қилинади, бозор рисклари эса глобал характерга эга. Нархлар, фоиз ставкалари ва валюта курсларининг ўзгариши ҳар бир алоҳида шахснинг ҳолатига таъсир қилади ва шу билан бирга уларни тизимли рискларни "қабул қилувчи" га айлантиради. Молиявий рискларнинг таъсиридан келиб чиқадиган зарарлар кўпинча ушбу рискларни комплекс баҳолаш, таҳлил қилиш ва мониторингини ўтказмайдиган корхона учун жуда катта бўлиши мумкин, бу эса уларнинг заифлик даражасининг ошишига олиб келади.

Бозор рискларини ўрганиш сўнгги йилларда устувор вазифага айланди. Фонд бозорларида содир бўлаётган воқеалар бозор рискларини ўрганишни фаоллаштиришда муҳим рол ўйнади. Глобал фонд инқирози давлат ва

³² Миркин, Я.М. Российский рынок ценных бумаг: влияние фундаментальных факторов, приоритеты и механизм развития: дис. докт. экон. наук: 08.00.10 / Миркин Яков Моисеевич. - Москва, 2003. - с.404

корпоратив қимматли қоғозларнинг даромадлилиги 10-20% даражасида ўсишига олиб келди. Бу бир қатор ташкилотлар учун катта йўқотишлар манбаи бўлган бозор рисклари эди.

XX-асрнинг иккинчи ярмидаги турли мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш суръатлари ўртасидаги тафовут валюта бозорида қайд этилган ставкалар тизимини ўзгарувчан курслар тизими билан алмаштириш заруриятини келтириб чиқарди. Янги тизимга ўтиш бир қатор омиллар таъсирида бўлган валюта курсларининг ўзгариши таъсирида юзага келадиган валюта хавфининг рискининг таъсирини оширди. Асосий омиллар бўлиб тўлов баланси ҳолати, инфляция, қисқа муддатли капиталнинг тармоқлараро кўчиши, ҳар бир валютанинг талаб ва таклиф нисбати, шунингдек сиёсий ўзгаришлар ҳисобланади.

Қарз мажбуриятлари молия бозорининг элементлари сифатида уларнинг операцион майдонини - пул бозорини шакллантирди. Қарз воситасини чиқариш ёки сотиш нархи кўплаб омилларга, шу жумладан фоиз ставкасига боғлиқдир. Тез ва кескин равишда юзага келадиган фоиз ставкаларининг ўзгариши қарз олувчилар ва қарз берувчилар учун ноаниқликни келтириб чиқаради ва молиявий активларнинг қийматида таъсир қилади.

Қимматли қоғозлар бозорида фоиз ставкаси рисқи маълум синфлар ва турларга оид қимматли қоғозларнинг даромадлилигининг ўзгариши билан намоён бўлади. Бинобарин, активларнинг бозор қиймати, ўз навбатида, бозор қиймати билан боғлиқ. У облигациялар ва сертификатлар бўйича фоиз ставкалари, чегирма фоизлар, векселлар бўйича фоизлар, акциялар бўйича дивидендлар ва мос равишда бозорда ушбу қимматли қоғозларга талаб ва талабнинг ўртача даражадаги ўзгаришига қараб ўзгариб туради.

А.В. Суворовнинг таъкидлашича, фоиз ставкаларининг ўзгариши "фойда олиш имкониятидан кўра кўпроқ синиш рисқи сифатида кўрилади"³³. Ҳар қандай фаолият билан шуғулланувчи ва капиталини кўювчи иқтисодий бирликнинг вазифаси – фоиз ставкалари рисқини бошқаришдан иборадир. Бу ўз навбатида бу фонд бозоридаги қимматли қоғозлар рисқини бошқаришга ҳам асос бўлиб хизмат қилади.

Нархлар рисқи, бу ўзгаришлар маълум бир маҳсулотга хос бўлган омиллар ёки бозорда сотиладиган барча маҳсулотларга таъсир этувчи омиллар туфайли келиб чиққанлигидан қатъи назар, маҳсулот ёки молиявий воситанинг бозор нархидаги ўзгаришлари билан боғлиқ рискдир.

Молия бозорининг динамик ривожланиши билан боғлиқ бўлган ноаниқликларни ҳисобга олишнинг миқдорий тавсифи ўзгарувчанликдир. Ўзгарувчанлик - бу фоиз ставкалари, валюта курслари, акциялар, товарлар ёки бошқа молиявий воситалар каби бозор параметрларининг ўзгарувчанлигидир. Ўзгарувчанлик - бу бозор молиявий воситасининг асосий риск ўлчови сифатида ўртача қийматидан оғишдир.

³³ Суворов, А.В. Иммунизационные стратегии поведения инвестора на рынке финансовых обязательств: дис. канд. экон. наук: 08.00.13 / Суворов Антон Владимирович. - Воронеж, 2000. - с.8

Муайян молиявий воситаларни сотиб олиш ёки сотиш тўғрисидаги қарорлар молия бозорининг ҳаракатига таъсир қилади ва бозор нархларининг вақти-вақти билан бошқасига ўзгаришига олиб келади. Ўзгарувчанлик рентабелликнинг ўзгариш даражасини акс эттиради. Активлар ўзгарувчанлигининг паст даражаси унинг рентабеллигини сезиларсиз ўзгараётганлигидан далолат беради. Ўзгарувчанликнинг паст даражасида бўлган активлар юқори даражадаги ўзгарувчанлик даражасига эга активларга қараганда камроқ рисклидир. Активнинг ўсиб бораётган ўзгарувчанлиги, одатда, унинг қийматини пасайиши билан боғлиқ, аммо бозор индексининг ўзгариши унинг акциялари нархларининг пасайишига тўғри келади. Аммо ўзгарувчанликнинг ўсишига нафақат нархларнинг пасайиши сабаб бўлади. Бунда, ўз навбатида, ўсиб бораётган бозор юқори даражадаги ўзгарувчанликка эга бўлиши мумкин.

Молиявий рискларнинг табиати ва таснифи масаласини кўриб чиқишни яқунлаб, шуни таъкидлаймизки, Ўзбекистонда, бозор иқтисодиёти бўлган кўплаб мамлакатларда бўлгани каби, молиявий рисклар муаммоси жуда долзарбдир. Узоқ вақт давомида молиявий рисклар, асосан, давлатни "яширин" ҳолатда иқтисодиётни "музлатиш" сиёсати билан боғлиқ эди. Ҳозирги кунда улар тўлиқ намоён бўлди ва бозор иқтисодиётининг ажралмас қисмига айланди.

Ривожланаётган, бозор муносабатлари тобора кўп сонли мураккаб ўзаро боғлиқ рискларни шакллантирмоқда, бу эса иқтисодий рискни келтириб чиқарадиган ноаниқлик шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Шу муносабат билан молиявий рискларни баҳолаш ва бошқариш учун рискнинг моҳиятини умуман унинг хусусиятлари ва мумкин бўлган таснифларни таҳлил қилиш орқали аниқлаш ҳисобланади:

1. Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий рискининг моҳияти, зарарлар хавфи мавжуд бўлганда фойда олиш мақсадида қилинган хўжалик юритувчи субъектнинг ҳаракатларидан кутилаётган натижаларни эҳтимолий баҳолаш имкониятини қўллаб-қувватлайдиган ноаниқлик, номувофиқлик ва алтернативлик хусусиятларининг комбинациясида намоён бўлади. Рискнинг моҳияти субъектив ва объектив бирликда намоён бўлади, чунки унинг пайдо бўлиши субъектив муносабатлар билан боғлиқ.

2. Молиявий рискларни уларни тузилиш шакли сифатида таснифлаш бошқарув тизимининг асосий элементларидан бири ҳисобланади, шу билан бирга асосий таснифлаш молиявий рискларни тизимсиз ва тизимли рискларга ажратишдир. Тизимсиз рискларнинг асосий турлари молиявий барқарорликнинг пасайиш rischi, тўловга ноқобиллиги (ликвидлик), инвестиция, кредит ва операцион рисклардир. Асосий тизимли рискларга инфляция ва дефляция, фоиз, нарх ва валюта рисклари киради. Бозор тизимидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг индивидуал тизимсиз рисклар мажмуини бирлаштирган ҳолда ишлаши бир қатор тизимли молиявий рискларни аниқлашга имкон яратади.

3. Молиявий рискларнинг таъсир доирасини кенгайтириш субъектларнинг иқтисодий фаолиятида тизимсиз рискларнинг маҳаллий ва маълум даражада субъектив хусусиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда уларни бошқариш усуллари ишлаб чиқиш зарурлигини белгилайди. Шунинг учун тизимли рисклар олдиндан айтиб бўлмайдиган, глобал таъсир ва таҳлилининг мураккаблиги билан ажралиб туради, уларни бошқариш усуллари универсал характерга эга бўлиб, микро ва макро даражада самарали бўлиши мумкин.

Ҳар қандай мамлакатнинг молия бозори кредит ва фонд бозорларидан иборат бўлган пул бозори ва капитал бозорига бўлинади. Иқтисодий адабиётларда кўпчилик муаллифлар "фонд бозори" ва "қимматли қоғозлар бозори" атамаларини синоним сифатида ишлатадилар. Тор маънода фонд бозори деганда фақат биржа савдоси билан шуғулланадиган классик узок муддатли қимматли қоғозлар бозори - акциялар ва облигациялар бозори тушунилади. Натижада, қимматли қоғозлар бозори деганда молиявий активлар (қимматли қоғозлар) алмашинуви механизмини амалга оширадиган муносабатлар ва институтлар тизими тушунилади.

Фонд бозори у ёки бу давлатнинг иқтисодиётига турлича таъсир кўрсатиши мумкин. У тўғри ташкил қилиниб, давлат томонидан усталик билан тартибга солинса, фонд бозорининг халқ хўжалигига таъсири ижобий бўлади. Қимматли қоғозларнинг мунтазам айланмаси мамлакат молия тизимини тубдан янгилашни рағбатлантиради. Бозор ёрдамида асосий иқтисодий операторлар – ишлаб чиқариш корхоналари, хизмат кўрсатувчилар, тижорат банклари, биржалар ва аҳоли ўртасида алоқалар мустақкамланади. Бундан ташқари, қимматли қоғозлар бозори ёрдамида пулни “кўп ишлашга” мажбур қилиш ва бу билан бутун халқ хўжалиги самарадорлигини ошириши мумкинлигидан ташқари, қимматли қоғозлари бозори жамиятнинг муҳим ижтимоий муаммоларини ҳал этиш имконини беради. Қимматли қоғозларга эгалик қилиш ва улар билан савдо қилишда иштирок этиш аҳолининг даромадларини кўпайтиради, шунингдек жамиятнинг ҳаракатланувчи кучи бўлган инсонни фаоллаштиради.

Фонд бозори rischi – қимматли қоғозлар операциялари билан боғлиқ йўқотишлар ва муқаррар равишда уларга ҳос эҳтимоллардир.

Қимматли қоғозлар операцияларига доир рисклар қандайдир операцияни бажаришда кўпгина тасодифий омилларнинг унга таъсири туфайли исталган натижага эга бўла олмаслик эҳтимоли билан боғлиқ.

Қимматли қоғозлар бозорининг барча субъектлари фаолияти риск остида бўлади. Қимматли қоғозлар бозори иштирокчисининг молиявий рискларини шартли равишда "шахсий молиявий риск" ва "хавфсизлик билан боғлиқ молиявий риск"ка бўлиш мумкин. Чунки риск унинг асосий мулки ҳисобланади. Қимматли қоғозлар бозорида хўжалик юритувчи субъектларнинг янги эмиссиявий қимматли қоғозларни бирламчи сегментга жойлаштириши ва иккиламчи қимматли қоғозлар айланмаси билан боғлиқлиги сабабли хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги битимлардаги қимматли қоғозлар иштироки сабабли рисклар қайта тақсимланади.

Қимматли қоғозлар бозори иштирокчисининг молиявий рисклари доирасини кенгайтириш ушбу рискларни бошқариш усуллари ва жараёнларини такомиллаштиришни талаб қилади, бу эса иқтисодий субъектнинг молиявий активларни сотиш технологиялари соҳасидаги малакаси ва тажрибаси билан боғлиқдир.

Хусусий капитални шакллантириш ва кўпайтириш, қарз маблағларини жалб қилиш мақсадида эмитентлар қимматли қоғозларни чиқариш орқали эмиссия операцияларини амалга оширадilar. Бундан келиб чиқадиган бўлсак, эмитентнинг молиявий rischi-унинг натижаси капиталнинг камайиши ёки кўпайиши билан боғлиқ бўлган эмиссия ва дастлабки жойлаштириш тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳолат сифатида белгиланади. Эмитент сифатида иш юритаётган хўжалик юритувчи субъектда нотўловлилик rischi, кредит хавфи, молиявий йўқотиш rischi, бошқа тижорат рискларининг асосий омиллари тўлов қобилияти даражаси, молиявий барқарорлик ва менежмент сифати, инвесторларнинг хабардорлиги ва воситачилик коммутативлигининг даражаси ва бошқалардан иборат бўлади.

Эмитент ўзига қуйидаги асосий тизимсиз рискларни олади:

- бирламчи бозорда эмиссиянинг тўлиқ ёки қисман жойлаштирилмаганлиги rischi;
- иккиламчи бозорда активни сотишда йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ ликвидлик rischi;
- вақтинчалик риск - молиявий воситани нотўғри вақтда чиқариш rischi;
- эмиссия операцияларига хизмат кўрсатиш, техник ходимларнинг профессионаллиги, дастурий маҳсулотларнинг етишмаслиги, қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш технологиясида бузилишлар, шунингдек техник тизимлардаги носозликлар билан боғлиқ операцион риск;
- кредит rischi - контрагентнинг ўз мажбуриятларини бажара олмаслиги туфайли мумкин бўлган тўлиқ ёки қисман йўқотиш rischi.

Даромад олиш учун инвесторлар ўзлари ва жалб қилинган молиявий маблағларни фонд қийматликларига сарфлайдилар, уларни фонд биржасида ва биржадан ташқари бозорда сотиб олиб, шу бозорда инвестиция жараёнлари рискини белгилайдиган инвестиция операцияларини амалга оширадilar.

Бунда кўриладиган риск хўжалик юритувчи субъектнинг талаб ва таклифдаги кутилмаган ўзгаришлар ва уларнинг қийматини қайта кўриб чиқиш натижасида йўқотилиши билан боғлиқ бўлади. Қимматли қоғозлар билан операциялар натижасида даромадлилик, тўғридан-тўғри молиявий йўқотишлар ёки фойданинг пасайиши қимматли қоғозлар эмитентларининг молия-хўжалик фаолиятига таъсир этувчи омилларнинг кўплиги туфайли юзага келади.

Молия бозорининг кўриб чиқиладиган сегменти доирасида тизимли риск, пасаймайдиган ва дифференциация қилинмайдиган қимматли қоғозлар бозоридаги пасайиш rischi билан тавсифланади.

Тизимсиз риск пасайтириладиган ва дифференциацияланадиган инвестицион сифатга эга бўлган аниқ қимматли қоғозлар билан боғлиқ. Унда риск даражаси қимматли қоғозлар сони, уларнинг халқаро стандартларга мувофиқлиги, қимматли қоғозларнинг рентабеллиги, қимматли қоғозлар портфелининг таркиби билан белгиланади.³⁴

Брокерлар, дилерлар, депозитарийлар, рўйхатдан ўтказувчилар ва бошқа профессионал иштирокчиларнинг фаолияти қўйидаги тизимсиз рискларнинг турлари билан боғлиқ:

- операцион риск - маълум бир иштирокчининг фаолиятини амалга ошириш натижасида вужудга келадиган вазият натижаси бажарилган ишнинг профессионаллиги даражасига ва ахборот-техник таъминотдан фойдаланишига боғлиқдир;

- Ҳисоб-китобларни амалга ошириш rischi эмитентнинг депозитарий, клиринг ва рўйхатга олиш тизимларининг ривожланмаганлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин;

- Хизмат кўрсатиладиган мижозларнинг молиявий зарарлари rischi, инвестордан комиссия, бадаллар ва хизматлар учун тўловлардан маҳрум қилиш шаклида ўтказилиши мумкин.

Молиявий глобаллашув нафақат миллий молиявий тизимларнинг бири-бири билан чамбарчас боғлиқлигини, уларнинг чексиз, сайёравий, виртуал бозорга қўшилиш йўлидаги биргаликдаги ҳаракатини, балки молиявий рискларни, айниқса бозор рискларини объектив ўзаро боғлиқлигини келтириб чиқарди.

М. Кастельснинг сўзларига кўра, фонд бозорларини халқаролаштириш манбаларидан бири ва шунинг учун рисклар "молиявий оқимларнинг спекулятив ҳаракати"дир³⁵, бунинг натижасида бозорлар ўзгарувчанлиги кучаяди, яъни ўзгарувчанлик кучаяди. Бундай шароитда дастлаб рискка қарши курашиш учун ташкил этилган молиявий институтлар энди глобал интеграциянинг, чайқовчилик ва молиявий беқарорликнинг асосий воситасига айланди.

Глобаллашув молия соҳасини ўзгартирмоқда, В.В. Чашкин буни қўйидагича изоҳлайди: "Агар илгари молиявий бозорлар асосан иқтисодиётнинг реал секторига хизмат кўрсатган бўлса (товарлар ва хизматлар учун тўловлар, экспорт кредитлари, инвестициялар), 20 аснинг 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб унда спекулятив ва суғурта операциялари устунлик қилди."

Бу рискларнинг келиб чиқишига сабаб ҳали қимматли қоғозларнинг миллий бозори жаҳон андозаси режимида ишлай олмаслигидир. Энди шу рискларни бирма-бир кўриб чиқайлик:

1. Инфляция жараёни билан боғлиқ риск.

Сармоядор (инвестор) қимматли қоғозларни сотиб олган вақтда ҳар доим инфляция хавфи бўлиши мумкин. Инфляциянинг юқори бўлиши

³⁴ Масленченков, Ю.С. Экономика банка. Разработка по управлению финансовой деятельностью банка //Ю.С. Масленченков, А.П. Дубанков. - "БДЦ-пресс", 2003.

³⁵ Кастельс, М. Глобальный капитализм / М. Кастельс // Экономические стратегии. - 2000. - №5-6. - с. 17

кўзланган даромадни олишга йўл бермайди ва инвестор маълум даражада зиён кўриши мумкин.

2. Қонунчиликни ўзгариши билан боғлиқ бўлган рисклар.

Мамлакатда ҳукумат ўзгариши билан ёки бошқа сабабларга кўра амалдаги қонунлар ўзгариши мумкин ёки уларга ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Натижада ҳукумат ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармайди. Бу ҳол қимматли қоғозлар бозорига салбий таъсир кўрсатади. (Масалан, солиқ тизимидаги ўзгаришлар, савдо қоидаларининг ўзгариши ва ҳ.к.).

3. Фоиз даражасининг ўзгариши.

Бу ҳол қимматли қоғозлар бозорида бозор баҳосининг ўзгариши натижасида олинадиган фоизга таъсир кўрсатади. Кредит тизимини, валюта курсини ўзгариши натижасида молия бозоридаги ўзгаришларга олиб келади ва кўзланган фойдани олишни камайиш rischi юзага келади.

4. Ҳарбий конфликтлар (можаролар) билан боғлиқ бўлган хавф-рисклар.

Ҳарбий ҳолат натижасида мамлакатда биржалар иши ёпилади, қимматли қоғозлар бозоридаги савдолар тўхтатилади ва бу ҳол бир бутун молия бозорига таъсир кўрсатади.

Рискларни баҳолаш даражасига қараб қуйидаги ҳулосага келиш мумкин, яъни:

- умумдават миқёсидаги рисклар;
- тармоқ миқёсидаги рисклар;
- корпоратив (корхона, фирма) миқёсидаги рисклар;
- айрим инвесторлар ҳолати билан боғлиқ рисклар.

Буларнинг келиб чиқиш сабаби, ҳуқуқий-ижтимоий, молия, инфляция, ликвидлик бозорининг ривожланиш даражаси билан боғлиқ.

Молиявий рискларни белгиловчи сифатида фонд бозори институционал элементлар орқали давлат, фонд биржаси, эмитентлар ва инвесторлар даражасида рискни бошқариш воситаларини шакллантиради, уларнинг ҳар бири ортиб бораётган риск билан курашиш учун умумий ёки индивидуал стратегияларни ишлаб чиқади.


Юқоридагиларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, риск объектив хусусиятга эгалигидан келиб чиқиб, унга таъсир этувчи омилларни яхлит ҳолда кўриб чиқиш лозим ва уларни тадбиркорлик субъектларига нисбатан ички ва ташқи омилларга бўлиш мумкин.

Ташқи омилларни икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

- бевосита таъсир этувчи омиллар;
- билвосита таъсир этувчи омиллар.

Бевосита таъсир этувчи омиллар рискка тўғридан-тўғри таъсир этади ва буларга: қонунчиликнинг ўзгариши, тадбиркорликдаги рақобат, хўжалик юритувчи субъектлар билан муносабатларнинг ўзгариши, солиқ тизимининг ўзгариши, коррупция ва рэкет каби омилларни киритиш мумкин. Билвосита таъсир этувчи омиллар рискларга тўғридан тўғри таъсир этмаса ҳам уларнинг ўзгаришига таъсир кўрсатади ва буларга: сиёсий ҳолат, халқаро миқёсдаги

воқеалар (масалан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози), фаолият юритилаётган давлатнинг иқтисодий нобарқарорлиги, фаолият олиб борилаётган соҳанинг иқтисодий аҳволи, табиий офатлар кабиларни киритиш мумкин. (3-расм).



3-расм. Рискларни юзага келтирувчи ва уларнинг даражасига таъсир этувчи омиллар таснифи.

Риск - молиявий категориядир. Шунинг учун, Риск даражаси ва қиймати молиявий механизми орқали ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай таъсир молиявий бошқариш техник ёрдами ва махсус стратегияси билан амалга оширилади. Биргаликда, стратегия ва техникада, яъни, риск менежмент механизми бир ҳил шакллантириш тушунилади. Шундай қилиб, риск менежмент, молиявий менежментни бир қисмидир. Риск менежментнинг пировард мақсади фойда ва хавфни оптимал даражада билиш, мақбул нисбатда фойдани қўлга киритишдан иборат.

Банк фаолиятида рискларни банк ва банкдан ташқари муҳим рисклар , яъни, умумий рисклар) ва банк фаолияти хусусиятидан келиб чиқувчи - таркибий рискларга таснифлаш мумкин.

Умумий банк рисклар қуйидагича таснифланади:

1. Кредит rischi;
2. Бозор rischi:
 - фонд бозорлари rischi;
 - валюта rischi;
 - фоиз rischi;
3. Ликвидлилик rischi;
4. Оператив риск;
5. Мамлакат rischi;
6. Ҳуқуқий риск;
7. Имидж rischi.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки “Тижорат банкларининг банк рискларини бошқаришга нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”

Низом (Ўз.Р. Адлия вазирлиги 2011 йил 25 май № 2229 –сон билан рўйхатга олинган) га асосан: Банк rischi – банк фаолиятига таъсир қилувчи иқтисодий, молиявий, ижтимоий, сиёсий, технологик ички ва (ёки) ташқи омилларга боғлиқ бўлган ҳолатлар натижасида банк фаолиятига хос бўлган молиявий зарарлар кўриш ва (ёки) банк ликвидлиги (банк ўз мажбуриятларини вақтида бажариш қобилияти) ни тўлиқ ёки қисман йўқотиш хавфининг мавжудлиги.

Банк фаолиятида, асосан, қўйидаги банк рисклари юзага келиши мумкин:

А) кредит rischi – қарздорнинг шартномада белгиланган шартлар бўйича банк олдидаги ўз молиявий мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажара олмаслиги натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ риск;

В) бозор rischi – банкнинг қимматли қоғозлар портфелидаги инструментлари нархларининг, шунингдек, хорижий валютаси ва қимматбаҳо металлар курсларининг салбий ўзгариши натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ риск. Бозор rischi фонд, валюта ва фоиз рискларини ўз ичига олади, бунда:

фонд rischi – қимматли қоғозлари портфелидаги инструментларнинг бозор нархларидаги салбий ўзгариши натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ риск;

- валюта rischi – хорижий валютаси ва қимматбаҳо металларнинг очик позициялари бўйича шу хорижий валюталари курслари ва қимматбаҳо металлар баҳоларининг ўзгариши натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ риск; Валюта рискларига мажбурий меъёрлар ҳам ўрнатилади: операцион кун охирида барча валюталар бўйича узун (қиска) очик позициялар банк ўз капиталининг 20% идан ошмаслиги керак ва операцион кун охирида ҳар бир хорижий валюталар бўйича узун (қиска) очик позициялар банк ўз капиталининг 10% идан ошмаслиги керак.

фоиз rischi – активлар, пасивлар ва кўзда тутилмаган ҳолатлардаги инструментлар бўйича фоиз ставкаларининг салбий ўзгариши натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ риск;

в) ликвидлилик rischi – банкнинг ўз молиявий мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажара олмаслиги натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ риск. Банкнинг ликвидлилик rischi асосан, актив ва пасивларнинг сўндириш муддатларининг ўзаро номувофиқлиги оқибатида юзага келади; У қуйидагича вужудга келади:

- банкнинг молиявий активлари ва молиявий пасивлари номуваносиблиги;

- банк ўз мажбуриятларини зарур ҳолларда тез муддатда бажараолмаслиги натижасида юзага келади.

г) операцион риск – банкнинг ички тизимлари, жараёнлари, ахборот технологиялари, ходимлар ҳаракатларида йўл қўйилган хатоликлар ёки ташқи табиий жараёнлар, шу жумладан табиий офатлар, натижасида банкда

юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ риск;Операцион риск - куйидаги ҳолатлар натижасида пайдо бўладиган зарарлар rischi:

- амалдаги қонунчилик талаблари ва банк фаолияти тавсифига кўра банк операцияларининг ўтказилиш тартибининг бузилиши;

- банк ходимлари томонидан банк операциялари ўтказилиш тартибининг бузилиши;

- банк фойдаланадиган техник ва ахборот тизимларининг тўлиқ шаклланмаганлиги натижасида бўлиши мумкин.

д) мамлакат rischi – банкнинг хорижий ҳамкорлари томонидан иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ўзгаришлар сабабли ўз молиявий мажбуриятларининг бажара олмаслиги натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ риск;

е) ҳуқуқий риск– банк томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва тузилган шартномаларга риоя қилинмаслик, иш жараёнида ҳуқуқий хатоликларга (нотўғри юридик маслаҳат ёки ҳужжатларни нотўғри тузилиши) йўл қўйилиши, ҳуқуқ тизимидаги камчиликлар, ҳамкорлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бузилиши натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ риск;Ҳуқуқий риск - куйидаги ҳолатлар:

- *банк томонидан тузилган шартномалар ва ҳуқуқий меъёрлар талабларига риоя қилмаслик;

- *фаолият давомида ҳуқуқий хатоларга йўл қўйиш;

- *ҳуқуқий тизимнинг ноаниқлигинатижасида пайдо бўладиган рисклардир.

ж) бизнесда обрў-эътиборни йўқотиш rischi – банкнинг молиявий барқарорлиги тўғрисида омма ичида салбий тасаввур юзага келиши сабали, миждозлар сонининг камайиши, кўрсатилаётган хизмат сифатининг тушиши натижасида, банкда зарарлар юзага келиши rischi;

Имидж rischi - банкнинг молиявий ҳолати ҳақидаги салбий кўринишлар натижасида банк ходимлари сонининг қисқариши туфайли ҳам пайдо бўлиши мумкин.

з) фирибгарлик rischi – банкда ходимлар, миждозлар ва бошқа ҳамкорларнинг фирибгарлик ёки бошқа жиноий хатти – ҳаракатлари оқибатида молиявий зарарлар кўриш хатари. Банкдан нақд пул ва бошқа қимматликларнинг ўғирланиши ҳамда банк ходимлари томонидан атайлаб молиявий ҳисоб ва ҳисоботларда зарарларни (вақтинча ёки текшириш орқали аниқлангунча) яширилиши натижасида банкнинг молиявий зиён кўриши.

Таркибий жиҳатдан банк рисклари қуйидагича таснифланади:

1. Операцион харажатлар ўсиш rischi:

- фоиз харажатларининг ўсиши rischi;
- фоизсиз харажатларнинг ўсиш rischi.

2. Нооперацион харажатлар ўсиш rischi.

3. Пассив операциялардан келадиган даромадларнинг қисқариши rischi.
4. Актив операциялардан келадиган даромадларнинг қисқариши:
 - операцион даромадлар (фоизли ва фоизсиз) нинг қисқариши rischi;
 - нооперацион даромадларнинг камайиш rischi.
5. Активлар қадрсизланиши ва йўқолиши rischi.
6. Бой берилган фойда rischi.
7. Даромадларнинг қисқариши (олинмаган) rischi.
8. Зарарларнинг кўпайиши rischi.
9. Капиталнинг хавфли даражасига тушиш rischi.
10. Тўловга лаёқатсиз rischi.

Банк харажатларини ўсишини кўрсатувчи **молиявий рисклар** қуйидагича таснифланади:

- операцион харажатларнинг (банк фаолиятининг таъминловчи харажатлар) ўсиши;
- фоиз харажатларининг ўсиш rischi, яъни жалб қилинган маблағлар (олинган кредитлар, қарзлар, қўйилмалар, депозитлар) бўйича тўланадиган фоизлар;
- фоизсиз харажатларнинг ўсиш rischi, яъни ходимларга моддий ва иш ҳақи харажатлари, бошқарув апаратыни сақлаш харажатлари, комиссия тўловлар, тўланган дивидендлар, кредитлар ва бошқа операциялар бўйича зарарларни қоплаш мақсадида яратиладиган захиралар билан боғлиқ харажатлар;
 - кооперацион харажатларнинг ўсиш rischi, жумладан:
 - ❖ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ортиқча тўлашдаги йўқолишлар rischi;
 - ❖ пеня ва жарималарни тўлашдаги зарарлар rischi;
 - ❖ мулкни сотишданги зарарлар rischi;
 - ❖ банкнинг айрим турдаги активларини қайта баҳолаш жараёнида салбий курс фарқидан келадиган зарарлар rischi.

Даромадларни қисқартиришни кўрсатувчи молиявий рисклар банкнинг тўлов қобилиятига, фойдалилигига, капиталига ва ликвидлик даражасига салбий таъсир кўрсатади, улар қуйидагича таснифланади:

- пассив операциялар бўйича келадиган даромадларнинг қисқариш rischi, жумладан ҳисобрақамларни ёпиш, юритиш, очиш, нақд пулларни бериш, мижоз ҳисобварағидан кўчирмалар беришда оладиган комиссия даромадлар;
 - актив операциялар бўйича келадиган даромадларнинг қисқариши:
 - ❖ операцион даромадларнинг қисқариш rischi, хусусан, фоизли даромадларнинг, жумладан берилган кредитлар ва қарзлар, бошқа банкларга депозит қўйилмалар, лизинг ва қарз қимматли қоғозлар бўйича;
 - ❖ фоизсиз даромадлар қисқариш rischi, жумладан, банк томонидан олинган валюта айирбошлаш операцияларидан, траст операцияларидан, юридик шахслар фаолиятида қатнашишдан даромадлар;

❖ нооперацион даромадлар қисқариш rischi, жумладан, кўрсатилган ахборот ва маслаҳат хизматларидан, мулкни сотишдан, гаровни сотишдан ва қимматли қоғозларни қайта баҳолаш жараёнида ижобий курслардан келадиган даромадлар.

Банк riskини умумий чегаралаб туриш учун қуйидаги қоидага амал қилиш керак: банкнинг ўз капитали унинг активлар ҳажмидан ошиб кетмаслиги керак.

1.3 Банк riskларини бошқаришнинг назарий асослари ва бошқариш усуллари.

Бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатиш корхоналардан фаолиятнинг юқорида келтирилган тамойилларини ўзгартиришни талаб қилади. Энди ҳар бир бозор муносабатлари субъектининг фаолияти қонун доирасида ўз меъёрларига эга бўлди. Нобарқарор, тез ўзгариб турувчи бозор муносабатлари шароитида банклар ўз мижозлари, рақобатчилари томонидан бўладиган ҳаракатлар ва қонун ҳужжатлари ўзгариши билан боғлиқ турли хил натижалар ва уларнинг банк фаолиятига таъсирини инобатга олиб бориши лозим. Чунки бундай ўзгарувчан ҳолатлар банк фаолияти давомида юқори risk қилишга олиб келади. Замонавий банк тизимини riskсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Банкнинг riskсиз операцияси йўқ, унинг барча операциялари risk билан боғлиқ бўлиб, уларнинг даражаси операция турига қараб ҳар хил бўлиши мумкин. Банк амалиётида riskни умуман йўқ қилиш мумкин эмаслиги боис, уни олдиндан кўра билиш, уни камайтириш чораларини кўриш лозим.

Ўзбекистонда бозор муносабатлари тамойилларининг амал қилиши тижорат банкларидан ўз фаолиятлари билан боғлиқ riskларни бошқа хўжалик субъектларига нисбатан кўпроқ ўрганишларини талаб этади. Чунки тижорат банклари ўз фаолиятлари билан бир томондан, ўз акциядорлари олдида жавобгар бўлсалар, иккинчи томондан, ўз маблағларини ишониб топширган ва банк хизматларидан фойдаланаётган мижозлар олдида мажбуриятга эгадирлар.

Ривожланган мамлакатлар банкларига нисбатан МДХ давлатлари шу жумладан, республикамиз банклари фаолияти янада кўпроқ riskка эга бўлмоқда. Бунинг асосий сабаби режали иқтисодиёт давридаги банк фаолиятини бугунги давр талабига жавоб берадиган ҳолда қайта ташкил этилмаганлиги ва янги турдаги банк операцияларини амалга оширишда етарли тажрибанинг йўқлиги банклар фаолиятидаги risk даражасининг янада ошишига олиб келмоқда.³⁶

Иқтисодий riskлар – булар мамлакат ёки банкнинг иқтисодий аҳволидаги салбий ўзгаришлар оқибатида юзага келадиган riskлар. Енг кўп тарқалган иқтисодий risk турига баланслашмаган ликвидлик riskи киради, яъни мажбуриятлар бўйича туловларни ўз вақтида бажара олмаслик.

³⁶ «Банк riskлари ва кредитлаш» Ш.З.Абдуллаева, «Молия» нашриёти 2002 йил, 85-бет.

Иқтисодий риск деганда, умумий йирик тизим ва унинг таркиби ривожланишида, шу жумладан, агар бундай тизимнинг умумиқтисодий мувозанатини ва унинг ЯИМнинг ўсиш суръатини жаҳон борзорида рақобатбардош маҳсулотни чиқариш орқали ўрнатиш мақсади қўйилган бўлса, у холда ишлаб чиқариш шакллари оқилона уйғунлашувини танлашда юзага келадиган рисклар мажмуи тушунилади, давлатнинг антициклик усуллар ва бошқалардан фойдаланиб самарали чора-тадбирлар ўтказишини тақозо қилади.

Ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш мавқеи билан боғлиқ бўлган иқтисодий рисклар, халқаро банк амалиётида пул оқими, кредит ва ҳисоб операциялари соҳасида бўлган рисклар билан бевосита боғлиқ. Бу рискларнинг бўлиши ва уларнинг даражаси эса импортчи ёки экспорт давлатга ёки контрагент мамлакатлардаги сиёсий-иқтисодий барқарорликка боғлиқ. Ҳар бир мамлакатда иқтисодий ёки сиёсий барқарорликка асосланиб, шу мамлакатдаги иқтисодий риск даражасини баҳолай олиш чет эл капитали иштирокида ташкил топган қўшма банклар ва бош лицензияга эга бўлган банк ташкилотлари учун долзарбдир. Шунинг учун бирор давлат билан узвий иқтисодий алоқани ўрнатишда, айниқса кредит ва ҳисоб-китоблар билан боғлиқ муносабатларни олиб боришда, ундаги иқтисодий-сиёсий барқарорликни таҳлил қилиб риск даражасини аниқлаш лозим. Жаҳон амалиётида шу мақсадда тавсия етиладиган йўллардан бири бу мамлакат иқтисодий рисклари ҳажмини таҳлил қилувчи БЕРИ индексидан фойдаланилади. Унинг ёрдами билан олдиндан мамлакат иқтисодий рискларининг ҳажми белгиланади.

Мамлакат иқтисодий рискини башорат қилиш давлат қурилмасининг таркиби ва сифат даражаларини таҳлил қилишга, шунингдек амалий маълумотлар ва нисбатларни ўрганишга асосланган миқдор кўрсаткичларига таяниши керак.

Макродаражада мамлакат иқтисодий рискини баҳолашда асосий кўрсаткичлар сифатида қуйидагилар таҳлил қилиниши мумкин:

- иқтисодиётнинг самарадорлиги (бунда ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиши ҳисобланади);

- сиёсий риск даражаси;

- жаҳон банки маълумотларига асосан олинган кредитлар миқдори, улар бўйича қарздорлик даражаси, кредитни қайтиб тулаш жараёнининг амалга оширилиш сифати, экспорт ҳажми, ташқи қарзлар, ташқи савдо обороти ва бошқалар;

- банк кредитларини олиш имконияти;

- қисқа муддатли кредитлаш имконияти;

- узоқ муддатли кредитлаш имконияти;

- форс-мжор ҳолатларининг юзага келиши;

- мамлакатнинг кредитга лаёқатлилиқ даражаси;

- ташқи қарзлар бўйича тўланмаган мажбуриятлар.

Иқтисодиётнинг мезодаражадаги рискларининг салмоқли тури - саноат rischi маълум тармоқнинг ичида ҳам, бошқа тармоқларга нисбатан ҳам

алоҳида олинган тармоқ иқтисодий аҳволнинг ўзгариши, унинг ривожланиши ва амал қилишининг ўзига хослиги билан боғлиқ.

Хўжалик тармоғига нисбатан солиқ меъёрларидаги, тармоқ йўриқномалари, кредит олиш шартлари ва бошқалардаги ўзгаришлар риск манбаи бўлиб ҳисобланади. Саноат рискинни баҳолашда қуйидагиларни эътиборга олиш керак:

- алоҳида олинган тармоқнинг бир-бирига боғлиқ тармоқлар билан ўзаро алоқада маълум вақт мобайнидаги фаолияти (тармоқнинг ҳаётий даври);

- бир-бирига боғлиқ тармоқлар фаолияти мамлакат иқтисодиётига нисбатан қанчали барқарор бўлиши;

- корхона ёки фирмаларнинг ўз капитал қўйилмаларини бошқа тармоқларга ўтказиш имконияти;

- фирмаларнинг бажараётган иш хажми, ишлайдиганлар сони, тармоқ ичидаги уларнинг хўжалик фаолияти молиявий натижалари бўйича қай даражада тасниф қилинганлиги ва ҳ.к.

Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнларининг субъектлари ҳисобланган корхоналар, хорижий инвесторлар, давлат, яқка хўжаликлар ва улар билан боғлиқ ашёвий (товар) ва монетар (пул) оқими тебратади. Хўжалик оборотининг ғилдираги бу – пул маблағлари бўлиб, улар банклар ва бошқа молиявий муассасалар орқали оқиб ўтади. Шунинг учун иқтисодиётнинг қайсидир бир соҳаси ёки каналида мавжуд рисклар банклар фаолиятига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Иқтисодиётда нафақат пул оқимида, балки барча жараёнларда рискнинг юзага келиши уни юзага келтирувчи манбаларга боғлиқ бўлади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, риск бу фаолият кўрсатувчи субъектлар амалиётида юзага келиб иқтисодий категория сифатида ижтимоий-иқтисодий жараёнларда аниқ ва ечими бўлмаган ҳолатнинг сон ва сифат жиҳатдан боғлиқ бўлган воқелиқни англатади.

Банкларнинг бажарадиган операцияларига қараб эмиссия ва тижорат банкларига бўлинади. “Банкларнинг энг муҳим вазифаларидан бири бу *“пулни яратиш”*. Пулни яратиш бу пулни *“ишлаб чиқариш”* билан чекланмасдан, бунинг ўрнига банк резервларидан *“томчиланма”* усулида ҳам пулни кўпайтириш мумкин”,- дейди хорижлик олим Стефан Д.Симпсон.³⁷

Ҳар қандай мамлакатда эмиссия банклари кредит тизимининг маркази ҳисобланади, уларга давлат банкноталар чиқариш, эмиссия учун монополиялик ҳуқуқини беради. Улар бошқа банкларни кредитлайди ва шу маънода банкларнинг банки саналади. Бизнинг мамлакатимизда кредит тизимининг маркази, эмиссия банки ва банкларнинг банки Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ҳисобланади.

Маълумки, тижорат банкларида рискларни минималлаштиришга риск стратегиясини ишлаб чиқиш орқали эришиш мумкин.

³⁷ “The Banking System” by Stephen D.Simpson, CFA. Investopedia 2016

Банк рискени бошқариш тизими рискнинг юзага келишини олдиндан хом-чўт қилиш, риск туфайли юзага келадиган салбий ҳолатларга йўл қўймаслик ёки уларнинг таъсирини камайтириш борасида чора-тадбирлар, усуллар йиғиндисини ўз ичига олади.

Банк рискени бошқариш тизимининг объекти банклар фаолиятида юзага келувчи рисклар бўлса, унинг субъекти сифатида рискга ўз таъсирини ўтказувчи гуруҳ, банк бўлими ходими ёки менежери ҳисобланади.

Банк рискларини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш учун банк фаолиятини чуқур билиш, банк бажарадиган операцияларнинг самарадорлигини аниқлай билиш, банкнинг кредит, инвестиция, валюта сиёсати ва бошқа фаолиятлари бўйича оптимал қарорлар қабул қилишга эришиш, мижозларнинг хўжалик фаолияти ва уларнинг молиявий аҳволи, тармоқлар фаолиятининг хусусиятлари ва бошқаларни билиш лозим.

Банкнинг рискларни бошқариш стратегияси банкнинг барча имкониятларидан тўла фойдаланиш, банкни ривожлантириш истиқболларини белгилаб бериш ва банк рискларини олдини олиб банклар фаолиятининг самарадорлигини оширишга имкон яратади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёни тижорат банкларининг барқарор фаолият юритувчи тизимини яратишни кўзда тутди. Чунки тижорат банклари бозор инфратузилмасининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Уларнинг барқарорлиги давлат аҳамиятига эгадир.

Банк фаолиятида рискнинг юзага келиши баъзи бир салмоғи, таъсири, шакли жиҳатдан турлича бўлган ноаниқликлар билан боғлиқ бўлади. Чунки банк фаолияти ташқи муҳитга боғлиқ бўлиб, унга объектив иқтисодий ва сиёсий жараёнлар ва улардаги бўладиган ўзгаришлар таъсир кўрсатади.

Банк фаолиятида рискларнинг юзага келишининг қуйидаги сабаблари мавжуд:

- бозорни яхши ўрганмаслик;
- ресурсларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш соҳасида маълумотларнинг етарли эмаслиги;
- кредитланадиган лойиҳа, объект ва мижозлар тўғрисида, уларнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумот ва ахборотларнинг тўлиқ эмаслиги;
- тармоқлар фаолияти хусусиятининг инобатга олинмаслиги;
- субъектлар ёки мижозларнинг онги, савияси, маблағлардан фойдаланиш бўйича билими ва мақсадларининг турли хиллиги ва бошқалар ҳисобланади. Шу сабабли банк рискларининг иқтисодий категория сифатида таърифи унинг объектив ва субъектив сабаб ва оқибатларини ўзида ифода қилмоғи лозим.

Бугунги кунда биз бу соҳани ривожлантирмасдан туриб иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмаймиз. “Ақлли бизнес эгалари билишадики, ходимларни мақсад сари тўғри йўналтириш бу омад

сари етакловчи кучдир”,- деб таъкидлайди иктисодчи Жим Бласингейм ўзининг замонавий қарашларида.³⁸

Риск даражасини баҳолашга ҳамда уни камайтиришга қаратилган энг кадимий чоралардан бири бу рискларни суғурта қилиш усулидир. Бугунги кунда республикамиз тижорат банкларининг бу усулдан фойдаланишлари бир мунча кийинроқ бўлмоқда, чунки ўтиш даврида барча МДХ давлатларидаги каби бизнинг республикамизда ҳам суғурта фаолияти янги давр талаблари остида қайта ташкиллаштирилмоқда ва янги ўзлаштирилаётган соҳалар қаторига кирмоқда. Банк рискларини пайдо қилувчи факторлар асосида энг аввало иктисодий ҳамда сиёсий факторлар ётади. Куйидаги 3–жадвалда банк рискларини бошқариш жараёнининг вазифаларини белгиловчи тўртта асосий босқичи кўрсатилган:

Банк назорати бўйича Базел қўмитаси 2004 йил июн ойида тижорат банклари капитали етарлилигини таъминлаш муаммоси ҳамда улар томонидан иктисодий меъёрларга риоя қилиниши устидан назоратни яхшилаш масалаларига бағишланган янги ёндашув «Капитални ўлчаш ва капитал стандартларининг ҳалқаро конвергенцияси (Базел III ни) эълон қилди. Бу талаблар учта компонентга асосланади.³⁹

4–жадвал

Банк рискларини бошқариш жараёнининг вазифаларини белгиловчи босқичлари

Банк рискларини таҳлил қилиш ва баҳолаш.	Риск миқдорини аниқлаш.	Банк рискларини бошқариш.	Банк рискларини бошқариш.
Банк ахборот манбаларидан кредит рискларини ва улар ўртасидаги боғлиқликларни ўрганиб чиқиш ҳамда уларни назорат қиладиган рискларга ажратиш керак.	Рискнинг миқдорий кўрсаткичини аниқлаш эхтимоллий йўқотиш-лар миқдорини аниқлашга ва актив бошқариш инструментлари воситасида риск даражасини шакллантиришга имконият яратади.	Бошқариладиган рисклар ва уларнинг миқдори аниқланганидан кейин, кредит рискларини бошқариш методологияси ва стратегияси ишлаб чиқирилиши зарур.	Рискларни бошқариш бўйича тадбирлар натижалари назорат остида бўлиши лозим.

1. Капитал етарлилигига минимал талаб (кредит, операцион ва бозор рискларининг баҳолаш жиҳатларини акс еттирувчи тижорат банклари капитали етарлилигига минимал талаб). Бундан асосий мақсад, банк регулятив капиталининг мавжуд иктисодий рискларга нисбатан таъсирчанлик даражасини янада аниқлаштиришдан иборат.

2. Назорат жараёнлари (жорий назорат). Базел қўмитаси рискларни ҳисоблашда нафақат капиталга нисбатан минимал талабларга риоя қилинишини текшириш, балки тижорат банклари ва назорат органларининг таҳлил имкониятларини ривожлантириш, хусусан капитал етарлилигини ички баҳолаш методлари билан баҳолашда стресс-тестни йўлга қўйишни таклиф этади.

³⁸ “Motivating employees is good business” by Jim Blasingame, “The Small Business Advocate” August 5/2015.

³⁹ «Бозор, пул ва кредит» журнали, 2007йил, 9 сентябрь, 27-29 бетлар.

3. Бозор дастакларидан самарали фойдаланиш (бозор интизоми). Бу компонент юқоридаги иккита компонентни тўлдиради, шунингдек бозор интизомининг мустаҳкамланишига имкон яратади.

База кўрстакчилари асосида ёндашувда банк операцион рискларни қоплаш учун охириги уч йилда ўртача йиллик ялпи ижобий фойданинг **15%** ига тенг капитални кўзда тутиши лозим. Капитални ҳисоблаш формуласи қуйидагича:

$$K_{\text{БИА}} = [\sum (\text{ГИ}_{1...n} * \alpha)] / n$$


Бу ерда: $K_{\text{БИА}}$ - капиталга қўйилган талаб; ГИ - охириги уч йилда уртача йиллик ялпи ижобий фойда; n - йиллар миқдори (уч йил); α - 15% бу курстакчи Базел қўмитаси томонидан белгиланган.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, банкларда кредит рисклари бўйича аниқ маълумотларнинг етарли эмаслиги банк активлари сифатини баҳолашда қийинчилик туғдиради, бу эса кутиладиган зарарларга қарши захираларни шакллантириш учун қўшимча маблағларга эҳтиёж уйғотади. Банк капитали эса кўзда тутилмаган зарарлар учун ҳимоя вазифасини ўтайди.

Стандартлашган ёндашувда бутун банк фаолияти 8 та йўналишга ажратилади: корпоратив молия, олди-сотди ва сотиш, чакана банк хизматлари, банкнинг тижорат операциялари, тўловлар ва ҳисоб-китоблар, агент хизматлари, активларни бошқариш ва чакана брокерлик операциялари. Хар бир йўналиш бўйича ялпи фойда мазкур йўналиш учун фоиз меъёрини аниқлашда асос бўлади. Ушбу фоиз меъёри рискларнинг ҳар бир йўналиш бўйича даражаси ва турига боғлиқ ҳолда 12 дан 18 фоизгача тебранади. Капитални ҳисоблаш формуласи қуйидагича:

$$K_{\text{ЦА}} = \{ \sum_{\text{йиллар}1-3} \max [\sum (\text{ГИ}_{1-8} * \beta_{1-8}), 0] \} / 3$$

Бу ерда: $K_{\text{ЦА}}$ - капиталга қўйилган талаб; ГИ_{1-8} - ҳар йил учун 8 та йўналиш бўйича ўртача йиллик ялпи ижобий фойда; β_{1-8} - 12-18% бу кўрстакчи Базел қўмитаси томонидан белгиланган.



Ривожлантирилган ёндашув операцион рискни қоплаш учун керак бўладиган капитал миқдорини ҳисоблашнинг хусусий усулига асосланади. Ушбу усулни маълум бир сифат ва миқдор андозаларига жавоб берадиган банклар ишлатиши мумкин. Банк раҳбарияти Марказий банкни операцион рискни баҳолаш тизими, маълумотлар жамлаш сифати, назорат механизмини шакллантирилганлигига ишонтириши лозим.

Кредит рискни камайтиришнинг навбатдаги йўналиши бизнинг фикримизча Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2 декабр 1998 йилдаги №557 "ўзаро боғлиқ қарз олувчилар гуруҳи ёки бир қарз олувчига тўғри келувчи максимал риск миқдори тўғрисидаги йўриқнома"га амалда риоя қилишдан иборат. Бу йўриқнома бўйича - бир қарз олувчига бериладиган кредит миқдори банкнинг устав капитали миқдорининг 10% дан юқори бўлмаслиги;

- банк томонидан бериладиган йирик кредит миқдори банк капиталининг биринчи даражаси миқдорининг 10% дан ошмаслиги;

- бир қарз олувчига ёки ўзаро боғлиқ қарз олувчилар гуруҳига тўғри келувчи максимал миқдори банк капиталининг биринчи даражаси миқдорининг 15% дан ошмаслиги;

- ишончли (бланкали) кредитлар бўйича максимал риск миқдори банк капиталининг биринчи даражаси миқдорининг 5% дан ошмаслиги;

- банк томонидан берилган йирик кредитларнинг умумий суммаси банк регулятив капиталининг 1 даражасидан 8 мартадан ошмаслиги лозим.

Халқаро банк амалиётида кредит рискларининг олдини олиш бўйича қабул қилинган йўриқномаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, жаҳон амалиётида кредит рискларининг олдини олиш бўйича қуйидаги талаблар қўйилган.

- бирор бир қарз олувчи банкнинг асосий капиталининг 10% эквивалентидан ортиқча маблағ ола олмайди;

- бир тармоққа бериладиган кредит миқдори банкнинг умумий портфелининг 25% идан ошмаслиги лозим;

- бир қарз олувчига тўғри келувчи тахминий риск (гаровга қўйилган мулк баҳолангандан кейин) банкнинг асосий капиталининг 1% дан ошмаслиги лозим;


- тахминий (кутилаётган) риск миқдори мижоздан олиниши кутилаётган йиллик фойда миқдорининг 3 баробаридан ошиб кетмаслиги керак.

1.4 Банкларда риск-менежмент тизими: таркиби ва жорий қилиш механизми.

Халқаро молия бозорларида ресурсларнинг янада самарали тақсимланишини таъминлаш йўли билан молия инновациялари, молия бозорларининг очиқлиги ҳамда глобализация мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди ва иқтисодий ўсишларига туртки бўлди. Шунингдек, капитал ҳаракатининг эркинлиги қарздорлар учун янги молиявий манбаларга йўл очилишига ва оқибатда инвестициялар миқдорининг ҳаддан ташқари кўпайиб

кетишига ҳамда банк рискни ошишига олиб келди. Бу ўз навбатида, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда банкларни синишига сабабчи бўлди.

Охириги 25 йилда рискларни бошқариш соҳасида революцион ўзгариш содир бўлди: риск-менежмент фақатгина молиявий корпоратсияларда эмас, балки иқтисодиётнинг бошқа секторларида ҳам қўлланила бошланди. Рискларни бошқаришдаги янги парадигмаси, компаниялар, ҳолдинглар ва иқтисодиётнинг бутун тармоқлари рискларини бошқаришда аниқ оператсия ва фаолият соҳалари бўйича тор доирада қисмли ёндашувидан комплекс бошқарувга ўтишни кўзда тутди.



4-расм. Риск менежменти стандартларининг ривожланиш тарихи

XX аср 90-йилларининг бошида жаҳон тажрибасида риск-менежмент соҳасида стандартларини шаклланиши кузатилди. (1-расм)

Стандартларнинг ёйилиши давлатларда, халқаро даражада ва ҳаттоки, тармоқ даражасида (банк, суғурта ташкилотлари) амалга оширилди. Бунинг исботи бўлиб, рискларни бошқаришнинг англосаксон ҳуқуқли давлатлар (Австралия, Янги Зеландия, Япония, Буюк Британия, ЖАР, Канада) миллий стандартлари, шунингдек, Ҳомийлик ташкилотлари Треадвай комиссия Комитети (СОСО, АҚШ) ишлаб чиққан стандарт, риск-менежерлар европа ассосиясия федерацияси стандарти (ФЕРМА) ва рискларни бошқариш стандарти ИСО 31000:2009 ҳисобланади.

Тармоқ рискларини бошқариш стандартлари орасида суғурта ташкилотлари (Солвенсй, Солвенсй 2) ва банк (Базел, Базел 2, Базел 3) фаолияти билан боғлиқ бўлган стандартлар машҳурдир.

Европа Иттифоқидаги давлат институтлари риск-менежментининг амалий кўникмаларини экологик, технологик, сотсиал ва бошқа масалаларни ечишда қўллай бошладилар. Риск-менежмент менежментнинг муҳим ва ажралмас қисмларидан бири бўлиб, риск кўрсаткичлари топ-менежерлардан бошланиб, кичик бошқарувчиларга қадар рағбатлантириш ва мукофотлаш омилига, шунингдек, КПИ5 нинг ҳал қилувчи индикаторига айланди.

Риск-менежмент соҳасидаги стандартлар қуйидаги унификатсияни кўзлайди:

Бу соҳада ишлатилаётган терминология;

Риск бошқариш жароёни таркиби;
Риск-менежментининг ташкилотлардаги тизимини тузиш йўллари.
Бунда риск бошқариш жараёни бир-бири билан боғлиқ 8 таркибий қисмдан иборат дейилади, улар:

Ички муҳитни аниқлаш;
Мақсадларни аниқлаш;
Рискли воқеаларини аниқлаш;
Рискни баҳолаш
Риск таъсирига жавоб бериш;
Назорат воситаси;
Ахборот ва алоқа;
Мониторинг.

Жаҳон тажрибасида “COSO кубини” номини олган бу стандарт ташкилотлар мақсадлари (стратегик, оператсион, ҳисоботга тайёргарлик ва қонунларга риоя қилиш), компаниянинг ташкилий тузилмаси ва риск бошқарув жараёни таркибий қисмлари ўртасида боғлиқликни ифодалайди.

Ривожланган мамлакатлар банклари томонидан ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кейинги 15-20 йил мобайнида банк назорати нафақат молия секторида, балки бутун иқтисодиётда жуда муҳим роль ўйнайди.

Федерал молиявий институтларни текшириш консуллиги

Ушбу Консуллик 1979 йил 10 март куни ташкил этилган. Консуллик расмий ташкилот бўлиб, у молиявий институтларни текшириш учун умумлашган стандартлар, тамойиллар ва ҳисобот шакл-ларини ишлаб чиқишда ваколатдор ташкилот ҳисобланади. Консуллик стандартларни ишлаб чиқишда ФРТ нинг бошқарув кенгаши, ДСФК, кредит уюшмаларини миллий Бошқаруви, Пул Муомаласи Назорати Офиси ва Жамғарма Назорати Офиси билан ишлаб чиқади. Ушбу консуллик молиявий институтларни, жумладан, тижорат банкларини UBOR (Униформ Банк Перформансе Репорт) бўйича назорат қилишни ишлаб чиққан. Банк фаолиятининг ҳисоботи (UBOR) ҳар чоракда банкларга юборилади ва у федерал даражада банкларни назорат қилади. UBOR ҳисоботида банкнинг активлари, унинг мажбуриятлари, капитали, даромад ва харажатларининг жорий йил ҳамда олдинги 3 йилдаги ҳолати ҳақида маълумотлар берилади. Шунингдек, тақдим этилган кредитлар структураси, лизинг бўйича мажбуриятлар, муаммоли кредитлар бўйича ҳамда кредитлар бўйича йўқотишлар таҳлили ва банкнинг риск даражаси тақдим этилади. UBOR ёрдамида АКШда тижорат банклари масофадан туриб назорат қилинади.

Англия банки томонидан қўлланилаётган назорат тизими ҳар бир банк бўйича алоҳида хусусиятга эгадир. Ўтказилган назорат натижасида банкларнинг шарт - шароитлари ва имкониятларидан келиб чиқиб, уларнинг раҳбарлари билан келишилган ҳолда тадбирлар ишлаб чиқилади.

Мазкур тадбирлар банкнинг керакли даражада капиталга нисбатан энг кам оператив хавфсизлигини, резерв маблағлар, ликвидлик, бухгалтерия ҳисоби ва бошқарув ходимлари билан суҳбат ўтказиш орқали амалга

оширилади. Банк раҳбарияти билан суҳбат ўтказиш Буюк Британия назорат тизимининг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатдаги барча кредит институтлари Федерал назорат бошқармаси ҳамда Немис Федерал банки (Бундесбанк)ига ўз фаолиятларидаги барча ўзгаришлар тўғрисида ҳисобот бериб боришади. Шунингдек, ойлик ҳамда йиллик ҳисоботларни тақдим этадилар. Банклар устидан назоратни амалга оширувчи Федерал бошқарма Бундесбанк билан келишилган ҳолда кредит институтлари фаолияти учун мажбурий иқтисодий меъёрлар ўрнатиб боради.

Республикамизда иқтисодиётни модернизациялаш ва ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашда хўжалик субъектларининг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжини қондириш муҳим масалалардан ҳисобланади. Бунда эса молиявий маблағларнинг муҳим манбаси сифатида банк активлари муҳим ўрин тутди.

Тижорат банклари фаолиятининг асосий қисмини актив амалиётлари ташкил қилади. Актив амалиётлар – банкнинг фойда олиш мақсадида ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларни самарали жойлаштириши билан боғлиқ жараёнларни қамраб олади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, банклар активлари ҳажмининг ўсиши билан бир қаторда банк активлари таркибида муаммоли, яъни қайтиши даргумон бўлган активлар ҳажмининг ўсиши, банк активларининг муаян соҳага йиғилиб қолиши натижасида активлар таваккалчилиги даражасининг ортиши, банкда даромад келтирмайдиган активлар ҳажмининг меъёр даражасидан ошиб кетиши каби салбий ҳолатларнинг юзага келиш эҳтимоли ҳам ортади. Фикримизча, бундай шароитда банкларда самарали менежмент тизими, яъни мақбул бошқарув механизмини ривожлантириш асосий масалалардан ҳисобланади.

Банк менежменти молиявий менежментнинг асосий бўғини сифатида ўзида банк фаолиятини самарали ташкил этиш, бошқариш ва истиқболли ривожлантиришнинг аниқ механизмини қамраб олади. Замонавий банк менежменти тизими банкни ривожлантириш, молия инструментларини ҳамдахудларда банк тармоқларини кенгайтириш, рақобат сиёсатини тўғри йўлга қўйиш, мулоқот стратегиясини ривожлантиришни самарали бошқаришга оид муносабатларни мужассамлаштиради.

Банкларда активларни бошқариш масалалари банк менежментининг асосий йўналиши саналади. Бунда банк менежментининг муҳим унсурларидан ҳисобланган – режалаштириш, таҳлил (мониторинг), мувофиқлаштириш, назорат (баҳолаш) тамойиллари банк активларини бошқаришнинг ташкилий асосларини ифода қилади. Шунингдек, банкларда активларни бошқариш тизими пассивлар, ликвидлик, самарадорлик, ходимларни бошқариш каби банк менежментининг таркибий қисмлари билан ҳам chambarchас боғланган. Банк активларини бошқаришда стратегик, таваккалчилик, сифат, маркетинг, инновация каби менежментнинг тури усулларидан фойдаланиш зарурати асослаб берилган.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасини кўрсатишича, банк активларини бошқариш, активларнинг самарадорлик даражасини сақлаб туриш, актив операциялар ҳажмини ошириб бориш банкларни ривожлантиришнинг асосий омили ҳисобланади. Бундай вазиятда банк активларини тўғри бошқариш орқали банкнинг ресурслар базасини мустаҳкамлаш, актив амалиётларни кўпайтириш асосида банк даромадини ошириш талаб қилинади. Бундан ташқари, молия бозорида банкларнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш, мижозлар, акциядорлар ва омонатчилар манфаатларини тўлиқ қафолатлай оладиган банк механизмини шакллантириш кўп жиҳатдан банкларда активлардан самарали фойдаланиш, харажатлар самарадорлигини ошириш каби бир қатор ички имкониятлардан кенг фойдаланишни талаб этади.

Активларни бошқаришда асосий эътибор таваккалчиликнинг энг паст даражаси шароитида даромадлар ва харажатлар орасидаги ижобий фарқни мумкин қадар ошириш ёки уни жуда бўлмаганда барқарор даражада сақлаб туришга қаратилиши зарур.

Баҳс мунозаралар учун саволлар

1. Риск ва унинг иқтисодий моҳияти деганда нимани тушунасиз ?
2. Банк rischi, унинг моҳияти, юзага келиш сабабларини келтиринг ва банк riskига қайси омиллар таъсир этади?
3. Банк riskларини бошқариш қандай усуллари мавжуд?

2-мавзу. Банк riskларини юзага келтирувчи ва уларнинг даражасига таъсир этувчи омиллар таснифи

Режа:

2.1. Riskларни юзага келтирувчи ва уларнинг даражасига таъсир этувчи омиллар таснифи ва уларни бошқариш зарурияти.

2.2. Банкларнинг молиявий riskларини таҳлил қилиш усуллари. Riskларни бошқариш усуллари.

2.3. Банк riskларини аниқлашга ёндашувларни шакллантириш.

2.4. Банк riskларининг сабаб ва оқибатларини ўрганиш ва уларни гуруҳлаш.

Калит сўзлар: кредит риск, операцион риск, валюта rischi, капитал rischi, ликвидлилик rischi, фоиз rischi, riskни аниқлаш, riskни баҳолаш, riskни бошқариш, метод, усул, вариация.

2.1 Riskларни юзага келтирувчи ва уларнинг даражасига таъсир этувчи омиллар таснифи ва уларни бошқариш зарурияти.

Турли омилларни иқтисодиётга таъсир этиш табиати ва қонуниятлари иқтисодиёт субъектлари томонидан кўпинча доимо узлуксиз, ўз вақтида аниқ ва тўла идрок қилиниши қийин бўлганлиги сабаби ва шу муносабат билан

табиатан эҳтимолий бўлган рискларни молиявий хизматлар бозорида вақти-вақти билан вужудга келиши туфайли унда содир бўлувчи riskли ҳодисалар, жараёнлар ва ҳатти-ҳаракатлар ҳозиргача бу бозорнинг асосий муаммолардан бўлиб келмоқда.

Кредит рискнинг юзага келишига қуйидаги ҳоллар:

а) турли хил макро ва микроиқтисодий омилар, иқтисодий қонунилик ва меъёрлардаги ўзгаришлар;

б) қарз олувчи ўз фаолиятида бўладиган иқтисодий ва сиёсий муҳитдаги ўзгаришлар, салбий ҳоллар туфайли олинган кредитни тўлашга мос пул оқимини ташкил қила олмаслиги;

в) кредитнинг таъминланганлиги учун олинган гаровнинг қиймати ва сифати бўйича тўлиқ ишончнинг йўқлиги;

г) юқори билимга эга бўлган банк ходимлар ва мижозларнинг камёблиги;

д) қарз олувчи субъектнинг маҳаллий ёки давлат миқёсида обрўсининг тушиб кетиши, унинг ишчанлик фаолиятида юзага келган ўзгаришлар ва бошқа сабаблар бўлиши мумкин.

Кредит riskи ташқи омилларга (бозор ҳолати билан, иқтисодий муҳит ҳолати билан боғлиқ) ва ички омилларга (банкнинг ўзининг хато фаолияти сабаб бўлган) боғлиқ бўлади.

Ташқи омилларни бошқариш имкониятлари чекланган бўлса ҳам, аммо ўз вақтидаги ҳаракатлар билан банк ушбу омилларнинг таъсирини юмшатиши ва йирик зарарларни бартараф қилиши мумкин.

Банкда кредит рискнинг юзага келиши биринчидан пухта ишлаб чиқилган кредит сиёсати ва унда қайд этилган мижозлар билан бўладиган операцияларга тегишли умумий йўриқномаларнинг мавжудлигига; иккинчидан, ушбу йўриқномаларни ҳаётга тадбиқ этаётган банк ходимларининг билим даражасига ва ҳаракатларига, яъни riskни бошқариш қобилияти банк раҳбарларининг омилкорлигига, ҳамда кредит шартномаларининг шартларини ишлаб чиқувчи, кредит лойиҳаларни танлаб олувчи банк ходимларининг малака даражасига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси кредитлаш тизимини ривожлантириш қуйидагиларга боғлиқ:

1.Банклар ва бошқа махсус кредит институтларининг кредит бериш ҳажми, улар томонидан жалб қилинган кредит ресурслари миқдориغا боғлиқдир. (1:10):

2.Банклар томонидан кредит бериш тижорат асосига мўлжалланган (арзон олиб - қиммат сотиш ва маржа):

3.Кредит бериш, олиш, қоплаш, назорат қилиш кредит олувчи в банкнинг келишувига яъни кредит шартномасига асосланади:

4.Кредитлашда ҳозирги кунда асосий бўлиб яъни бирламчи бўлиб кредит субъекти, сўнг эса кредит объекти ҳисобга олинади:

5.Кредитлаш миқдори (ҳажми) банк бўйича (потенциали) Марказий банкнинг иқтисодий нормативларига боғлиқдир (Н1 - капитал етарлиги, банк

ликвидлиги, мажбурий захира миқдори, қайта молиялаштириш ставкаси ва бошқалар).

Баъзи бир миждозлар кредит олиш, уни тўлдириш жараёнида олдинги даврдаги каби кредит объектлари бўйича хужжат, баъзи бир миждозлар эса янги усул ёрдамида кредит олиш учун ҳаракат қиладилар.

Кредит бериш тизимининг янги замонавий белгиларидан кейингиси бу банклар томонидан юқори даражада қафолатланган, банк ссудаларини беришни ташкил қилишдир. Рискларни бошқариш жараёнида асосий эътибор уни баҳолашга қаратилади. Рискни баҳолаш–унинг даражасини миқдорий ёки сифат ўлчамлари билан аниқлашдир.

Банкнинг фоиз сиёсати кредит сиёсатининг асосий бўлими ҳисобланади. Бу сиёсат турли кредитлар ва қарздорлар бўйича белгиланувчи фоиз ставкаларини аниқлашда фойдаланиладиган қуйидаги 3 омилларни ўз ичига олади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси;

2. Кредит ресурслари (ўз ва жалб қилинган маблағлари) манбалари;

3. Кредитлаш, қарздорлар турлари ва йўналишлари. Молиявий рискни бошқариш кўп хилма-хил ва баъзан бир-бирига зид бўлган реал асосларга эга бўлган молиявий рискларнинг кўп қиррали табиати ва намоён бўлиши билан боғлиқ бўлган мураккаб фаолият туридир.

Рискларни бошқариш бу рискларнинг пайдо бўлиш эҳтимолини камайтирадиган ёки уларнинг оқибатларини локализация қиладиган усул ва услубларни мажмуини амалга ошириш жараёнидир⁴⁰.

Бизнинг фикримизча рискларни баҳолаш бу-махсус техник воситалардан фойдаланган ҳолда корхонадаги салбий молиявий оқибатларни олдиндан кўриш, минималлаштириш ва зарарсизлантириш мақсадида рискларни аниқлаш, баҳолаш, олдини олиш ва суғурталаш билан боғлиқ фаолият мажмуасидир.


2.2 Банкларнинг молиявий рискларини таҳлил қилиш усуллари. Рискларни бошқариш усуллари.

Ҳозирги кунда рискларни бошқариш масаласида асосий эътибор фаолиятнинг молиявий соҳаларида иштирок этадиган ташкилотларга қаратилмоқда, чунки хатарларни бошқариш ва бошқариш муаммолари анъанавий равишда молиявий институтларнинг кундалик фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Рискларни бошқариш жараёни тўрт босқичдан иборат. Биринчи босқичда корхона рисклари аниқланади, иккинчи босқичда риск даражаси таҳлил қилинади ва миқдори белгиланади, учинчи босқичда рискларни бошқаришнинг ўзига хос усуллари танланади ва тўртинчи босқичда ушбу усуллар амалга оширилади ва эришилган натижалар баҳоланади⁴¹.

⁴⁰ Финансовый менеджмент / Под ред. Е.И. Шохина. – М.: КНОРУС, 2011. – С.67.

⁴¹ Абасова Х.А. Развитие методов управления финансовыми рисками в организациях нефтесервиса. дис. на соискание уч. степ. к.э.н.М., 2015г. С.43.



5-расм - Молиявий рискларни бошқариш жараёнининг босқичлари

Ушбу 5-расмда рискларни бошқариш босқичлари келтириб ўтилган. Биринчи босқич қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади: 1) умуман корxonанинг молиявий-иқтисодий фаолияти билан боғлиқ риск омилларини аниқлаш; 2) ташкилотнинг молиявий рискларининг ташқи ва ички (тизимли ва тизимсиз) турларини аниқлаш; 3) корxonанинг бўлажак молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ молиявий таваккалчиликларнинг умумий портфелини шакллантириш; 4) аниқланган молиявий рисклар портфели асосида корxона молиявий-иқтисодий фаолиятининг энг рискли турлари ва соҳаларини (улар юзага келадиган хатарларнинг кенглиги мезони бўйича) аниқлашдан иборатдир.

Менежмент босқичлари ичида энг асосийси иккинчи босқич - молиявий рискларни таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳисобланади. Айнан шу босқичда мумкин бўлган зарар эҳтимоллиги аниқланади ва риск миқдори аниқланади. Таҳлил сифат ва миқдорий усулларида иборат бўлиши мумкин. Сифат таҳлилида пайдо бўлиши мумкин бўлган риск турлари аниқланади, риск даражасига таъсир қилувчи омиллар ўрганилади. Миқдорий таҳлил натижасида молиявий рисклар ва уларнинг айрим кичик турларига жами пул зарарининг ўзига хос ҳажми аниқланади.

Кредит муносабатларида кредиторлар кредитга ёки қарзга берилган сумманинг ўз вақтида қайтиб тўланишини ва мўлжалланган фоиз ставкаларини белгиланган вақтда олишни кутадилар. Улар рискдан қочадилар, кредит беришгача у билан боғлиқ риск даражаси билан қизиқадилар, уни аниқлайдилар ва ўзлари учун риск даражаси минимал бўлган ҳолларда кредит ажратиш тўғрисида ижобий хулоса қабул қиладилар. Лекин кредитор томонидан кутиладиган натижа ҳар доим ҳам у ўйлаганидек бўлмаслиги мумкин.

Кредит рискини бошқаришнинг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат.

1. Кредитнинг мақсади, яъни бошқариш стратегияси детерминантларини аниқ белгилаб олиш.
2. Турли кредитларнинг даромадлилик даражаси тўғрисидаги тахминга эга бўлиш.
3. Танлаб олинган воситаларнинг оқилона насбатини таъминлаш мақсадида тахминлар устуворлигини аниқлаш.

4. Портфел таркибида туб ўзгаришларга сабаб бўлувчи омилларни доимий тарзда таҳлил қилиш ва ўрганиш.

5. Портфел фаолиятини баҳолаш, яъни кредит рискига нисбатан портфелдан олинадиган даромадларга баҳо бериш.

Тижорат банклари хар бир аник келишувларида фоиз меъерини ҳисоблаганда куйидагилар эътиборга олинади:


- таъминланган ссудалар буйича энг кредитга лаёкатли миждозлар учун аник муддатга бериладиган базавий фоиз ставкасининг даражасини;

- хар бир алохида келишувнинг шартларини инобатга олган холда таваккалчилик учун кушимча тулов.

Марказий банк эмиссия маркази сифатида макроиктисодий даражадаги пул айланиши ҳамда банк тизимининг ликвидлиги нуқтаи назаридан тижорат банкларининг улар томонидан жалб қилинган маблағлардан фойдаланиш имкониятларини доимий равишда тартибга солиб туради.

6-расмда сифат ва миқдорий таҳлилнинг асосий усуллари келтирилган. Сифат таҳлилни турли усуллар билан ўтказиш мумкин, уларнинг асосийлари аналоглардан фойдаланиш ва эксперт баҳолашдир. Молиявий рискларни миқдорий таҳлили математик ва статистик усуллар ёрдамида амалга оширилади.

Умуман олганда ушбу муаммони баён қилиш пайтида мавжуд бўлган дастлабки маълумотларнинг хусусиятига ва ноаниқликни тавсифлаш учун танланган усулга қараб, рискнинг оқибатларини баҳолаш учун бугунги кунда куйидаги математик моделлар энг кенг тарқалган: детерминистик; стохастик; лингвистик ва стохастик бўлмаган (ўйин).



6-расм Хўжалик юритувчи корхонанинг молиявий рискларини таҳлил қилиш усуллари.

1. Детерминистик моделлар сабаблар ва риск омилларининг табиати аниқланганда ва ҳар бир ҳаракатга нисбатан маълум бир натижага олиб келиши маълум бўлсагина қўлланилади. Бундай ҳолда молиявий рискни тавсифлашнинг математик воситалари таҳлил ва дастурлашнинг классик математик усуллари, математик мантиқ ва бошқалардир.

2. Стохастик моделлар сабаблар ва риск омилларининг тасодифийлигини тахмин қилади, шунинг учун риск маълум тўпламдаги эҳтимолликнинг тақсимоти билан тавсифланади. Стохастик моделлардан оқилона фойдаланиш учун зарурий шарт - бу аниқланмаган ўзгарувчи тўғрисида статистик аҳамиятга эга бўлган аввалги маълумотларнинг мавжудлигидир.

3. Лингвистик моделларда ноаниқлик асоан оғзаки берилган тегишлилик функцияси билан тавсифланади. Тегишлилик функциясини тузиш учун потенциал ҳодисанинг предметга тайёрлик даражаси бўйича эксперт хулосаларидан қўлланилади. Бундай ҳолда, лойиҳада мантикий аппаратлар қўлланилади ва воқеаларнинг такрорланишига ишонч талаб қилинмайди.

4. Стохастик бўлмаган (ўйин) моделини тузишда, риск ҳодисаси оқибатларининг фақат потенциал амалга оширишга қодир индивидуал қийматлари тўплами кўрсатилади. Уни кенгроқ ёритиш мақсадида математик ва статистик ўйинлар, ёрдам назарияси ва бошқалар ишлатилади.

2.3 Банк рискларини аниқлашга ёндашувларни шакллантириш.

Рискнинг оқибатларини баҳолаш модели умумлаштирилган шаклда куйидагича кўрсатилиши мумкин:

$$F = f(P, I) \quad (1)$$

бу ерда: F - риск ҳодисаси оқибатларини баҳолаш;

P - рискли ҳодисанинг эҳтимоли;

I - рискли ҳодисанинг мумкин бўлган оқибатлари.

Умуман олганда, рискларни баҳолаш моделини яратиш сабаблар ва риск омилларининг ўзгарувчанлиги сабабли уларнинг натижаларини аниқлашни қийинлаштиради. Шунинг учун рискларни баҳолаш моделларини ишлаб чиқиш ва асослаш, сабаблар ва риск омиллари тўғрисидаги дастлабки маълумотларнинг моҳиятини, ўрганиш мақсадини чуқур таҳлил қилишни талаб қилади.

Молиявий вазиятни моделлаштириш математик моделларга асосланади. Бошқарув қарорларини қабул қилишда молиявий рискни баҳолаш мақсадида молиявий соҳада моделлаштиришнинг йўналишларидан бири бу рискли вазиятларни моделлаштиришдир.

Математика нуқтаи назаридан, $C(t)$ қимматли қоғоз баҳоси одатда у ёки бу тасодифий жараён орқали моделлаштирилади. Ушбу жараённи тасвирлаш учун дастлабки тасодифий моделлаштириш жараёни 1900 йилда

Л. Башелье томонидан "Theorie de la speculation " номли диссертациясида кейинчалик эса Н. Н. Винер томонидан таклиф қилинган эди.

Л. Башелье ва П. Самуэльсоннинг моделлари фонд бозорларидаги нархларнинг ўзгаришини тавсифласа ҳам, улар рискларни бошқариш модели эмас, аксинча уларнинг ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилди.

Рискли вазиятларда молиявий фаолиятни моделлаштиришни ривожлантиришнинг навбатдаги босқичи 1950 йилларда туғилган портфел инвестициялари назарияси эди. У хавфли инвестициялар учун даромадларни аниқлашда оқилона ёндашувни таклиф қилди, инвесторларнинг "барча тухумларини битта саватга солмаслик"га инстинктив уринишлари учун илмий асос яратди. Ушбу назарияни ташкил этадиган ғояларнинг аксарияти Г. Марковицга тегишли. У портфел тузулмасининг асосий тамойилларини баён қилди.

Марковиц портфелининг назарияси илк бор 1952 йили «Молия журналы»да "Portfolio Selection" мавзусида чоп этган. Унда, у биринчи муайян шароитларда остида **оптимал портфели ва портфелни қурилиш техникасини математик моделини таклиф қилди**. Марковиц асосий эътиборни расмий математик тилда оптимал портфелини танлаш вазифасини ўтказиш учун даромад ва риск тушунчаларини таклиф қилган эди.

Г. Марковиц назарияси молиявий рисклардаги ҳақиқатни соддалаштирадиган бир қанча тахминларга асосланади:

1) инвестициялаш тўғрисида қарор қабул қилишда инвестор фақат иккита мезон - инвестицияларнинг даромадлилиги ва таваккалчилик даражаси асосида фаолият юритади. Даромадли қимматли қоғозлар даромадлилиги тахминлар асосида қабул қилинади;

2) инвестор ўзини оқилона тутди: даромадлилиги бир хил бўлган иккита инвестиция объекти ичида у риск даражаси паст бўлган объектни танлайди. Рисксизлик ва риск қайтиши стандарт оғиши тахмин сифатида қаралади.

3) сармоядорлар даромадни максимал даражада оширишга интилишади. Риск ва даромадни ҳисоблашда ишлатиладиган тарихий маълумотлар, тўлиқ ҳосилавий қимматли қоғозларнинг келажагини тахмин қилади;

4) сармоядорлар кутилмаларининг бир хиллиги билан ажралиб туради, яъни. уларнинг келажакдаги даромадлари ва риск ўлчовлари ҳақидаги тахминлари бир хил. Чизикли корреляция коэффициенти билан қимматли қоғозлар ўртасидаги муносабатлар кўлами тахмин қилинади.

Марковиц портфели ҳосилавий қимматли қоғозлар моделига кўра - бир оғирли ва ўртача даромадли қимматли қоғозлар, унинг таркибий қисмларидир, у қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$R_p = \sum_{i=1}^N W_i \cdot r_i, \quad (1)$$

Бу ерда:

N - портфелидаги қимматли қоғозлар сони;
 W_i - портфелидаги қимматли қоғозлар, салмоғи;
 R_i - қоғоз рентабеллиги.

Портфелининг ўртача стандарт оғиши қимматли қоғозлар портфел
 риски билан белгиланади:

$$\sigma_p = \sqrt{\sum_{a=1}^N \sum_{b=1}^N (W_a \cdot \sigma_a \cdot W_b \cdot \sigma_b \cdot \rho_{ab})} \quad (2)$$

Бу ерда:

W_a, W_b - портфелидаги қимматли қоғозларнинг улиши;

σ - Бу қимматли қоғозлар (стандарт оғиш) хавфи;

ρ_{ab} - Чизикли корреляция коэффициенти.

Марковиц модели асосий камчилиги - қимматли қоғозлар кутилган даромади олдинги даврлардаги ўртача ҳосилдорлигига тенг бўлиши керак. Шунинг учун, фонд бозори ривожланган давлатларда Марковиц моделидан самарали фойдаланишади, у фонд бозорида ҳаёт қисқа ёки узоқ даври бўлган, ҳар хил турдаги қимматли қоғозлари портфелини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

1973 йилда эълон қилинган Блэк-Шоулз формуласи опционларнинг нархларини субъектив-интуитив аниқлашлардан қочиш ва мазкур назарияга асосан бошқа ҳосилавий инструментларни ҳам нархини ҳисоблаш имконини берди. 70 йиллар бошларида ҳосилавий инструментларни ҳисоблашда математиканинг қўлланилиши революцион ҳисобланарди.

Математиканинг қўлланилиши рискни аниқ миқдорда ҳисобланиши имконини бермаса ҳам инвестор учун ўзига қабул қиладиган рискнинг даражаси ҳамда кутиладиган мукофот қиймати тўғрисида хулоса чиқариш имконини беради.

Бу формула эвропа вариантлари (опционлари)ни молиявий нархини назарий ҳисоблаш учун савдогарлар ва инвесторлар томонидан жаҳон молия бозорларида ишлатилади.

Ушбу формула кузатилган бозор нархларига жуда яқин нархларни чиқариб беради. Блек-Шоулз формула мураккаб математика талаб қилмайди. Яхшиямки, уни ишлатиш учун савдогарлар ва инвесторларга математикани пухта билиш керак эмас.

Улар молиявий ҳисобни зарурий тушунчаларинигина билиб олишлари керак ҳолос. Бунинг учун зарур омиллари:



7-расм. Опцион нархларини ҳисоблаш босқичлари.

Юқорида келтирилган 7-расмдаги моделнинг афзаллиги шундаки, Блэк-Шоулз модели опционни ҳисоблаш давомида дивидендларни ўз ичига олмайди; модел бир неча қийматли опционларни тез ва яқин эҳтимолликда ҳисоблаб беради ва ниҳоят ушбу модел берилган вақт давомида келажақда кутиладиган нарх ҳаракатини олдиндан аниқлайди.

Блэк-Шоулз моделида опционлар нархларнинг шаклланиши ва ҳисоблаш формуласида опцион қуйидаги функцияларнинг кетма-кетлиги сифатида қаралади:

Базавий активнинг қиймати ва страйк нархи (амалга ошириш қиймати). Опцион қийматига таъсир этувчи муҳим омил бўлиб активнинг опциони ҳамда страйк қиймати ўртасидаги нисбат ҳисобланади. Бу нисбат опционнинг даражасини (“пулда” ёки “пулсиз”) ҳамда опционнинг ички қиймати (базавий активнинг колл ва пут опционларнинг страйк қийматидан катта ёки кичиклигини) аниқлайди. Опционнинг амалга ошишига қолган муддат. Вақт опционларни сотиб олувчига қарши ишлайди яъни пулсиз опционларнинг нархи унинг амалга ошиш вақти яқинлашган сари тушаверади. Бу эффект «вақт томонидан бузилиши» деб аталади (time decay). Опционнинг амалга ошишига узок муддатнинг борлиги катта миқдордаги ноаниқликдан далолат беради.

Тебранишлар даражаси. Бу кўрсаткич базавий активнинг нархларнинг тебранишларига таъсирчанлигини кўрсатади. Пулдаги опционларнинг мукофоти базавий активнинг нархдаги ноаниқликларига тўғри пропорционал ҳисобланади.

Дивидендлар. Дивидендларининг оширилиши колл опционнинг нархини тушиши ва пут опционнинг нархининг кўрарилишига олиб келади, сабаби дивидентлар тўлови опцион асосида турган акцияларнинг нархини дивидент миқдирида камайтиради. Дивидендлар акцияларни сотиб олиш ва сақлашни нақд маблағларни колл опцио билан сотиб олиш ва сақлаб туришдан кўра жозибadorлигини оширади. Аксинча қисқа муддатда

сотувчилар дивидентлар тўловини назарда лозим шу сабабали акцияларни қисқа муддатда сотишдан кўра пут опционларни сотиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фоиз ставкалар даражаси. Ўсувчи фоиз ставкалари базавий акцияларнинг форвард нархини оширади яъни опцион даврида акция нархи ва рисксиз активлар ставкаси йиғиндиси. Моделда форвард нархи деганда опционнинг муддати тугаганда акциянинг нархи тушунилади.

Блэк ва Шоулз томонидан киритилган ўзгартишлар рисксиз активлар процент ставкаси аниқ дисконт кўпайтувчиси бўлиши ва улар инвесторларнинг йўл қўйиши мумкин бўлган эҳтимолларини ўзига оладиган риск тушунчасига ўзгартиришга хизмат қилди.

Формулада тўртта ўзгарувчи иштирок этади: (1) опционнинг амал қилиш муддати, (2) нарх, (3) фоиз ставкалари даражаси, (4) опцион учун тўланадиган мукофот ёки бозор тебранишлари даражаси.

$$C = SN(d_1) - Ke^{-rt}N(d_2) \quad (3)$$

C – колл опцион учун назарий мукофот даражаси;

S – базавий акцияларнинг жорий нархи;

t - вақт, опционнинг амалга ошириш муддатининг йилдаги ифодаси (қолган кунлар сони/365 кун);

K – опционни амалга ошириш нархи (страйк нарх);

r – рисксиз активлар бўйича фоиз ставкаси;

N(x) – стандарт куммулятив тақсимот;

e - экспонент (2,7183).

$$d_1 = \frac{\ln(S/K) + (r + \frac{s^2}{2})t}{s\sqrt{t}}$$

$$d_2 = d_1 - s\sqrt{t} \quad (4)$$

s – базавий акцияларнинг нархининг йиллик стандарт четланиши (тарихий волатиллик). Нархнинг стандарт четланишини қолган кунлар сонини 260 (йил давомида савдо амалга ошириладиган кунлар сони) дан айирган ҳолад кўпайтмасини квадрат илдизи орқали ҳисобланади ln - натурал логарифм.

Моделнинг моҳиятини тушуниш учун уни икки қисмга бўламиз. Биринчи қисм, SN(d1), энг базавий акциялардан кутидиган даромадни ифодалайди. Уни ҳисоблаш базавий акциялари қийматини [S] колл опционлар мукофотини базавий активлар курсини [N(d1)] ўзгаришига кўпайтириш орқали ҳисобланади.

Блэк-Шоулз моделида назарда тутилиши лозим бўлган омиллар.

1) Опцион тугашига қадар базавий акцияларга дивидентлар тўланмайди. Кўпгина компаниялар ўзларининг акционерларига дивидентлар тўлашади, шу сабабли ушбу моделда мазкур омил юқори даражадаги дивидентлар колл опционлар бўйича мукофот қийматини тушириш

юборишини инобатга олганда жуда муҳим ҳисобланади. Бу ҳолатда моделга тузатишлар киритиш учун оддий йўл бу базавий акциянинг келгуси қийматидан дисконтлашган қийматни айириш ҳисобланади.

2) Европа опционларида вақтинчалик муддатлардан фойдаланилади. Европа опционлари фақатгина ўз муддатини охири кунида амалга оширилса, америка опционлари амал қилиш муддатининг хоҳлаган вақтида амалга оширилиши мумкин ва бу америка опционларининг эгилувчанлигини сабабли бошқаларга қараганда жозибалироқ қилади.

3) Бозорлар самарали ҳисобланишади. Бу омил одамлар ҳар доим ҳам бозорнинг ёки алоҳида олинган акциянинг йўналишини олдиндан айтиб бера олишмслиги билан изоҳланади. Фонд бозори харакати тўхтовсиз харакат қонуни асосида ишлайди деб ҳисобланади бундай тўхтовсиз жараённинг моҳиятини тушуниш учун Марков жараёни билан танишиш лозим-» t ҳолатдаги кузатиш олдинги ҳолатлардаги кузатишлар натижасига боғлиқ бўлади». Жараён Марков жараёнидан ўзининг вақт бўйича тўхтовсиз харакат қилиши билангина фарқ қилади.

4) Ундириладиган комиссия тўловларнинг йўқлиги. Одатда опционларнинг савдосида бозор иштирокчиларидан маълум комиссия тўловлар олинади. Ҳатто залдаги трейдерлар ҳам оз миқдорла бўлса ҳам тўловларни амалга оширишади. Инвесторларга тўланадиган мукофотлар сезиларли миқдорда катта бўлганидан моделни қўллашда юзага келадиган натижадан четланиш ҳолатлари ҳам кузатилади.

5) Фоиз ставкалари даражаси ўзгармас бўлиб қолади ва аввалдан аниқ бўлади. Блэк-Шоулз моделида ўзгармас ва аниқ бўлган ўзгарувчи сифатида рисксиз активларнинг фоиз ставкаси олинади. Амалиётда бундай рисксиз активларнинг фоиз ставкаси бўйича аниқ рақам мавжуд эмас ва одатда бундай мақсадлар учун сўндирилишига 30 кун қолган казначейлик билетлар фоиз ставкалари олинади. Фоиз ставкаларининг тезда ўзгариш даврида 30 кунлик ставкалар ҳам ўзгаради.

6) Модел акция нархларининг логнормал тақсимланшига асосланади. Нормал тақсимланиш моделнинг ажралмас қисми бўлса ҳам экспонентлар тақсимланишни логнормал ҳолатга келтиради. Нормал тақсимланишдан фойдаланишнинг камчилиги шундаки у акция нархининг салбий кўрсаткичларидан фойдаланиш имкониятини бериди.

Маълумки, келгусида корхоналар фаолиятида даромадлилик ва риск даражасини олдиндан 100% аниқ билиб бўлмайди. Лекин, аниқ маълумотлардан фойдаланилган ҳолда келгусидаги эришилиши мумкин бўлган натижаларни маълум бир эҳтимоллик доирасида баҳолаш мумкин.

2.4 Банк рискларининг сабаб ва оқибатларини ўрганиш ва уларни гуруҳлаш.

Тижорат банклари фаолиятида юқорида келтирилган риск турларининг барчаси учраб туради, лекин уларнинг фаолиятига кўпроқ таъсир қиладиган рисклар кредит rischi, ликвидлилик rischi ва фоиз ставкаси rischi

ҳисобланади. Тижорат банклар фаолиятининг асосий қисми кредитлар бериш ва шу асосда фойда олишга юналтирилган бўлганлиги учун улар фаолиятида бу рискларнинг салмоғи ҳам юқори бўлади.

Таснифланган кредитларнинг ҳар қайси гуруҳга кириши даражаси тез сотиладиган активлар ва юқори ликвид маблағларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган "Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича еҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ" ига мувофиқ тижорат банкларининг кредит қўйилмалари таснифланади ва улар бўйича махсус захиралар шакллантирилади.


Кредит портфелининг сифат даражасини таҳлил қилиш қуйидаги босқичлар бўйича яъни:

- 1 - босқич таъминланганлик даражаси бўйича;
- 2 - босқич кредитни ҳақиқий тўлаш ҳолати бўйича;
- 3 - босқич риск даражаси бўйича;

4 - босқич кредит портфелининг туркумланган кредитлар таркиби бўйича амалга ошириш мумкин.

1-чизма

Тижорат банкининг кредитлаш жараёни



Бунда кредитлар юқоридаги белгиларига қараб гуруҳларга бирлаштирилади ва бир гуруҳ бўйича барча кредитлар йиғиб чиқилиб, ҳар бир гуруҳнинг ҳажми тўғрисида ахборот йиғилади, улар таҳлил қилинади ва якунида бутун кредит портфели бўйича маълумотларга эга бўлинади.

5 - босқичда кредит портфели бўйича умумий риск аниқланади. Бунда ҳар бир кредит суммаси бўйича риск даражасига асосланилади.

Олдинги давр билан ҳозирги кундаги банкнинг кредит портфели ҳолати таққослади ва салбий натижага эга бўлинган бўлса, унинг сабаблари аниқланади.

6 - босқич. Кредит портфели сифатига қараб етарли резерв фондини ташкил қилинади.

7 - босқич. Кредит портфелининг ҳолати, таркиби, унга таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олиб банкнинг келажакдаги кредит сиёсати ишлаб чиқилади. Бу сиёсатга:

Кредит ресурсларини ташкил қилиш ва уларнинг қайси мақсадга юналтирилганлиги, қўшимча гарантиялар олиш, кредит шартнома-сининг бажарилиши устидан олдиндан ва кейинги назорат қилиш, кредитлаш жараёнини такомиллаштириш ва бошқалар лозим бўлади.

Кредит портфелини бошқариш-мавжуд кредит ресурсларидан самарали фойдаланиш санъати демак, яъни самарали бошқарув натижасида кредит ресурслари нафақат ўзининг қийматини сақлаб қолади, балки сезиларли даражада даромад келтиради (инфляция даражасидан қатий назар).

Кредит портфелини бошқаришнинг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат.

1. Кредитнинг мақсади, яъни бошқариш стратегияси детерминантларини аниқ белгилаб олиш.

2. Турли кредитларнинг даромадлилик даражаси тўғрисидаги тахминга эга бўлиш.

3. Танлаб олинган воситаларнинг оқилона насбатини таъминлаш мақсадида тахминлар устуворлигини аниқлаш.

4. Портфел таркибида туб ўзгаришларга сабаб бўлувчи омилларни доимий тарзда таҳлил қилиш ва ўрганиш.

5. Портфел фаолиятини баҳолаш, яъни кредит рискига нисбатан портфелдан олинadиган даромадларга баҳо бериш.

Тижорат банкларининг фоиз сиёсати икки асосий юналишни уз ичига олади. Биринчиси, бу банк ресурсларини яратишда маблағларни жалб қилиш жараёнида олиб бориладиган фоиз сиёсати, иккинчиси, банклар томонидан ресурсларни жойлаштириш соҳасида олиб бориладиган фоиз сиёсатидир.

Кредитлар ва депозитлар буйича фоиз тулаш вақтида эмас, балки фойда куриш даврида ҳисобланиб, молиявий ҳисоботларда даврийликка мос акс еттирилиб борилиши лозим. Депозит ва кредитлар буйича ҳисобланган фоизларни ифодалаш учун ҳар бир депозит тури ва кредит буйича алоҳида ҳисобварақлар очилади.

Депозитлар ва кредитлар буйича фоиз ставкалари, уларнинг суммаси, уларни тулаш вақти даври, тулаш шартлари ва бошқалар миқдор билан банк уртасида келишиб олинади ва тузиладиган шартномада акс еттирилади. Кредитлар буйича фоиз ставкалар кредитнинг муддати, қарз олувчи томондан тавсия қилинган гаров ҳолати ва қиймати, унинг ликвидлигига, кредит ресурслари баҳосига, кредит таваккалчилигининг даражасига қура

тижорат банки томонидан мустакил белгиланади ва у кредит шартномасида акс еттирилади. Кредит буйича фоизлар муддати келганда, мемориал ордер билан расмийлаштирилиб, мижознинг асосий талаб килиб олингунча булган депозит варагидан график буйича ундириб олинади.

Фоизларни ҳисоблаш қуйидаги формула буйича амалга оширилади:

сумма*фоиз ставкаси*амалдаги кунлар сони

365

Банклар орасидаги ресурсларни жалб қилиш учун рақобатли курашда муҳим восита бўлиб турлича фоиз сиёсати ҳисобланади, чунки қўйилган маблағларга даромад олиш мижозларнинг қўйилма қўйишга ундовчи муҳим омил ҳисобланади. Депозит фоиз ставкалари даражасини ҳар бир тижорат банки Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ҳисоб ставкаси, пул бозори ҳолати ва ўзининг депозит сиёсатидан келиб чиқиб, мустакил равишда белгилайди. Депозит счетларининг алоҳида кўринишлари буйича даромад ҳажми қўйилма муддати, суммаси, ҳисобварағини амал қилиш хусусияти, хизматлар ҳажми ва характери ва, ниҳоят, мижознинг қўйилма шартномаси шартларига амал қилишига боғлиқ.

Ликвид маблағларга бўлган эҳтиёжни белгилашда биринчи навбатда нақд пулларни бошқара олиш керак, яъни уларнинг шундай даражасини ўрнатиш керакки нақд пулнинг ҳажми кун давомида мижозларнинг мажбуриятларини бажаришга етиши керак. Иккинчи томондан нақд пулларнинг даромад келтирмаслигини ҳисобга олиб уларнинг энг минимал қийматини кассада сақлаш ўринли бўлади-бу эса жуда мушкул жараёнدير, бундан ташқари, кассадаги нақд пул маблағларининг ҳажми ҳар куни ҳисобкитоб қилиниб ҳисобот тайёрланади.

Тижорат банклари томонидан қачонки банк депозитларини энг барқарор даромад манбаси эканлиги амалиётда халққа кўрсатила олинар экан, шунда банкларнинг депозит базасининг барқарорлигини таъминлаш муаммоси барҳам топишига эришишимиз мумкин бўлади.

Ликвидликни самарали бошқариш қуйидаги омиллар билан таъминланади:

- банк ва унинг атрофидаги муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи, аниқ ифодаланган ва ҳужжатлаштирилган ликвидликни бошқариш сиёсатининг мавжудлиги;

- банкнинг турли бўлинмаларининг мувофиқлаштирилганлиги;

- банк ликвидлик ҳолатининг мониторинги вазифалари юкланган бўлинманинг мавжудлиги;

- маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда банкнинг актив ва пассив ҳолатларини таҳлил қилиш учун ахборот тизимининг мавжудлиги.

Ликвидликни бошқариш сиёсати ликвидликни бошқариш буйича асосий ҳолатларни қамраб олиши ҳамда банкнинг турли хил молиявий воситаларни қўллашга нисбатан муносабатини, масалан, турли молиявий воситалардан фойдаланишини аниқ ифода этиши лозим.

Базель II талабларига кўра, биринчидан, банк ликвидлилик бўлими бошқаруви баланسدан ташқари мажбуриятларга балансдаги мажбуриятлар каби катта эътибор бериши лозим, яъни мажбуриятлар комплекс равишда ўрганилиш лозим;

Иккинчидан, ликвидликни бошқариш стратегияси аниқ ва тушунарли ҳолда бўлиши ва банк кенгаши томонидан тасдиқланиши, назорат қилиниши, мониторинг ўтказишни кучайтириши лозим;

Учинчидан, ликвидлик стратегиясида вужудга келадиган рискнинг даражаси ҳақида бошқарув аъзоларининг воқиф бўлиши зарур;

Тўртинчидан, бошқа операция рискларининг (кредит, бозор ва оператив рисклар) ликвидлик даражасига таъсир этиши ва доимий муқобил вариантларнинг тайёр бўлиши;

Бешинчидан, ҳар бир хорижий валюта тури бўйича таҳлил олиб бориш, чегирмалар белгилаш ва уларни ўзгартириб туриш.

Тижорат банклари фаолиятини Марказий банк томонидан назорат қилишда ҳам муддати ўтган ва муддати ўтмаган брутто кредитлар бўйича жорий назоратни амалга ошириш зарур. Халқаро банк амалиётида қабул қилинган меъёрий кўрсаткич бўлиб, муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи 5 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Тижорат банклари фаолияти банк назорати натижалари бўйича баҳоланганда ана шу кўрсаткичга амал қилиш ҳисобга олинishi зарур. Бу эса тижорат банкларини муддати ўтган кредитлар ҳажмини меъёрий даражада сақлаб туришга ундайди.

Ликвид маблағлар бўйича чораларни таъминлаш қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Ликвидлик даврида олдиндан белгиланган режа бўйича кредит ва депозит маблағларининг ҳажми башорат қилиниши керак;

2. Шу давр учун олдиндан белгиланган режа бўйича кредит ва депозит маблағлари кутиладиган динамикаси ҳисобланиши керак;

3. Ликвидликни бошқариш бўйича бошқарувчи режадаги давр учун нетто-ликвид позициясининг қийматини аниқлаши зарур.

Тижорат банкларининг ресурсларини оптимал даражада ушлаб туришга қаратилган сиёсатни амалга ошириш учун тижорат банклари ўзларининг ликвидлилик ва тўловга лаёқатлилик кўрсаткичларига риоя қилган ҳолда, ушбу норматив кўрсаткичларни таъминлаб туриши учун хизмат қиладиган маблағлардан ҳам унумли фойдаланишни талаб этади.

Шунинг учун ҳам, тижорат банки учун ликвидлиликнинг умумий асоси бўлиб, фаолиятининг фойдалилигини таъминлаш ҳисобланади. Шундай қилиб, агар асосий норматив коэффициентнинг ҳақиқий қиймати ўрнатилган минимал нормадан юқори бўлса, фойда олиш учун ишлатилмаган имконият нуқтаи назаридан банк фаолияти салбий баҳоланади. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, баланс ликвидлигининг таҳлил даромадлилик билан амалга ошириши керак. Тижорат банклар тажрибаси, банклар ликвидлигининг минимал нормасида ишлаши максимал даромад олиши мумкинлиги назариясини яна бир бор исботлади.

Баҳс мунозаралар учун саволлар

- 1.Кредит риск ва унинг иқтисодий моҳияти деганда нимани тушунасиз ?
- 2.Операцион риск, унинг моҳияти, юзага келиш сабабларини келтиринг ва операцион рискга қайси омиллар таъсир этади?
- 3.Ликвидлилик рискини бошқариш қандай усуллари мавжуд?
- 4.Ликвидлилик rischi қайси сабаблардан юзага келади ва уни қайси усуллар орқали бошқариш мумкин?
5. Фоиз rischi ва унга таъсир қилувчи омиллардан қайси бирининг таъсири кучли ҳисобланади?

3-мавзу. Банкларда рискларни бошқариш жараёни бошқичлари ва моделлари.

Режа:

- 3.1.Жаҳон амалиётида кредит рискини бошқариш тажрибаси.
- 3.2.Риск қиймати VAR (value at risk).
- 3.3.Тижорат банклари пасивлари ва активлари билан боғлиқ рискларни бошқариш. ГЭП - таҳлил орқали фоиз рискини бошқариш.
- 3.4.Операцион риск бўйича БАЗЕЛ қўмитасининг тавсиялари ва талаблари.
- 3.5.Тижорат банкларининг фонд бозоридаги операциялари rischi ва портфел rischi баҳолаш ва бошқариш.

Калит сўзлар: фоиз риск, операцион риск, ГЭП, СПРЕД rischi, капитал rischi, ликвидлилик rischi, актив ва пасив операциялар riskни аниқлаш, riskни баҳолаш, riskни бошқариш, метод, усул, VAR (value at risk).

3.1 Жаҳон амалиётида кредит рискини бошқариш тажрибаси.

Олдинги саволларда кўриб ўтилганларга хулоса қилган ҳолда айтиш мумкинки, бугунги кунда иқтисодчи олимлар томонидан корхоналарда рискларни баҳолаш бўйича кўплаб методлар ишлаб чиқилган ва илмий асослаб берилган. Изланишлар натижасида риск менежмент тушунчаси ва соҳаси муомалага кириб келди. Бироқ шуни таъкидлашимиз лозимки, Ўзбекистонда риск-менежменти стандарти мавжуд эмас, уни миллий иқтисодиётга татбиқ этишдан олдин, халқаро андозаларни кўриб чиқиш маъқул ҳисобланади, зеро “Тайёрига қараб тўн бичиш” ҳам осон, ҳам қулай ва энг асосийси, вақтни ва пулни тежайди.

Бу соҳани пайдо бўлиши 1973-йилдаги 3 та муҳим воқеяликлар билан боғлиқ:

- Қатъий белгиланган валюта курслар сиёсатининг тугаши (Bretton-Vuds тизимининг қулаши);
- Чикаго опционлар биржаси иш фаолиятини бошланиши (Chicago Board Options Exchange);

- Америка иқтисодчилари Блек, Шоулз ва Мертонларнинг опционлар қийматини ҳисоблаш модели (европача) нашр этилиши.

Молиявий-риск менежменти ривожланиши, асосий молиявий рискларни баҳолашнинг янги метод ва ёндошувлари шаклланган 3 босқичдан ўтди, улар:

Биринчи сифат босқичи, молиявий рискларни баҳолаш, назорат ва бошқаруви методологияси соҳасидаги, 1980-йиллар охири – 1990-йиллар бошидаги риск меъёри қиймати модели VaR (Value-at-risk, “рискдаги қиймат”) пайдо бўлиши билан боғлиқ. VaR молиявий инструмент билан эгалик қилгандаги йўқотишнинг мутлоқ максимал ҳажмини кўрсатади. VaR кўрсаткичи биринчи навбатда, йирик молиявий институтлар томонидан маъқуллангандан кейин, молия бозори бошқарувчилари томонидан эътироф этилган. Бунда эҳтимол сўнгиси бўлиб, 1994 йилда Ж.П. Морган банки томонидан RiskMetrics тизимида рискларни бошқариш методологиясини очилиши бўлди. Шундай қилиб, молиявий риск-менежмент соҳасидаги биринчи сифатий юксалиш бозор рискин баҳолаш, назорат ва бошқариш билан боғлиқ бўлди.

Молиявий риск-менежментни ривожланишининг иккинчи босқичи 1990-йилларнинг иккинчи ярмига тўғри келиб, кредит рискин баҳолаш ва назорати билан боғлиқ. Бу ерда ҳам Ж.П. Морган банки ўзининг бозор рискин баҳолаш ва назорат методи билан ссуда портфелининг кредит рискин баҳолаши методи умуллаштириб намоён қилиши ва 1997-йилда банк томонидан ишлаб чиқилган CreditMetrics тизими риск қилувчиларда бозор ва кредит рисқи оқибатларини эҳтимолий ёқотишлари кўрсаткичинини интеграл ҳисоблаб чиқиш имконияти пайдо бўлди. Бу биринчи мартда молиявий рискларда қўллаш мумкин бўлган, интеграциялашган риск-менежменти ҳақида гапиришга имкон берди.

Учинчи босқич 1990-йиллар охирида бошланди ва йилдан-йилга жараён ривожланиб борди. Бу босқич олдинги босқичларга нисбатан, классик молиявий рискларга эмас, бевосита операцион рискларга алоқадорлиги билан ажралиб туради. Ҳозирги вақтда молия бозори қатнашувчилари операцион риск баҳолашга умумий “operation VaR” каби, микродорий ёндошув ишлаб чиқишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу операцион рискларни микродорий назорати, молиявий рискларни назорати билан биргаликда қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларига қабул қилинаётган рискларни тўлиқ баҳолашга эришиш имкониятини беради деб ҳисобламоқдалар.

Ушбу методларни қуйидаги иккита гуруҳга ажратишимиз мумкин⁴²(2005)

1) Рискларни баҳолашнинг статистик методлари: даромадлиликнинг стандарт четланиши (σ); Value at Risk методи; CVaR методи.

2) Рискларни баҳолашнинг эксперт методлари: рейтинг методлари; баллик методлар; Дельфи методи.

⁴² Бланк И.А. Управление финансовыми рисками. М.: Ника-Центр, 2005. С. 259-261.

Охирги йиллардаги молиявий рискларни баҳолашни 4 та асосий йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин, булар:

Сезгирлик таҳлили – ташқи омилларнинг ўзгаришига сезгирлик тадқиқотини ценарий методи

Тебранувчанлик (волатильность) таҳлили - умумий кўрсаткичга нисбатан кутилган қийматнинг ўзгариш ўлчовини ўрганиш;

Негатив риск таҳлили (downside risk). VaR методи бошқа риск таҳлили методларига қўшимча тарзда қўлланилади. Бундан ташқари, LVaR ва SaR методлари ҳам машхур.

Нисбий таҳлил - benchmark билан таққослаш орқали рискни кўриб чиқади (танланган индексда).

3.2 Риск қиймати VAR (value at risk).

Ҳар бир метод асосида аниқланган молиявий риск даражаси турли хил чиқсада, аммо миқдоран бир-бирига яқин чиқади. Даромадлиликнинг стандарт четланиши методи амалиётда рискларни баҳолашнинг кўп учрайдиган методларидан бири бўлиб ҳисобланади. Аммо ушбу метод рискларни баҳолашнинг Value at Risk методи таркибида ҳам қўлланилади. Демак Value at Risk методи кенгроқ ва нисбатан рискларни баҳолашда аниқлилик даражаси юқори бўлади. Шу сабабли қуйида Value at Risk методининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тўхталиб ўтамиз. Value at Risk методи айрим ҳолатларда Монте Карло методи деб ҳам юритилади.

Рискларни баҳолаш усулининг ҳозирги кундаги энг замонавий усулларидан бири VaR (Value at Risk) орқали амалга оширилади. VaR – бу статистик жиҳатдан ёндашув бўлиб, бу орқали рискларни баҳолаш жараёнида эҳтимолликлар тақсимоти асосий тушунча ҳисобланади. Бу эҳтимолликлар бозордаги ҳар қандай иқтисодий омилларнинг қийматлари билан боғлиқ ҳолда баҳоланади. Бу усул орқали молиявий рискларни баҳолаш мураккаб математик формулалар орқали амалга оширилади.

VaR –жуда осон ва интиютив концепция бўлишига қарамасдан, унинг ҳисобланиши жуда қийин статистик муаммодир. VaR ни ҳисоблаш усуллари одатда параметрик ва нопараметрик моделларга бўлинади. Параметрик моделлар риск омили тақсимланишининг статистик кўрсаткичлари асосида бўлади, нопараметрик модел эса симуляция ёки тарихий моделлардир.

Одатда VaR нинг ҳисоблашда қўлланиладиган методлар 3 та категорияга бўлинади:

- Тафовут – қоплаш методлари.
- Тасвирлаш методлари.
- Энг кўп қиймат назарияси методлари.

Тафовут-қоплаш ёндашуви параметрик ёндашув ҳисобланади. Бу фараз бозор параметрларида ўзгаришлар ва портфел қиймати меъёрий тақсимланишига асосланади.

Тарихий симуляция. Энди нопараметрик методларга тўхталсак, тарихий симуляция – амалга ошириш учун энг қулай ёндашувдир. Бу мантиқан жуда оддий, жорий портфел VaR ни ҳисоблаш учун тарихий бозор

маълумотларидан фойдаланилади. Тарихий симуляциянинг биринчи қадами бу портфелдаги инструментларни аниқ даврда ушбу инструментлар учун вақт серияларини кулга киритишдир. Кейин жорий портфелда тахминий даромадликларни келтириб чиқариш учун вазнлардан фойдаланилади. Ушбу тахминий даромадликлар жорий портфел кузатилаётган даврда ўзгартирилмайди деган фарздан келиб чиқади. VaR ҳисоб – китоблари портфел даромадлиги гистограммасидан ҳам кўриниши мумкин.

Монте-Карло усули – бу лойиҳа сезгирлигини таҳлил қилиш усули ва сценарийлар усулининг уйғунлаштирувчи усул бўлиб, уни асоси бўлиб эҳтимоллар назарияси хизмат қилади. Агар сценарийлар таҳлилида мутахассис уч хил вариантдаги сценарий тузса, Монте-Карло усулида бу вариантлар сони 500 та ва минглаб сценарийларни ташкил этади. Баъзи бир (ёки бир нечта) лойиҳа параметрларини ўзгартириб таҳлилчи уларни учта вариантдан кўриб чиқади ва ҳар бир вариантга лойиҳа натижасини ҳисоблаб чиқади. Ушбу натижалар йиғиндиси асосида қарор қабул қилинади.

Монте-Карло усулининг асосий босқичлари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Усул моделини тайёрлаш, яъни таҳлил учун асос қилиб олинган кўрсаткичларни (NPV, IRR, соф фойда, нақд пул оқими ёки бошқ.) математик кўринишини компьютерга киритиш лозим;

2. Эҳтимолларни тақсимлаш босқичи, яъни параметрларни ўзгариш чегараларини ва эҳтимоллик қонуниятларини аниқлаш;

3. Коррелация шартларини белгилаш – ўзгарувчан миқдорларни ўзаро боғланишини кўрсатиб бериш;

4. Иммитация натижаларини йиғиш;

5. Натижаларини статистик таҳлил қилиш.

Ҳар бир лойиҳа сценарийси маълум эҳтимол миқдорини англатади.

Бу усулнинг афзалликлари деб қуйидагилар ҳисобланади:

- бозорни турли кўринишлари ва ўзгаришларини моделлаштириш имконияти;

- моделларни кенгайтириш имконияти ва вақт билан чегараланмаганлиги (фақат лойиҳа хаёти даврида эмас);

- ташқи омилларни барчасини ҳисобга олиш имконини беради.

Усулни камчиликлари:

- ҳисоб-китоблар серқувват компьютер программаларини талаб қилади;

- таҳлилчи маълум математик ва статистик билим ва тушунчаларга эга бўлиши лозим;

- хатолар эҳтимоли мавжудлиги.

Кўп ҳолларда таҳлил натижалари бўйича диаграмма ёки гистограмма тузилади. Уларда таҳлил натижаси яққол намоён кўрсатиб беради.

Бироқ сўнги йилларда рискларни бошқаришдаги янги ёндошувлар пайдо бўлди. Энди ҳар бир корхона, компания, ҳолдинглар ва иқтисодиётнинг бутун тармоқлари рискларини бошқаришда аниқ операция ва фаолият соҳалари бўйича тор доирада қисмли ёндашувидан комплекс бошқарувга ўтишни кўзда тутаяди.



8-расм. Тижорат банкларида рискларни бошқаришнинг ривожланиши⁴³.

XX аср 90-йилларининг бошида жаҳон тажрибасида риск-менежмент соҳасида стандартларини шаклланиши кузатилди.

Стандартларнинг ёйилиши давлатларда, халқаро даражада ва ҳаттоки, тармоқ даражасида (банк, суғурта ташкилотлари) амалга оширилди. Бунинг исботи бўлиб, рискларни бошқаришнинг англосаксон ҳуқуқли давлатлар (Австралия, Янги Зеландия, Япония, Буюк Британия, ЖАР, Канада) миллий стандартлари, шунингдек, Ҳомийлик ташкилотлари Treadway комиссия Комитети (COSO, АҚШ) ишлаб чиққан стандарт, риск-менежерлар европа ассоцияси федерацияси стандарти (FERMA) ва рискларни бошқариш стандарти ISO 31000:2011 ҳисобланади.

Тармоқ рискларини бошқариш стандартлари орасида суғурта ташкилотлари (Solvency, Solvency II) ва банк (Basel, Basel II, Basel III) фаолияти билан боғлиқ бўлган стандартлар машҳурдир.

Жаҳон тажрибасида “COSO кубини” номини олган бу стандарт ташкилотлар мақсадлари (стратегик, операцион, ҳисоботга тайёргарлик ва қонунларга риоя қилиш), компаниянинг ташкилий тузилмаси ва риск бошқарув жараёни таркибий қисмлари ўртасида боғлиқликни ифодалайди.

Риск-менежерлар Европа ассоцияси федерацияси стандарти (FERMA) риск-менежмент институти (IRM), Риск-менежмент ва суғурта ассоцияси (AIRMIC) ва риск-менежмент бўйича миллий форум (ALARM) томонидан қўшма ҳолда ишлаб чиқилган.

“Coso кубини” муаллифлари фикрига кўра, бундай фундамент эга бўлиш, ишлашни осонлаштиради ва ҳамжихатликни оширади, чунки иштирокчилар орасида мулоқот қилиш учун ягона “тил” топилади. Компания бошлиқлари ўз компанияларида рискларни бошқаришни баҳолашда ягона асосга таянишади, буни ривожлантирган ҳолда ўз мақсадларига эришишни таъминлашади.

FERMA стандарти бўйича рисклар 4 гуруҳга бўлинади: стратегик, операцион, молиявий ва хатар rischi.

Яна бир мукамал ҳисобланадиган миллий стандартлардан бири сифатида, Австралия ва Янги Зеландиянинг риск-менежменти бўйича стандартидир. AS/NZS 4360 стандарти умумий характерга эга бўлиб, у асосан трансмилий компанияларда рискни бошқаришни кўзда туттади.

⁴³ Иванов А.А., Олейников С.Я., Бочаров С.А. Риск-менеджмент. Учебно-методический комплекс. – М.: Изд. центр ЕАОИ, 2008. – 193 с.

2002 йилда рискларни бошқаришни бирхиллаштириш, ҳамда турли даражаларда стандартларни ишлаб чиқиш мақсадида ISO/IEC Guide 73 «Risk Management Vocabulary Guidelines for use in standards» кучга кирди.

Кейинги стандартларни ривожига қадам бу рискларни бошқариш соҳасида умумий ISO стандарти бўлди, бу ISO 31000 “Риск-менежмент – тамойиллари ва қўллаш бўйича қўлланма” (Risk Management — Principles and guidelines on implementation) стандарти 2009 йилда 26 давлатнинг стандартлаштириш бўйича миллий ташкилотлари томонидан яратилди. Бу билан биргаликда ISO/МЭК 73:2002 стандарт қўлланмаси янгиланиб, ISO/МЭК 31010 “Риск-менежмент – рискни баҳолаш бўйича қўлланма” стандарти (ISO/IES 31010 Risk -Management — Risk assessment guidelines) ишлаб чиқилди.

Россияда эса “ИНТЕК” илмий-техник марказ томонидан шу стандартни тўлақонли таржимаси бўлган ГОСТ Р ИСО 31000:2010 стандарти яратилган. Стандарт 2010 йил 21 декабрда техник бошқарув ва метрология федерал агентлиги томонидан амалга киритилди.

ГОСТ Р ИСО 31000:2010 риск-менежментнинг тамойиллари, инфраструктураси ва жараёнини тасвирлайди. У кўлами, фаолияти ва соҳасидан қатъий назар барча ташкилотлар томонидан қўлланиши мумкин. Стандартни қўллашдан мақсад ташкилотлар олдида қўйган мақсадларига эришишлари эҳтимолини ошириш, юз бериши мумкин бўлган эҳтимоллар ва рискларни аниқлаш, шунингдек, риск-менежмент учун ресурсларни самарали тақсимлаш ва фойдаланишда кўмак беришдан иборат.

3.3 Тижорат банклари пасивлари ва активлари билан боғлиқ рискларни бошқариш. ГЭП - таҳлил орқали фоиз рискни бошқариш.

Банкнинг "Олтин қоидаси"га кўра, банк молиявий талабларининг ҳажми ва муддати банк мажбуриятлари миқдори ва муддатига мос келиши керак. Бу қоидага риоя қилиб, банклар жорий счетлар бўйича қолдиқларни кредит ресурси сифатида ишлата олмайдилар, чунки мижозлар уларни хоҳлаган вақтда талаб қилиб олишлари мумкин. Банкнинг нақд пул резерви омонатларга нисбатан шаклланади.

Фоиз ставкалари ўзгаришига таъсирчан актив ва пасивлар ўртасидаги миқдорнинг узилиши пуллик ГЭП (ёки банкнинг соф баҳоси) деб номланади ва у қуйидаги формула орқали номланади:

$$\text{ГЭП} = \text{АТФ} - \text{ПТФ},$$

Ушбу кўрсаткич фоиз rischi даражасини баҳолаш имкониятини беради. Фоиз рискни баҳоловчи бошқа кўрсаткич ГЭП муносабат деб номланади (ёки фоизли ГЭП, ёки ГЭПнинг таъсирчанлиги):

$$\text{ГЭП}(\%) = \text{АСФ} / \text{ПСФ},$$

Кўрсаткичнинг камчиликлари: биринчидан, фоиз ставкаларининг ўзгариши билан боғлиқ даромаднинг ўзгарувчанлигини кўрсатиб бермайди, иккинчидан эса банк катталигини ҳисобга олмайди.

ГЭПни қуйидаги турларини ажратиш мумкин:

1. Манфий ГЭП банк пассивларининг фоиз ставкалари ўзгаришига таъсирчан бўлган активларига нисбатан кўпроқлигини англатади. Банк маблағларни қисқа муддатга олиб, уни узоқ муддатга жойлаштирган ҳолатлар рентабеллик ҳисобланади. Шунингдек, банк паст нархлардан олиб, уни даромадлироқ узоқ муддатли бозорда кредитга кўяди. Манфий ГЭП ҳолатидаги банк фоиз ставкаларининг тушишидан фойда кўради. Ставка ошганда, манфий ГЭП сезиларли даражадаги фоиз рискни вужудга келтиради, чунки нархлар даромадли активлардан кўриладиган фойдага нисбатан тезроқ оша бошлайди. Инфляция ҳолатларида манфий ГЭП молиявий фожеаларга олиб келади: даромадлар ўрнини зарарлар эгаллайди, банкнинг молиявий барқарорлиги бузилади, бу эса тўловга лаёқатсизликка олиб келади.

2. Нолли ГЭП банкнинг актив ва пассивларини муддатлар бўйича мослаштиришни англатади. Ушбу ҳолатни одатда нейтрал риск деб номлашади. Нолли ГЭП ҳолатли банк фоиз ставкалари ўзгариш жараёнида ўзининг портфелида “сарф қилинмайдиган” ссудаларни сақлайди. Шунининг олдига олиш керакки, актив ва пассивлар бўйича фоиз ставкаларнинг бир хилда ўзгариши соф фоиз даромадига таъсир қилмайди. Лекин, ушбу нолли ГЭП ҳолатида фоиз ставкалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган рискнинг пайдо бўлиш имконияти йўқ дегани эмас. Муаммо шундан иборатки, актив ва пассивлар бўйича ставкаларнинг ўзгариши синхронланмагандир. Ссудалар бўйича фоиз ставкалар банк раҳбарияти томонидан шартнома асосида белгиланади, улар эса бозор ставкалари ўзгаришидан орқада қолади, айниқса фоиз циклининг бурилиш нуқталарида. “Нолли қирқилиш” тактикаси банкнинг моҳирлик сифатини камайтиради, бу эса юксалиш пайтларида банк фойдасининг ўсишини тўхтатади ва тушиш пайтларида эса унинг тушишини юмшатади.

3. Мусбат ГЭП банк активларининг фоиз ставкалари ўзгаришига таъсирчан бўлган пассивларига нисбатан кўпроқлигини англатади. Агар фоиз ставкаларининг даражаси камайиш тенденциясига эга бўлса, банкнинг фоиз даромади фоиз қайтариш тўловлари харажатларига нисбатан тезроқ камаяди. Шу тариқа мусбат ГЭП ҳолатига эга бўлган банк фоизлар тушишидан зарар кўради ва унинг ошишидан даромад олади.

5-жадвал

Активлар ва пассивларнинг тўлов муддати ва структурасининг ГЭП таҳлили.

ГЭП	Фоиз ставкасининг кутилаётган ўзгариши	Ҳисоблаш формуласи	Активлар портфели	Маблағлар билан таъминланиши	1-пассивлар ва 3-активларга таъсирчанлиги	Банкнинг фойдаси
Манфий	Ўсиш	АСФ<ПСФ	Қисқа муддатли (узоқ муддатли) активлар	Қисқа муддатли (узоқ муддатли) пассивлар	1 Пассивлар активларга нисбатан олдин	Пассивлар баҳосининг тушиш

	Камайиш		Узоқ муддатли активлар	Узоқ муддатли пассивлар	кайтабаҳола ниши керак	идан
Нолли	Ўсиш ёки камайиш	АСФ=ПСФ	Мувозанатланган активлар	Мувозанатланган пассивлар	2 Нейтрал позиция	-
Мусбат	Ўсиш		Узоқ муддатли (қисқа муддатли) активлар	Узоқ муддатли (қисқа муддатли) пассивлар	1 Активлар пассивларга нисбатан олдин кайтабаҳола ниши керак	Мавжуд қиммат бўлмаган пассивлар ҳисоби га
	Камайиш	АСФ>ПСФ	Узоқ муддатли активлар	Қисқа муддатли пассивлар		

Ушбу ҳолатда банкнинг асосий вазифаси фоиз ставкасини ўзгаришидан самарали фойдаланишдир. Фоиз ставкаларининг ўзгаришида “ўйнаш”ни истамаган банк ГЭПни нолли ҳолатга келтириб фоиз рискин камайтириши мумкин.

Шу билан актив ва пассивларни бошқариш мақсади кўрсатилган риск даражасида фоиз даромадларини максималлаштиришдан иборат ёки берилган фоиз даромади даражасида рискни минималлаштиришдан иборатдир. Банк менежменти соҳасидаги маслаҳатчи Д.Кейц шуни тасдиқлайдики, банкнинг идеал ҳолати- бу потенциал балансланган ҳолатда бўлиши керакки, бу ҳолат фоиз ставкаси динамикасига мос келиши керак. Ушбу таъриф бозор ўзгаришини прогноз қилиш яхши йўлга қўйилган йирик бўлган банклар учун мос келади. Акс ҳолда банк катта зарарлар кўриши мумкин.

ГЭП таҳлили орқали фоиз рисқи даражасини таҳлил қилиш мумкин. Лекин уни таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги келтирилганларга эътибор бериш лозим:

1. келгусидаги фоиз ставкаларининг йўналишини аниқлаш мақсадида прогнозлашнинг замонавий усулларида фойдаланиш зарур;

2. фоиз ставкаларининг даражасини аниқ ҳисоблаб чиқиш мумкин эмас. Шунинг учун таҳлилнинг вариантли усулидан фойдаланиш зарур.

3. ГЭП таҳлили актив ва пассив операциялар бўйича пул оқимлари ҳаракати вақтини ҳисобга олмайди. Шундан келиб чиқиб, ГЭП таҳлил ва давомийлик таҳлилининг биргаликда қўллаш тавсия қилинади.

БА/П ижобий ва салбий бўлади. **Ижобий БА/П** да ўзгарувчан ставкалардаги активлар ўзгарувчан ставкалардаги пассивлардан юқори бўлади. Ижобий БА/П да фоиз ставкасининг пасайиши фоиз маржанинг пасайишига олиб келади ва аксинча. **Салбий БА/П** да ўзгарувчан фоиз ставкалардаги пассивлар, ўзгарувчан фоиз ставкалардаги активлардан ошиб кетади. Бу ҳолатда фоиз ставка пасайса маржа ўсади, фоиз ставка ошса маржа камаяди.

Банкнинг **фоиз сиёсатини амалга ошириш босқичлари:**

1-босқич - паст фоиз ставкалар (ўсиш кузатилмоқда):

- қарз маблағлари муддатини ошириш;
 - фиксирланган ставкалардаги кредитларни қисқартириш;
 - портфел инвестициялар муддатини қисқартириш;
 - қимматли қоғозларни сотиш;
 - узоқ муддатли қарзларни сотиш;
 - кредит линияларни ёпиш.
- 2-босқич - ўсувчи фоиз ставкалар (максимал ўсиш кузатилмоқда);
- қарз маблағларни муддатини қисқартириш;
 - инвестициялар муддатини узайтириш;
 - фиксирланган ставкалардаги кредитлар улушини ошириш;
 - қимматли қоғозларга инвестициялар улушини ошириш;
 - фиксирланган ставкалардаги қарзларни муддатидан олдин қайтариш.
- 3-босқич - юқори фоиз ставкалар (пасайиш кузатилмоқда):
- қарз маблағлари муддатини қисқартириш;
 - фиксирланган ставкалардаги кредитларни улушини ошириш;
 - инвестициялар портфели муддатларини ошириш;
 - активларни сотиш режасини тузиш.
- 4-босқич - камаювчи фоиз ставкалар (минимал тушиш мумкин):
- қарз маблағлари муддатини узайтириш;
 - инвестиция муддатларини камайтириш;
 - ўзгарувчан фоиз ставкалардаги кредитлар улушини ошириш;
 - қимматли қоғозларга инвестицияларни камайтириш;
 - узоқ муддатли қарзларни ошириш.

3.4 Операцион риск бўйича БАЗЕЛ қўмитасининг тавсиялари ва талаблари.

Базель қўмитаси **операцион риск**ни ички жараёнлар ва тизимларнинг номувофиқлиги, ходимларнинг масъулиятсизлиги ёки бошқа ташқи омиллар ҳисобига юзага келадиган ҳавф-хатар деб баҳолайди. Мазкур тушунча банк ва унинг ходимлари томонидан қонунчиликка, ахлоқий меъёрларга, шартнома мажбуриятларига риоя этмаслик ҳамда суд жараёнининг кўзгатилиши туфайли юзага келадиган ҳуқуқий рискни ҳам кўзда тутадиган доимий ва алоҳида назоратни олиб бориши лозим.

Базель қўмитаси кредит ташкилотларида операцион рискларни бошқаришнинг қуйидаги асосий принципларини белгилаган.

1-Принцип. Директорлар кенгаши барча ташкилотларда операцион рискларни бошқариш маданиятини юксалтириш.

2-Принцип. Банклар рискларни бошқариш жараёнини тўлиқ ўрганишлари ва бошқариш системасини яратишлари керак.

3-Принцип. Директорлар кенгаши рискни бошқариш системасини қайта ишлаб чиқишлари ва ижро органлари устидан назорат қилишлари керак.

4-Принцип. Директорлар кенгаши рисклилик даражасини белгилашлари керак.

5-Принцип. Ижро органлари директорлар кенгаши учун аниқ, самарали ва барқарор бошқариш услубини қайта ишлаб чиқишлари керак.

6-Принцип. Ижро органлари риск омилларини аниқ белгилаш мақсадида операцион рискнинг тўғри баҳолашлари керак.

7- Принцип. Ижро органи операцион риск билан боғлиқ янги маълумотлар киритилишини таъминлашлари керак.

8- Принцип. Ижро органи операцион рискнинг доимий мониторингини ҳамда бўлимлар ҳисобот тизимини ташкил этишлари керак.

9-Принцип. Ички назорат тизимини барқарорлигини ва риск даражасини камайтириш тизимини ишлаб чиқишлари керак.

10- Принцип. Операцион рисклар мавжуд бўлганда банкда иш фаолияти узлуксизлигини таъминловчи режаларнинг ишлаб чиқилиши зарур.

Риск ҳолатларини 2 та йирик тоифага бўлиш мумкин:

- тез-тез учраб турадиган ва кам йўқотишларга олиб келадиган рисклар
- кам учрайдиган аммо катта йўқотишларга олиб келадиган рисклар.

Кўп ҳолларда қиймат ва баҳо ҳисоб-китоб йўли билан аниқланиши лозим, асосланган ҳисоб-китоб қийматларидан фойдаланиш молиявий ҳисоботни тузишнинг муҳим қисми ҳисобланади ва унинг ишончилигига путур еткизмайди. Бироқ, асосланган ҳисоб-китоб қийматини олиш имкони бўлмаган тақдирда, модда бош китобда, баланс ёки фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинмайди.

Тахлилларга таянган ҳолда шуни айтимиз мумкунки “Иқтисодий инқироз вақтида Америка тижорат банкларининг йиллик соф фойдаси тармоқлар бўйича фойданинг кўп миқдори резервларни бой беришда сезиларли даражада тушиб кетди”⁴⁴, - деб иқтисодий манбаларда келтирилган.

Шунингдек, операцион рискларни бошқаришда рискни баҳолашнинг миқдорий ва самарали услублари мавжуд. Масалан, банкнинг савдо операцияларида ҳисоб-китоб хатолигига тез-тез йўл қўйишади, аммо уларни статистик моделлаштириш мумкин. Бошқа ҳолатлар камроқ учрайди, аммо моделлаштирилмайди. Буларга масалан террорлик актлари, табиий офатлар ва савдо соҳасидаги фирибгарликлар киради.

Самарали услубларга:

- йўқотишлар тўғрисидаги ҳисоботлар
- бошқарув назорати
- ходимларни сўроқ қилиш
- ишдан бўшаш сабабини аниқлаш
- бошқарувчиларнинг ўзига юқори баҳо бериши
- ички аудит

Миқдорий услублар банкда операцион рискларни олдини олиш учун капитални тақсимлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

⁴⁴ “Profits and Balance sheet developments at U.S. Commercial Banks in 2009” by Seung Jung Lee, Jonathan D. “Federal Reserve Bulletin” 2010.

“Базель II” келишувига кўра йирик банклар операцион рискка нисбатан капиталга бўлган талабни баҳолашда ўзининг ички моделига асосланади.

Бу келишувдан сўнг операцион рискни баҳоловчи бир нечта мустақил тадқиқодлар олиб борилди.

Кам учрайдиган аммо катта зарар келтирувчи рисклар мол- мулкни суғурта қилиш ва бахтсиз ходисадан суғурталаниш учун ишлаб чиқилган усуллардан фойдаланиш билан моделлаштирилади. Тез-тез учрайдиган рискларда кўпроқ статистик анализга эътиборни қаратишади.

Статистик моделлаштириш учун эса маълумотлар керак бўлади. Операцион рискда 2 хил турдаги маълумотдан фойдаланилади.

- Олдинги зарарлар тўғрисидаги маълумотлар
- Риск индикаторлари тўғрисидаги маълумотлар

Қуйидаги ҳолатлар зарарга олиб келиши мумкин: иш жараёнидаги хатоликлар, кичик фирибгарликлар, миждозларнинг даъвоси ва б. Ўқотишлар бевосита(масалан ўғрилик натижасида), ёки билвосита(банкнинг обрўйига путур етказган ҳолатда).

Уларни 3 тоифага бўлиш мумкин:

- Ходиса
- Сабаб
- Натижа

Масалан бажарилмаган ишларни ходиса мисолида ажратиш мумкин. Бунга сабаб масъулиятсизлик билан ёндашиш, компьютер тизимидаги муаммолар ёки ходимларнинг чарчаб қолиши. Натижада бозорни ўқотишга эришиш, контрагентга тўлов ўтказиш, даъво бериш ёки банк обрўсига путур етиши мумкин. Барча ҳолатларда бир нечта сабаб ва оқибатлари бўлади. Буни олдини олиш учун эса ходимларни қайта ўқитиш, мутахассисларни чуқур тайёрлаш ҳамда зарур тармоқларни ривожлантириш керак.

3.5 Тижорат банкларининг фонд бозоридаги операциялари rischi ва портфел riskини баҳолаш ва бошқариш.

“Портфель назарияси” (Portfolio Theory)нинг 3та асосий концепцияси мавжуд. Улар қуйидагилардир:

1. Рискдан қочиш (Risk Aversion) концепциясида акциядор ва инвесторлар имконият пайдо бўлиши биланок, доимо рискдан қочишга интилишади. Бу концепция “камайиб борувчи самара” (Diminishing Utility) қонуни билан боғлиқ, яъни капитал суммаси қанчалик катта бўлса, акциядорда уни ўстириш истаги шунчалик камайиб боради;

2. координата тизимида жойлашган самарадорлик даражасининг “мустақил эгри чизиқлари” (Indifference Curves) концепцияси. Мустақил инвестициялар (инвестиция портфеллари), яъни “мустақил эгри чизиқлар” ўзида самарадорлик даражасини акс эттиради. Уларнинг ёрдамида банк ташкилоти раҳбарияти даромад ва рисклар даражасини тартибга солиб боради;

3. “капитални тақсимлаш” (Kapital Rationing) концепцияси инвестицияларни сунъий равишда чеклаш (шу жумладан, давлат томонидан ҳам) мавжуд бўлган шарт-шароитларда ишлатилиши мумкин. Бу ҳолатда банк баъзи-бир лойиҳаларга, агарда уларни фойдали деб топса ҳам, ўз пулларини киритиш имкониятига эга бўлмайди.

Портфель rischi даражаси кўп ҳолларда умумбозор нархларнинг тушиши rischi билан боғлиқ. Умумбозор баҳоларининг тушиши rischi – бу баъзи-бир молиявий активлар бўйича даромад олмаслик riskидир. Бу кўп ҳолларда бозорда муомалада бўлган барча қимматли қоғозларнинг баҳоларини бир вақтда пасайиши билан боғлиқ бўлади.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда бозорни ўрганувчи фирмалар (масалан, “Стандарт энд Пурс”) борки, улар турли қимматли қоғозларнинг портфель rischi даражасини таҳлил қилиб борадилар. Қимматли қоғозлар ишончилигининг қуйидаги таснифи мавжуд: ААА, АА, А, ВВВ, ВВ, В.....D. ААА.....ВВВ категорияга кирган қимматли қоғозлар камроқ riskка тортилган бўлса, D категория эса номинал қийматнинг қайтишини ҳам кафолатламайди, яъни асосий капитал қиймати келишилган муддатнинг охирида катта савол остида қолади.

Албатта, risk ва даромадлилик даражалари ўртасидаги аниқ боғлиқлик ривожланган ва барқарор бозорда аниқ-равшан кўринади. Хусусий фирмалар ва акциядорлик корхоналарининг қимматли қоғозлари давлат облигацияларига нисбатан riskка кўпроқ тортилган. Давлат назарий ва амалий жиҳатдан банкрот бўла олмайди, чунки унинг қарз мажбуриятлари бўйича даромад бутун мамлакатнинг бойлиги билан кафолатланади. Айни пайтда, нодавлат, акционер ва венчур корхоналари шароитларга тез мослашувчан ва самаралидир, бироқ банкротлик даражаси юқоридадир.

Тижорат банклари портфелларини бошқаришнинг асосий йўналишлари бўлиб, банк портфеллари билан боғлиқ йўқотишларнинг олдини олиш ёки минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдир. Бу riskни бошқаришнинг стратегиясини яратишни кўзда тутлади. Бунда банк ривожланишининг барча имкониятларидан ўз вақтида ва босқичма-босқич фойдаланиш ва айни пайтда riskларни ўзига қулай ва бошқарилувчи даражада сақлаб туриш кўзланган ҳолда қарор қабул қилиш сиёсатининг асослари ишлаб чиқилади.

Riskни минималлаштириш йўқотишларга олиб келувчи воқеа ва ходисаларнинг рўй бериш эҳтимоллигини камайтириш ва потенциал зарарларнинг миқдорини камайтириш (чеклаш)га қаратилган тадбирлар мажмуасини амалга оширишни назарда тутлади.

Банк амалиётида портфель riskини бошқаришнинг бир неча усуллари ишлаб чиқилган. Улар қуйидагилардир:

1. бош тортиш;
2. актив ва пассивларни бошқариш;
3. диверсификация;
4. суғурталаш;
5. хеджирлаш.

Бош тортиш банк томонидан рискли тадбирларни амалга оширишдан ўзини олиб қочишдир. Бироқ, одатда, молиявий тадбиркорлик учун рискни қабул қилишдан бош тортиш яхшигина фойда олиш имкониятини пасайтиради. У рискни қабул қилиш (ютиш) ва лимитлаштиришни ўз ичига олади.

Рискни қабул қилиш (ютиш)да зиён тан олинади, бироқ у суғурталанмайди. Рискни қабул қилиш (ютиш), зарар суммаси кам миқдорда бўлса ва уни ҳисобга олмаслик имконияти бўлганда қўлланилади.

Лимитлаштириш – лимит белгилаш, яъни харажатлар, савдо-сотиқ, кредитларнинг чегеравий суммасини ўрнатишдир. Лимитлаштириш риск даражасини пасайтиришнинг муҳим усули бўлиб, банклар томонидан ссудалар ажратиш, овердрафт шартномаси тузиш, инвестицион фаолият ва бошқа ҳолларда қўлланилади. Стратегия қанчалик агрессив бўлса, йўқотишларнинг режа бўйича чегараси шунчалик юқори бўлади. Агрессив сиёсатда йўқотишларнинг чегараси бўлиб корхона капитали ҳисобланса, консерватив сиёсатда эса корхона фойдаси ҳисобланади.

Лимитларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- тузилмавий лимитлар;
- контрагент лимитлари;
- очик позиция лимитлари;
- битимни бажарувчилар ва назорат қилувчилар учун лимитлар;
- ликвидлилик лимитлари.

Тузилмавий лимитлар операцияларнинг турли шакллари ўртасидаги нисбатни таъминлайди: кредитлаш, банклараро кредитлар, қимматли қоғозлар ва ҳ.к. Жами активлар умумий суммасига нисбатан фоизда белгиланади, яъни қатъий характерга эга эмас, балки жами активлар ҳажмининг ўзгаришида умумий нисбатларни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2008 йил 27 декабрдаги “Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг бошқа корхоналар устав капиталида қатнашишига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 30/2-сонли Низомида белгиланишича, тижорат банклари қимматли қоғозларни харид қилиш ва юридик шахсларнинг устав капиталида улушли иштирок этишда қуйидагиларга риоя этишлари шарт:

А) банкнинг муайян юридик шахс устав капиталига, шунингдек ушбу юридик шахснинг бошқа қимматли қоғозларига киритган инвестициялари миқдори 1-даражали банк регулятив капиталининг 15 фоизидан ошмаслиги керак;

Б) банкнинг юридик шахслар устав капиталига ва бошқа қимматли қоғозларга киритган инвестициялари миқдори 1-даражали банк регулятив капиталининг 50 фоизидан ошмаслиги керак;

В) олди-сотди учун мўлжалланган қимматли қоғозларга киритилган банк инвестициялари миқдори 1-даражали банк регулятив капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги керак.

Тижорат банкининг бошқа банкларнинг устав капиталида иштирок этиши (чет эл капитали иштирокидаги банклар ва шўъба банкларини ташкил этиш ҳоллари бундан мустасно), шунингдек тижорат банкининг ўз устав капиталининг 10 ёки ундан ортиқ фоиз улушига эга бўлган юридик шахснинг устав капиталида иштирок этиши тақиқланади.

Тижорат банки бевосита ёки билвосита бошқа юридик шахс устав капиталининг 26 фоизидан ортиқ қисмига эгалик қила олмайди, бироқ қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) банкларнинг суғурта ва лизинг ташкилотлари устав капиталидаги иштироки;

б) банкларнинг нобанк кредит ташкилотлари устав капиталида, шунингдек молиявий бозор инфратузилмасининг бир қисми бўлган ёки банкларга ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатадиган юридик шахслар устав капиталидаги иштироки;

в) банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият юритадиган юридик шахслар (тижорат банкларининг устав капиталидаги иштироки бундан мустасно) устав капиталидаги иштироки;

г) хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларининг 50 фоизгача миқдорини ўрнатилган тартибда бирламчи бозордан харид қилишдаги иштироки;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 25 сентябрда қабул қилинган “Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси тўғрисида”ги 422-сонли Низомида қуйидагилар келтирилган:

- Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси 1-даражали банк капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги керак;

- Ишончли (таъминотсиз) кредитлар учун таваккалчиликнинг энг юқори даражаси 1-босқичли банк капиталининг 5 фоизидан ошмаслиги зарур;

- Банкнинг барча йирик кредитларининг умумий ҳажми 1-даражали банк капиталидан 8 мартадан ортиқ ошиб кетиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 2 ноябрда қабул қилинган “Банклар ва уларга дахлдор шахслар билан ўтказиладиган операциялар тўғрисида”ги 423-сонли Низомида қайд этилишича, банка дахлдор шахсларга бериладиган битта кредитнинг умумий ҳажми бир ёки ўзаро дахлдор қарз олувчилар гуруҳига бериладиган битта кредит таваккалчилигининг максимал миқдорига нисбатан тартибга солинади. Бундан ташқари, банкнинг барча дахлдор шахсларга берган кредитларининг умумий суммаси банкнинг 1-даражали (асосий) капиталининг 100 фоизидан ошмаслиги керак.

Очиқ позиция лимитлари валюта ва қимматли қоғозлар билан боғлиқ рискларни олдини олиш мақсадида ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2005 йил 28 майда қабул қилинган 610-сонли “Очиқ валюта позицияларини юритиш” Қоидаларида қуйидагилар қайд этилган:

- Ҳар бир операцион кун охирида алоҳида хорижий валюта тури бўйича очиқ валюта позицияси банк регулятив капиталнинг 10 фоиздан ошмаслиги керак;

- Ҳар бир операцион кун охирида барча валюталар бўйича очиқ валюта позицияларнинг умумий миқдори банк регулятив капиталнинг 20 фоиздан ошмаслиги керак;

- Очиқ валюта позицияларининг ўрнатилган чекловлардан ошиқ қисми банк томонидан кейинги операцион кунга ўтказилиши мумкин эмас.

Актив ва пасивларни бошқариш банк амалиётида кўп ҳолларда бозор, бундан ташқари, валюта ва фоиз рискларини назорат қилиш учун қўлланилади.

Диверсификация пул маблағларни баҳоси ва даромадлилиги бевосита бир-бири билан боғлиқ бўлмаган турли активлар ўртасида тақсимлаш ҳисобига умумий рискка тортилганлик даражасини камайтиришнинг усулидир. Диверсификациянинг моҳияти бир воқеа бўйича йўқотишларни максимал даражада пасайтиришда ётади, бироқ айти пайтда назорат қилиш лозим бўлган рисклар турлари ошиб боради.

Рискни суғурталаш риск даражасини пасайтиришнинг энг кенг тарқалган ва муҳим усулидир.

Ўз моҳиятига кўра суғурталаш, турли рискларларнинг кутилаётган таъсирида юзага келадиган зарарларни қоплаш учун мўлжалланган ресурсларни олдиндан заҳиралашнинг шакли бўлиб ҳисобланади.

Рискни бошқариш усули сифатида суғурталаш чора-тадбирларнинг 2та шаклини англатади:

- 1) суғурта компаниясига ёрдам сўраб мурожаат қилиш;

- 2) бир турдаги рискка учраган тадбиркорлар гуруҳи ўртасида зарарни тақсимлаш (ўз-ўзини суғурталаш).

Кредит бозори хизмати сифатида суғурталаш ишлатилганда, бу молиявий менежерни ўзига қулай бўлган суғурта мукофоти ва суғурта суммаси ўртасидаги нисбатни аниқлашга мажбурлайди. Суғурта мукофоти – бу суғурта rischi учун суғурта қилдирувчининг суғурталовчига тўловидир. Суғурта суммаси – моддий бойликлар ва суғурта қилдирувчининг активлари бўйича rischi суғурта қилинган пул суммаси.

Хеджирлаш банк, биржа ва тижорат амалиётда қўлланилади. “Хеджирлаш” термини кенг маънода келажакда товар ва хизматларни сотиш (етказиб бериш)ни кўзда тутувчи муайян товар-моддий бойликлар бўйича шартномалар ва тижорат операцияларда ноқулай тарзда баҳоларнинг ўзгариши билан боғлиқ рискларни суғурталашни англатади. Ҳам даромад олмаслик, ҳам зарарлар кўрмаслик бўйича ушбу “иккиёклама кафолат” амалга оширилган хеджирлашнинг классик суғурталашдан фарқидир.

Баҳс мунозаралар учун саволлар

- 1 Фоиз rischi тушунчаси
- 2 Портфел riskини келтириб чиқарувчи омиллар қайсилар?
- 3 Портфел riskини бошқариш босқичларига нималар киради?
- 4 Марказий банк фоиз сиёсати.
- 5 Операцион риск қандай маънони англатади?
- 6 Банк операцион riskларининг қандай турлари мавжуд?
- 7 Операцион riskларни пайдо бўлиш сабаблари қайсилар?
- 8 Операцион riskларни келиб чиқиш сабабларини санаб беринг.
- 9 Банк актив ва пассив операцияларидаги riskларини пасайтириш йўллари қайсилар?
- 10 Банк фоиз riskларни баҳолаш ва бошқаришда ГЭП таҳлили.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН ТАВСИЯЛАР

Амалий машғулот **мақсади** тингловчиларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган. Машғулотлар республикамизда фаолият олиб бораётган тижорат банклари ва хорижий мамлакатлар банк тизими фаолиятидан келиб чиққан ҳолда улар фаолиятида юзага келадиган рисклар, уларни аниқлаш, баҳолаш ва бошқаришда мавжуд илғор усул ва методлардан келиб чиқиб қарор қабул қилишни ўргатишга асосланган. Машғулот давомида тингловчилар банк фаолиятида юзага келувчи рискларни инновацион бошқариш, инновацион фаолият ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларини қўлланиши, банкларда рискларини ва банкнинг риск бўлинмалари ходимларини рискларни инновацион бошқаришда самарали қарорлар қабул қила олиш кўникмаларини шакллантириш, турли инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда рискни ўлчаш ва бошқариш, инновацион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини мониторинг қилиш орқали рискнинг олдини олиш ва уни минималлаштиришга эришиш соҳасида амалий кўникмалар ҳосил қиладилар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1 - амалий машғулот:

Банк рисклари, моҳияти, турлари ва таснифи.

1.Амалий семинарда мавзуда кўриб чиқилган саволлар бўйича аудиторияда қисқача савол-жавоблар ўтказилади.

Дарс шакли баҳс-мунозара ва кластер усули. Ишнинг мақсади тингловчиларда риск, банк рискининг моҳияти, унинг иқтисодиётга таъсири, банк рискининг юзага келиш сабаблари, уни олдиндан чамалаш, аниқлаш ва ўлчаш, банк рискларининг турларига эътибор қаратиш, хусусиятларини муҳокама этиш ва кўникма ҳосил этишдан иборат.

Ишни бажариш учун қуйидаги масалалар муҳокама этилади:

1. Риск ва банк rischi тушунчаларининг моҳияти, банк фаолиятида рискларнинг муқаррарлиги, уларни аниқлашнинг объектив зарурияти ва ўзига хос хусусиятлари/

2. Банк рискларининг турлари ва унинг таснифи. Банк рискларини бошқаришнинг назарий асослари.

3. Банк рискларининг функциялари ва бошқариш усуллари. Банклар фаолиятида рискларнинг юзага келиш эҳтимоли ва унинг банк фаолиятига таъсири.

4. Банк рискларини бошқариш тизими ва унинг элементлари. Банкларда риск-менежмент тизими: таркиби ва жорий қилиш механизми.

Назорат саволлари:риск, рискнинг пайдо бўлиши, банк rischi, банк rischi хусусиятлари, банк рискларини аниқлаш, рискларни чамалаш, рискни прогноз қилиш, банк рискларининг турлари, банк рискларини таснифлаш, риск ва фойда

2.Гуруҳ бир неча кичик гуруҳларга ажратилади ва уларга мавзуни кенг ёритиш бўйича қуйидаги мини мавзулар берилади ҳамда ҳар бир гуруҳдан белгиланган муддатда банк фаолиятига кучли таъсир кўрсатувчи риск турини изоҳлаш бўйича ўз қарашларини шакллантириб уни аудитория эътиборига ҳавола қилиш талаб этилади.Бунда:

Риск ва унинг иқтисодиётга таъсирини кластер усулида ўрганиш учун гуруҳларда:

1. Макродаражадаги рисклар;
2. Мездаражадаги рисклар;
3. Микродаражадаги рисклар таснифланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//Халқ сўзи. 2020 йил. 25 декабр.

3. A.Saunders, M. Milton Cornett, Financial Institutions Management: A Risk Management Approach, Ninth Edition, 2018.

4. Bank operatsiyalarini sug'urtalash. O'quv qo'llanma. M. Mo'minova, F.Nasriddinov, Z. Mamadiyarov. T.: "IQTISODIYOT". 2019. - 130 б.

5. Bank risklari. O'quv qo'llanma. Isakov J.Y. "Iqtisod-moliya". 2017. -100 б.

6. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia , 2014. Book 1,2.

7. Financial risk management: applications in market, credit, asset and liability management and firmwide risk / Jimmy Skoglund, Wei Chen. pages cm.—(Wiley finance series) Includes bibliographical references and index. ISBN 978-1-119-13551-7 (cloth)—ISBN 978-1-119-15723-6 (epdf)—ISBN 978-1-119-15724-3 (epub).

8. Joël Bessis. Risk Management in Banking, 4th Edition. Willey. June 2015
376 Pages
9. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account 2015. - 134 pp.
10. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.
11. Tijorat banklari aktiv va passivlarini boshqarish. O'quv qo'llanma. A. Azlarova, M. Abduraxmanova. T.: "IQTISODIYOT". 2019. - 350 b.
12. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.
13. Вальваран К.Д. Управление рисками коммерческом банке.- Вашингтон Д.С., Мировой банк, 1997. 303 с.
14. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.
15. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.
16. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. /под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.-М.: "БИНОМ. Лаборатория знаний", 2012.-319 с.
17. Мирзаев Ф.И. Молиявий рискларнинг турлари, таснифи, бошқариш ва баҳолаш усуллари. – Тошкент: Молия, 2006 –Б. 12-13.
18. Найт, Ф. Понятия риска и неопределенности /Ф. Найт // Thesis. - 1994. - вып.5. - с. 10
19. Регулирование и надзор за деятельностью коммерческих банков: учебное пособие / Умаров З. А., Кузиев И. Н., Назруллаев Н. С. - Ташкент: Издательский дом Инновационного развития. 2018. - 170 с;.
20. Роуз П.С. Банковский менеджмент. Пер. с англ. со 2-го изд.- М.: Дело, 1997. 768 с..
21. Синки Дж. Управление финансами в коммерческих банках.- М.: Catallaxy, 1994. - с. 428.
22. Финансово-экономические риски: учебное пособие / Е. Г. Князева, Л. И. Юзвович, Р. Ю. Луговцов, В. В. Фоменко. — Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2015. — 112 с.

II. Интернет ресурслари

1. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали.
2. www.edu.uz.-Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:
3. www.press-service.uz – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати расмий сайти.
4. www.ecb.int (The European Central Bank)
5. www.forexite.com (Безопасный Форекс / Forexite)
6. www.gold.org (The World Gold Council)
7. www.imf.org (International Monetary Fund)

8. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).

9. www.lex.uz (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).

2-амалий машғулот:

Банк рискларини юзага келтирувчи ва уларнинг даражасига таъсир этувчи омиллар таснифи

Дарс шакли: Дебат ва кластер усуллари. Машғулотнинг мақсади Рискларни юзага келтирувчи ва уларнинг даражасига таъсир этувчи омиллар таснифи. Банкларнинг молиявий рискларини таҳлил қилиш усуллари. Банклар фаолиятида рискларни бошқариш бўлимининг вазифалари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рискларни бошқариш бўлимига белгиланган талаблар. Банк рискларининг таснифи ва қиёсий тавсифини шакллантириш ва баҳолаш. Банк рискларининг характерли хусусиятлари. Банк рискларини аниқлашга ёндашувларни шакллантириш. Банк рискларининг сабаб ва оқибатларини ўрганиш ва уларнинг оқибатлари борасида дебат уюштирилади.

Қуйидаги масалалар ўртага ташланади:

- Банк рискларини юзага келишининг асосий сабаблари нималардан иборат.

- Тижорат банклари кредит рискин аниқлаш ва баҳолаш усуллари, методлари маҳаллий банклар ва хорижий банклар амалиёти.

- Тижорат банкларини рискларининг олдини олиш ёки уни минималлаштириш йўллари.

- Муаммоли кредитлар ҳажмини камайтириш ва улар бўйича захиралар шакллантириш масалалари.

- Тижорат банклари рискин бошқаришнинг замонавий усуллари ва стратегияси

Назорат саволлари: кредит рискин, муаммоли кредитлар, йўқотишлар бўйича захиралар, фоиз рискин бошқариш, кредит рискиннинг ички ва ташқи сабаблари, ликвидлик рискиннинг оқибатлари ва унинг банк фаолиятига таъсири, банк рискларини пасайтириш бўйича қарор қабул қилиш.

Кластер усулида банк рискиннинг моҳияти ва сабабларини ўрганилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//Халқ сўзи. 2020 йил. 25 декабр.

2. A.Saunders, M. Milton Cornett, Financial Institutions Management: A Risk Management Approach, Ninth Edition, 2018.

3. Bank operatsiyalarini sug'urtalash. O'quv qo'llanma. M. Mo'minova, F.Nasriddinov, Z. Mamadiyarov. T.: "IQTISODIYOT". 2019. - 130 б.

4. Bank risklari. O'quv qo'llanma. Isakov J.Y. "Iqtisod-moliya". 2017. -100 б.
5. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia , 2014. Book 1,2.
6. Financial risk management: applications in market, credit, asset and liability management and firmwide risk / Jimmy Skoglund, Wei Chen. pages cm.—(Wiley finance series) Includes bibliographical references and index. ISBN 978-1-119-13551-7 (cloth)—ISBN 978-1-119-15723-6 (epdf)—ISBN 978-1-119-15724-3 (epub).
7. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.
8. Tijorat banklari aktiv va passivlarini boshqarish. O'quv qo'llanma. A.Azlarova, M.Abduraxmanova. T.: "IQTISODIYOT".2019.- 350 б.
9. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.
10. Вальваран К.Д. Управление рисками коммерческом банке.- Вашингтон Д.С.,Мировой банк,1997. 303 с.
11. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.:Дашков и К, 2018. - 304 с.
12. Луман, Н. Понятие риска /Н. Луман // Thesis. - 1994. - вып.5. - с. 150
13. Мирзаев Ф.И. Молиявий рискларнинг турлари, таснифи, бошқариш ва баҳолаш усуллари. – Тошкент: Молия, 2006 –Б. 12-13.
14. Найт, Ф. Понятия риска и неопределенности /Ф. Найт // Thesis. - 1994. - вып.5. - с. 10
15. Регулирование и надзор за деятельностью коммерческих банков: учебное пособие / Умаров З. А., Кузиев И. Н., Назруллаев Н. С. - Ташкент: Издательский дом Инновационного развития. 2018. - 170 с;.
16. Финансово-экономические риски: учебное пособие / Е. Г. Князева, Л. И. Юзвович, Р. Ю. Луговцов, В. В. Фоменко. — Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2015. — 112 с.

II. Интернет ресурслари

1. www.uza.uz – Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти.
2. www.cer.uz – Иқтисодий тадқиқотлар Марказининг расмий сайти.
3. www.uzreport.com – бизнес ахборотлари портали.
4. www.InternetNews.com – янгиликлар сервери.
5. www.beri.com. (Business Environment Risk Intelligence)
6. www.cer.uz (Центр экономических исследований)
7. www.forexite.com (Безопасный Форекс / Forexite)
8. www.imf.org (International Monetary Fund)
9. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).
10. www.lex.uz (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).

3-амалий машғулот:

Банкларда рискларни бошқариш жараёни босқичлари ва моделлари

Дарс шакли: Дебат ва SWOT таҳлил усуллари. Машғулотнинг мақсади Молиявий рискларни бошқариш жараёнининг босқичлари. Жаҳон амалиётида кредит рискинни бошқариш тажрибаси. Кредит рискига тасир қилувчи омиллар. Кредит рисқи бўйича Базел қўмитаси талаблари. Риск қиймати VAR (value at risk). Ўзбекистон банклари амалиётида кредит риск бўйича талаблар ва уларга амал қилиш масалалари.

Фоиз рисқи моҳияти ва юзага келиш сабаблари, унга тасир қилувчи омиллар. Банкларда фоиз рискинни баҳолаш ва уни бошқариш усуллари. Тижорат банклари пассивлари ва активлари билан боғлиқ рискларни бошқариш. ГЭП - таҳлил орқали фоиз рискинни бошқариш. Фоиз рисқи бўйича БАЗЕЛ талаблари. Операцион риск юзага келишининг ички ва ташқи сабаблари. Операцион риск бўйича БАЗЕЛ қўмитасининг тавсиялари ва талаблари. Операцион рисқни баҳолаш ва бошқариш усуллари бўйича қарорлар қабул қилиш.

Тижорат банкларининг фонд бозоридаги операциялари рисқи ва портфел рискинни баҳолаш ва бошқариш бўйича масалалар ўртага ташланади ва дебатлар олиб борилади.

Қуйидаги масалалар ўртага ташланади:

- Жаҳон амалиётида кредит рискинни бошқариш тажрибаси.
- Риск қиймати VAR (value at risk).
- Тижорат банклари пассивлари ва активлари билан боғлиқ рискларни бошқариш. ГЭП - таҳлил орқали фоиз рискинни бошқариш.
- Операцион риск бўйича БАЗЕЛ қўмитасининг тавсиялари ва талаблари.
- Тижорат банкларининг фонд бозоридаги операциялари рисқи ва портфел рискинни баҳолаш ва бошқариш.

Назорат саволлари: Фоиз рисқи тушунчаси. Портфел рискинни келтириб чиқарувчи омиллар қайсилар? Портфел рискинни бошқариш босқичларига нималар киради? Операцион риск қандай маънони англатади? Операцион рискларни келиб чиқиш сабабларини санаб беринг. Банк актив ва пассив операцияларидаги рискларини пасайтириш йўллари қайсилар? Банк фоиз рискларни баҳолаш ва бошқаришда ГЭП таҳлили.

SWOT таҳлил усулида банк рискларини бошқариш имкониятлари ва камчиликлари ўрганилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//Халқ сўзи. 2020 йил. 25 декабр.

•A.Saunders, M. Milton Cornett, Financial Institutions Management: A Risk Management Approach, Ninth Edition, 2018.

•Bank operatsiyalarini sug'urtalash. O'quv qo'llanma. M. Mo'minova, F.Nasriddinov, Z. Mamadiyarov. T.: "IQTISODIYOT". 2019. - 130 б.

•Bank risklari. O'quv qo'llanma. Isakov J.Y. "Iqtisod-moliya". 2017. -100 б.

•English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia , 2014. Book 1,2.

•Financial risk management: applications in market, credit, asset and liability management and firmwide risk / Jimmy Skoglund, Wei Chen. pages cm.—(Wiley finance series) Includes bibliographical references and index. ISBN 978-1-119-13551-7 (cloth)—ISBN 978-1-119-15723-6 (epdf)—ISBN 978-1-119-15724-3 (epub).

•Joël Bessis. Risk Management in Banking, 4th Edition. Willey. June 2015
376 Pages

•Tijorat banklari aktiv va passivlarini boshqarish. O'quv qo'llanma. A.Azlarova, M.Abduraxmanova. T.: "IQTISODIYOT".2019.- 350 б.

•William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.

•Вальваран К.Д. Управление рисками коммерческом банке.- Вашингтон Д.С.,Мировой банк,1997. 303 с.

•Мирзаев Ф.И. Молиявий рискларнинг турлари, таснифи, бошқариш ва баҳолаш усуллари. – Тошкент: Молия, 2006 –Б. 12-13.

•Регулирование и надзор за деятельностью коммерческих банков: учебное пособие / Умаров З. А., Кузиев И. Н., Назруллаев Н. С. - Ташкент: Издательский дом Инновационного развития. 2018. - 170 с;.

•Роуз П.С.Банковский менеджмент. Пер.с.анг.со 2-го изд.-М:Дело,1997. 768с..

•Самуэльсон, П. Экономика / П. Самуэльсон. - М.: МГП «Алгон» ВНИИСИ, 1993. - 120с.

•Финансово-экономические риски: учебное пособие / Е. Г. Князева, Л. И. Юзвович, Р. Ю. Луговцов, В. В. Фоменко. — Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2015. — 112 с.

II. Интернет ресурслари

11. www.uza.uz – Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти.

12. www.cer.uz – Иқтисодий тадқиқотлар Марказининг расмий сайти.

13. www.uzreport.com – бизнес ахборотлари портали.

14. www.InternetNews.com – янгиликлар сервери.

15. www.beri.com. (Business Environment Risk Intelligence)

16. www.cer.uz (Центр экономических исследований)

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-Кейс.

Валюта фючерс битимлари хеджирлаш усулларидан энг кенг тарқалгани ҳисобланади. Валюта фючерс бўйича сотувчи белгиланган нарх бўйича чет эл валютасига келишилган суммани белгиланган нарх бўйича чет эл валютасига келишилган суммани белгиланган муддатда сотиш, харидор эса, сотиб олиш қимматининг кўтарилиши таваккалидан хеджирлаш ва битимни тўлашга олинган валюта қийматининг пасайишидан хеджирлаш фарқ қилинади. Биринчи ҳолда, импортчи мижоз ўзини ташқи савдо битими тўловини бажариш мақсадида чет эл валютасини сотиб олиш пайтидаги қиймат кўтарилиш таваккалидан ҳимоя қилади. Импортчи тузилган битим бўйича экспортчига тўловни бажариш учун яқин келажакда чет эл валютасининг сотиб олиши зарурлигини олдиндан билиб, банк воситасидаги экспортчи билан ҳисоб-китоб қилиш пайтида уни қониқтирадиган муайян қарз бўйича фючерсларни чет эл валютасида сотиб олади. Агар экспортчи билан ҳисоб-китоб қилиш муддати этгунга қадар чет эл валютасининг нархи ёки курси кўтарилса, импортчи ўша ўзи сотиб олган фючерс битимини юқори курс бўйича сотади. Жараёнларни ҳисоб-китоб қилиб хулоса шакллантиринг.

2-Кейс.

Амалий вазият. Тижорат банкининг фаолият натижалари шуни кўрсатадики, банк кредит портфелининг ҳолати олдинги йилларга нисбатан муаммоли кредитлар салмоғининг ошаётганлигидан далолат бермоқда. Банк бошқаруви томонидан кўрилган чора ва тадбирлар натижасида кредит портфелнинг сифати кўрсаткичи нисбатан яхшиланган бўлишига қарамасдан кредит портфелининг ҳолати бундан икки йил олдингига қараганда анча таҳликали эканлиги сизнибанк фаолиятида маълум қарорлар қабул қилиш ва уни амалга ошириш зарур эканлигига ундамоқда. Банк жамоасида баъзи ходимлар ўртасида ҳам эътирозлар юзага кела бошлади.

Бундай ҳолатда Сиз банк раҳбари ёки ижрочи сифатида қандай йўл тутасиз?

1. Рискнинг юзага келиш сабабларини ўрганасиз ва вазиятни тўғрилашга ҳаракат қиласиз.

2. Рискларни аниқлаш ва уларни бошқариш бўйича қарорларни таҳлил қилиб ўрганасиз.

3. Рискларни бошқариш бўлинмаси ходими ўз вазифасини бажара олмайётганлиги, уни ўз вазифасига ёндашуви ва қобиллиги масаласига эътибор қаратасиз, мутахассис вазифаларини ўзингиз бажариб вазиятни тўғрилайсиз.

4. Банкдаги рискли ҳолатни оддий ҳол деб қабул қилиб ўз фаолиятингиз билан одатдагидек машғул бўласиз.

5. Ёки бошқача йўллари топасиз.

3-Кейс.

Капалак ва клейстр усулларидадан фойдаланган ҳолда риск турларни сабаб ва оқибатлари бўйича гуруҳлаб гуруҳ хулосасини шакллантириб уни аудитория эътиборига ҳавола қилиш талаб этилади. Бунда:

1-гуруҳ. Операцион риск, унинг сабаб ва оқибатларини “КАПАЛАК УСУЛИДА” таҳлил этади ва уни бошқариш бўйича қарор қабул қилиш бўйича гуруҳ тақдимотини тайёрлайди;

2-гуруҳ. Ликвидлилик rischi, унинг сабаб ва оқибатларини “КАПАЛАК УСУЛИДА” таҳлил этади ва уни бошқариш бўйича қарор қабул қилиш бўйича гуруҳ тақдимотини тайёрлайди;

3-гуруҳ. Валюта rischi, унинг сабаб ва оқибатларини “КАПАЛАК УСУЛИДА” таҳлил этади ва уни бошқариш бўйича қарор қабул қилиш бўйича гуруҳ тақдимотини тайёрлайди;

4-гуруҳ. Бозор rischi, унинг сабаб ва оқибатларини “КАПАЛАК УСУЛИДА” таҳлил этади ва уни бошқариш бўйича қарор қабул қилиш бўйича гуруҳ тақдимотини тайёрлайди.

4-Кейс

Рискларни таснифланг ва бошқариш йўлларидаги изохланг ва қуйидаги жадвалда ифодаланг.

Иқтисодий даражада	Бошқариш соҳаси ва усуллари	Рисклар таснифи
I. Макродаражада		
II. Мезодаражада		
III. Микродаражада		

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1) Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.

Мустақил иш – мавжуд матн ёки бир қанча матнларни изоҳловчи шаклларида бири саналади. Шу боисдан, конспектдан фарқли ўлароқ, мустақил иш янги, муаллиф матн саналади. Ушбу ҳолатда янгилик, янгича тақдим этиш, материалларни тартиблаштириш, ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштиришда алоҳида муаллифлик ёндашуви тушунилади.

Мустақил иш - ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштириш ва таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлишни талаб этадиган бир ёки бир қанча манбаларни ўзида мужассам этадиган ғояларни қисқача ёзма кўринишидаги тақдимотидир.

Мустақил ишнинг турлари ва тизими:

1.Ифодаланиш тўлиқлигича кўра:

- а) информатив (рефератлар – конспектлар);
- б) индикатив (рефератлар –резюме (қисқача мазмун)

2.Мустақил иш таркиби:

А) библиографик қайд этилиши:

- Ф.И.Ш.нинг номи;
- чоп этилган манзили;
- нашриёт, йил;
- саҳифалар сони.

Б) Мустақил иш матни:

- мавзу, муаммо, мустақил иш қилинадиган иш предмети, мақсади ва мазмуни;

- тадқиқот усуллари;
- аниқ натижалари;
- муаллиф хулосаси;
- иш натижаларини қўлланниш соҳаси.

Ўқув фани бўйича мустақил иш тайёрлаш қуйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутати:

•Ўқув предмети долзарб назарий масалалари бўйича билимларини чуқурлаштириш, талаба томонидан мавзуга ушбу олинган назарий билимларни ижодий кўникмасини ҳосил қилиш;

•Танланган касбий соҳада хориж тажрибаларини, мавжуд шароитларда уларни амалий жиҳатдан қўллаш имкониятлари ва муаммоларини ўзлаштириш;

•Танланган мавзу бўйича ҳар хил адабий манбаларни (монография, даврий нашрлардаги илмий мақолалар ва шу кабилар) ўрганиш қобилиятини такомиллаштириш ва улар натижалари асосида танқидий ёндашган тарзда мустақил, ҳамда билимдон ҳолда материални ифода этиш, ишончли хулоса ва таклифлар қилиш;

•Ёзма кўринишдаги ишларни тўғри расмийлаштириш кўникмаларни ривожлантиришдир.

“Банк рискларини бошқаришда қарорлар қабул қилиш”модулидан

мустақил таълимни ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади: айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида ўзлаштириш; амалий машғулотлар учун топширилган мавзунини ахборот ресурс манбаларидан фойдаланган, расмий статистика маълумотларини тўплаган ҳолда бажариш.

Тингловчи мустақил ишни ташкил этишининг мазмуни “Иқтисодиётнинг инновацион тараққиёти” модулининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидагиларга асосланиб тайёрланиши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;

- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;

- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Муустақил таълим мавзулари.

Муустақил таълим тингловчининг муустақил равишда бажарадиган тадқиқот иши бўлиб, модулнинг бирон-бир мавзусини тўлиқ ўзлаштириш имконини беради ва белгиланган шаклда бажарилади. Муустақил таълимдан кўзланган мақсад тингловчинини фанни ўрганиш жараёнида олган билимларини муустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришдан иборат.

“Банк рискларини бошқаришда қарор қабул қилиш” модулидан муустақил таълим сифатида ўрганиладиган қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

VI. ГЛОССАРИЙ

Атаманинг ўзбек тилида номланиши	Атаманинг инглиз тилида номланиши	Атаманинг рус тилида номланиши	Атаманинг маъноси
Актив операциялар	Aktiviti operation	Активные операции	фойда олиш ва банк ликвидлиги (тўловга қобилияти)ни таъминлаш мақсадида банк ресурсларини кредит тамоиллари асосида иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли эhtiёжлари учун жойлаштирилиши тушунилади.
Актив операциялар билан боғлиқ рисклар	Risk of aktiviti operation	Риски связанные с активными операциями	кредит, валюта, фoиз, ликвидлик, инвестиция рисклари ва бошқалар.
Кредит механизми	Mechanism of credit	Кредит механизм	-кредит муносабатларини ташкил қилишда қўлланиладиган элементлар мажмуасидир
Алпари	Alpari	Алпари	Алпари-валюта курсининг, облигацияларининг, қимматли қоғозларнинг, векселларнинг ўз номинал қиймати билан идеал тенг бўлиши.
Банкни тугатиш	Liquidation of banking	Ликвидация банка	Банкнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ўтказмасдан банк фаолиятини тўхтатишдан иборат.
Банк rischi	Banking risks	Банковские rischi	банк фаолиятига таъсир қилувчи иқтисодий, молиявий, ижтимоий, сиёсий, технологик ички ва (ёки) ташқи омилларга боғлиқ бўлган ҳолатлар натижасида банк фаолиятига хос бўлган молиявий зарарлар кўриш ва (ёки) банк ликвидлиги (банк ўз мажбуриятларини вақтида бажариш қобилияти)ни тўлиқ ёки қисман йўқотиш хавфининг мавжудлигидир.
Банк рискларини бошқариш	Management of banking risks	Управления банковских рисков	банк ўз фаолиятини юритиши ва банк операцияларини ўтказишида пайдо бўлиши мумкин бўлган рискларни аниқлаши, уларнинг олдини олиш, бартараф этиш,

			камайтириш ва кўрилиши мумкин бўлган зарарларни бошқа молиявий воситалар орқали қоплаш бўйича банк томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуи тушунилади.
Банк рискларини бошқариш мақсади	Mission menejment of banking risks	Цель управления банковскими рисками	банк омонатчилари ва кредиторлари, акциядорлари, мижозлари манфаатларини ҳимоя қилиш, банк рискларини камайтириш, бартараф этиш ва олдини олиш, банк фаолиятининг етарли даражадаги барқарорлигини таъминлашдан иборат.
Банк ликвидлилиги rischi	Risk liquidity of bank	Риск ликвидности банка	банкнинг ликвидлилиги даражасини баҳолайди. Банкнинг турли сабаблар туфайли ўз мажбуриятларини ўз вақтида амалга ошира олмаслиги банкда ликвидлилиги rischi юзага келганлигини билдиради.
Баланслашмаган ликвидлилиги rischi	Off -balans -risk	Риск несбалансированной ликвидности	банкнинг мижознинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжини кам харажат билан ўз вақтида қондира олмаслиги оқибатида даромад ола олмаслиги ёки банк активлари қийматининг тушиб кетиши тушунилади.
ГЭП таҳлил	GEP analysis	ГЭП анализ	актив ва пассивларнинг муддати, ҳажми, фоизи жиҳатдан бир – бирига маълум вақт оралиғида мос келиши ўрганилади.
Кредит rischi	Credit risk	Кредитный риск	берилган кредит учун кредитнинг асосий суммаси ва фоизларни оз вақтида қайтармаслик rischi.
Дефолт	Defolt	Дефолт	шартнома бойича мажбуриятларини бажара олмаслик (кредитор, депозитлар ва хоказолар бўйича) касодга учраш.
Гудвилл	Gudvill	Гудвилл	харидор томонидан банк сотиб олинаётганда унинг соф активлари қийматидан юқори тўланадиган сумма сифатида таърифланади (барча активларнинг бозор нархи ва

			барча мажбуриятларнинг бозор нархи ўртасидаги фарк гудвиллни ташкил қилади).
Риск коэффициентлари-	Koefficient of risk	Коэффициент риска	мумкин бўлган йўқотишларнинг максимал суммасини ўз маблағлари нисбатини ифода қилади.
Домино эффекти ёки самараси	Knock-on effect	Эффект домино	домино эффект (масалан, қачонки бир банк банкротлиги бошқа барча банклар таназзули билан боғланса унда банкротликнинг занжирли реакцияси бошланади.
Ўтказиб бериш rischi	Risk cast chance	Риск поставки	тузилган битимнинг сотувчи ёки харидор томонидан бажарилишида молиявий инструментларни ўтказиб беришчи ўз мажбуриятларини бажара олмаслик. Масалан, қимматли қоғозлар қисқа позитсияси билан сотувда унинг сотувчи томонидан ўтказилмаслиги.
Кредит	Kredit	Кредит	фоиз ва маълум шартлар асосида кредит берувчи томонидан берилган қарз суммаси.
Кредит портфели	Credit portfolio	Кредит портфели-	тожорат банклари томонидан берилган жами кредитлар жамловчи ҳужжат.

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 2020 йил.
3. “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни, 2019-йил 15-ноябр.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Банк ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 2019-йил 7- ноябр.
5. Ўзбекистон Республикасининг "Валютани тратибга солиш тўғрисида"ги Қонуни. 2019 йил 15 ноябр.
6. Ўзбекистон Республикасининг "Тижорат сири тўғрисида"ги Қонуни. 2014 йил 11 сентябр.
7. Ўзбекистон Республикасининг "Гаров тўғрисида"ги Қонуни. 2013 йил 23 октябр.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида »ги ПҚ-4391- сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

II. Махсус адабиётлар

1. A.Saunders, M. Milton Cornett, Financial Institutions Management: A Risk Management Approach, Ninth Edition, 2018.

2. Bank operatsiyalarini sug'urtalash. O'quv qo'llanma. M. Mo'minova, F.Nasriddinov, Z. Mamadiyarov. T.: "IQTISODIYOT". 2019. - 130 б.

3. Bank risklari. O'quv qo'llanma. Isakov J.Y. "Iqtisod-moliya". 2017. -100 б.

4. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia , 2014. Book 1,2.

5. Financial risk management: applications in market, credit, asset and liability management and firmwide risk / Jimmy Skoglund, Wei Chen. pages cm.—(Wiley finance series) Includes bibliographical references and index. ISBN 978-1-119-13551-7 (cloth)—ISBN 978-1-119-15723-6 (epdf)—ISBN 978-1-119-15724-3 (epub).

6. Joël Bessis. Risk Management in Banking, 4th Edition. Willey. June 2015 376 Pages

7. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Accoun2015. - 134 pp.

8. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.

9. Tijorat banklari aktiv va passivlarini boshqarish. O'quv qo'llanma. A. Azlarova, M. Abduraxmanova. T.: "IQTISODIYOT". 2019.- 350 b.

10. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.

11. Вальваран К.Д. Управление рисками коммерческом банке.- Вашингтон Д.С., Мировой банк, 1997. 303 с.

12. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.

13. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.- Т.: "Нихол" нашриёти, 2013, 2016.-279б.

14. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.

15. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. /под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.-М.: "БИНОМ. Лаборатория знаний", 2012.-319 с.

16. Луман, Н. Понятие риска / П. Луман // Thesis. - 1994. - вып.5. - с.150

17. Луман, Н. Понятие риска / П. Луман // Thesis. - 1994. - вып.5. - с.150 Ray Bert Westerfield. Banking principles and practice. -UK: Nabu Press. 2014

18. Луман, Н. Понятие риска /Н. Луман // Thesis. - 1994. - вып.5. - с. 141

19. Мирзаев Ф.И. Молиявий рискларнинг турлари, таснифи, бошқариш ва баҳолаш усуллари. – Тошкент: Молия, 2006 –Б. 12-13.

20. Найт, Ф. Понятия риска и неопределенности /Ф. Найт // Thesis. - 1994. - вып.5. - с. 10

21. Регулирование и надзор за деятельностью коммерческих банков: учебное пособие / Умаров З. А., Кузиев И. Н., Назруллаев Н. С. - Ташкент: Издательский дом Инновационного развития. 2018. - 170 с;.

22. Роуз П.С. Банковский менеджмент. Пер. с.анг. со 2-го изд.- М.: Дело, 1997. 768с..

23. Самуэльсон, П. Экономика / П. Самуэльсон. - М.: МГП «Алгон» ВНИИСИ, 1993. - 120с.

24. Синки Дж. Управление финансами в коммерческих банках.-М.: Catallaxy, 1994. - с. 428.

25. Смит, А. Исследования о природе и причинах богатства народов (книги I-III) / А. Смит. - М: Наука, 1992. -с.234.

26. Финансово-экономические риски: учебное пособие / Е. Г. Князева, Л. И. Юзвович, Р. Ю. Луговцов, В. В. Фоменко. — Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2015. — 112 с.

27. Шумпетер, И. Теория экономического развития (Исследование предпринимательской прибыли, капитала, процента и цикла конъюнктуры) / И. Шумпетер. — М.: Прогресс, 1982. — с.21

III. Интернет ресурслари

10. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали.

11. www.edu.uz.-Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:
12. www.press-service.uz – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати расмий сайти.
13. www.uza.uz – Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти.
14. www.cer.uz – Иқтисодий тадқиқотлар Марказининг расмий сайти.
15. www.uzreport.com – бизнес ахборотлари портали.
16. www.InternetNews.com – янгиликлар сервери.
17. www.beri.com. (Business Environment Risk Intelligence)
18. www.cer.uz (Цент экономических исследований)
19. www.ebrd.com (The European Bank for Reconstruction and Development)
20. www.ecb.int (The European Central Bank)
21. www.forexite.com (Безопасный Форекс / Forexite)
22. www.gold.org (The World Gold Council)
23. www.imf.org (International Monetary Fund)
24. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).
25. www.lex.uz (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).